

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР
ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я**

Р. МАҲМУДОВ

КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА

ТОШКЕНТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

Р. МАҲМУДОВ

КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА

*Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
томонидан вазирлик олий ўқув юртлари учун
дарслик сифатида тасдиқланган*

Тошкент 2003

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг
Таҳририят-ноширлик кенгашида маъқулланган*

М-36 Маҳмудов Р. Касбий педагогика: Дарслик. – Т.:
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003. –
92 б.

ББК 74.03

Дарслик касбий педагогика курсининг дастури асосида ёзилган бўлиб, унда ички ишлар органлари ходимлари ўзини ўзи тарбиялашининг қонуниятлари, принциплари, шунингдек, таълимнинг принциплари ва усуллари, педагогик маданиятни шакллантириш, фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш ва аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғиботнинг педагогик асослари ёритилади. Дарсликда яқка тартибдаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш ва шахсларга психологик-педагогик таъсир этишнинг усуллари ҳамда турли тоифадаги қонунбузар шахслар билан ишлашнинг педагогик жиҳатларига асосий ўрин берилган.

Ички ишлар вазирлиги олий ўқув юртларининг тингловчилари, курсантлари ва амалиётдаги ходимлар учун.

Тақризчилар: Низомий номли Тошкент
Давлат
педагогика университетининг
умумий педагогика кафедраси;
педагогика фанлари доктори
Ҳ. Қ. Йўлдошев;

педагогика фанлари доктори,
профессор **Ж. Икромов**

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003 й.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ.....	3
I боб. КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА – ТАРБИЯ ҲАҚИДАГИ ФАН....	6
Касбий педагогика фанининг предмети ва вазифаси	6
Касбий педагогиканинг функцияси	14
Касбий педагогиканинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги	14
Касбий педагогиканинг ўзига хос вазифалари	17
Педагогика ва унинг ички ишлар органлари фаолиятидаги ўрни	20
Касбий педагогиканинг асосий категориялари	22
Касбий педагогик жараённинг таркибий қисмлари.....	28
II боб. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИ	29
Педагогик жараённинг қонуниятлари	29
Ички ишлар органлари ходимларининг ўзини ўзи тарбиялашларида тарбия жараёнининг умумий педагогик қонуниятлари.....	38
III боб. ДИДАКТИКА ВА ДАВР ТАЛАБИ	49
Дидактика, унинг қонун ва қонуниятлари	49
Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда таълим фаолиятининг мақсад ва вазифалари	50
IV боб. ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРФИБОТ.....	57
Фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш ва ҳуқуқий тарғиботнинг педагогик асослари.....	57
Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маданиятини шакллантириш асослари.....	67
V боб. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ.....	79
Якка тартибда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда психологик-педагогик таъсир этиш усуллари	79

Турли тоифадаги қонунбузар шахслар билан ишлашнинг педагогик жиҳатлари	95
ХУЛОСА	112
АДАБИЁТ	114

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, маънавий қадриятларимизнинг қайта тикланиши халқимизнинг ўзини ўзи англаётганлигидан далолат беради. Чунки маънавий қадрият ахлоқий-тарбиявий меросимизга дахлдор, ўзимизга хос муқаддас анъанадир. Асрдан асрга ўтиб, бизгача сақланиб келаётган миллий анъаналаримиз халқ педагогикаси билан ҳам чамбарчас боғлиқ.

Миллий истиқлол мафкурасини ёшларимизнинг қалби ва онгига синдириш таълим-тарбиянинг турли шакллари орқали амалга оширилади. Бу борада жуда кўп вазифаларни амалга ошириш керак бўлади. Таълим муассасаларида талабаларнинг ёшига мос равишда миллий истиқлол мафкурасини синдиришнинг дифференциал педагогик-психологик дастурини яратиш кераклиги тўғрисида фикр ўз вақтида айтилган ва долзарб ҳисобланади.

Касбий педагогика фанининг бугунги кундаги мақсади ва вазифаси собиқ шўролар давридаги педагогика фанининг мақсади ва вазифасидан тубдан фарқ қилади. Унда чуқур тарихий ва миллий меросимизга суяниб, анъаналаримизга асосланиб миллий педагогикамиз ҳақида фикр юритилади.

Касбий педагогиканинг оила педагогикаси, жиноий жазони ижро этиш педагогикаси, болалар педагогикаси каби педагогиканинг бошқа турларидан фарқ қиладиган томонлари бор, касбий педагогика, шунингдек, юқорида санаб ўтилган педагогика турларининг барчасидаги ижобий томонларга суянади ва ўзига кераклиларинигина олади.

Ички ишлар органлари ходимларини ўқитиш ва тарбиялашда барча ҳуқуқий фанлар қаторида касбий педагогика фанининг ҳам ўрни ва аҳамиятга катта. Шу боис ҳам ушбу дарсликни ёзишда муаллиф шу кунгача мавжуд педагогик йўналишдаги илмий ва ўқув адабиётдан ижодий

фойдаланди, улардаги ички ишлар органлари фаолияти учун зарур бўладиган энг қимматли фикрларга суянди.

Касбий педагогиканинг аҳамияти кундан-кунга ортиб бормоқда. Чунки ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолияти бевосита ва билвосита тарбиявий жараёнлар билан боғлиқ, бундай тарбиявий жараёнларнинг усуллари ва методлари ҳақида айнан шу дарслиқда бафуржа фикр юритилади. Унинг мавзулари бевосита ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятидаги жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишга ҳам қаратилгандир. Бу эса ички ишлар органлари ходимлари, шунингдек, барча жамоат ташкилотларининг олдида турган энг муҳим вазифадир.

Касбий педагогика фани Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг ўқув режасидан ўрин олган. Таъкидлаш жоизки, уни ўқитишда махсус дарслик ва ўқув қўлланмаларининг йўқлиги тингловчиларга тўлиқ касбий педагогик билим беришда ўзига хос қийинчиликлар туғдирмоқда. Р. Маҳмудовнинг «Жамоат тартибини сақлаш ва жиноятларнинг олдини олишнинг педагогик жиҳатлари» (Т., 1997), «Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ҳуқуқий тарбия воситаларининг аҳамияти» (Т., 1997) каби ўқув қўлланмалари мазмунан замонавий таълим талабларига тўлиқ жавоб беролмаяпти. Дарсликни яратишда муаллиф «Исправительно-трудовая педагогика» (М., 1978) дарслигидан ҳам фойдаланди, яна маънавий кадриятлар ва миллий ғоя, энг асосийси – «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»га ҳам асосланди. Бошқа дарслиқлардаги сингари унда ҳам ўзига хос камчиликлар учрайди. Улар тўғрисида билдирилган қимматли фикр-мулоҳазаларни муаллиф инобатга олади ҳамда кейинги ижодий фаолиятида уларни бартараф қилади, деб ўйлаймиз.

Ж. Икромов,
педагогика фанлари доктори, профессор

I боб. КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА – ТАРБИЯ ҲАҚИДАГИ ФАН

Касбий педагогика фанининг предмети ва вазифаси

Қадим-қадимдан педагогикага тарбия ҳақидаги фан деб қаралган ва у шу нуқтаи назардан ўрганилган. Ҳозирги кунда педагогиканинг мазмуни ва моҳиятида катта ўзгаришлар юз беряпти, миллий ғояга суянган бу мазмун ва моҳият давлат томонидан тартибга солиниб, шахсларни тарбияламоқда. Буюк ўзбек педагоги ва олими Абдулла Авлоний: «Тарбия бу биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир», деб бежиз айтмаган. Ҳар қандай тарбиянинг асосида келажак авлоднинг тақдири, келажак авлоднинг қўлида эса давлат ва халқ манфаатлари ётибди. Биз биламизки, бизнинг келажакимизни бизнинг ўрнимизга келадиган кадрлар белгилайди. Касбий педагогика фани ички ишлар органлари ходимларининг тарбиявий фаолияти ва у билан боғлиқ бошқа барча тарбиявий жараёнларни умумий тарбиянинг қонуниятларига суянган ҳолда ўрганади.

Касбий педагогик жараён – ички ишлар органлари томонидан махсус ташкил этилган ёки этиладиган педагогик жараён бўлиб, у аҳолининг яшаш, ишлаш, дам олиш ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги тизимли фаолиятдир. Бу фаолият тарбиянинг мазмуни, шакллари ва усуллари тўлиқ қамраб олади.

Ички ишлар органларининг ходимлари олиб борадиган тарбиянинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ўзига хос йўналишларга эга бўлиб, у тарбиявий фаолиятнинг барча қирраларини қамраб олади, натижада ҳар бир шахс тарбия жараёнида ўзининг ҳаётини тажрибаларига суянади ва ахлоқий нормаларни ўрганиб, ўзида мужассамлаштиради, оқибатда тарбияда ижобий натижалар юзага келади.

Инсон туғилганидан то умрининг охиригача шаклланади, тарбияланади. Тарбия жараёнлари бир қанча омиллар ёрдами ва таъсирида амалга оширилади. Ўтмишимиздан мерос қолган энг сара ва энг яхши анъаналаримизни ўрганиб, улар асосида ҳар бир шахс ўз билимларини бойитади ва ривожлантиради. Шу тариқа шахс тарбияланиб боради ва шаклланиб камолга етади. Жамиятимиз тарихида ва инсоният тараққиётида тарбия доим муҳим ўринни эгаллаган. Жамиятни бошқаришга ким, қайси шахс келишидан ва у қандай тарбия топганидан қатъи назар, мазкур шахс ўз халқининг давом этаётган анъаналари, урф-одатларига риоя қилади, уни эъзозлайди. Шунинг учун ҳам, айтиш мумкинки, тарбия тарихий хусусиятга эга бўлиб боради.

Мамлакатимизда Шарқ халқларининг қадимий анъаналари тикланаётган айни вақтда тарбия ҳам ўз миллий йўналишига эга бўлиб, ана шу қадриятларимизга суянган ҳолда шаклланмоқда. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳуқуқий онг ва унинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятига юқори баҳо берди.

Касбий педагогика ўзининг моҳиятига кўра, мавжуд педагогик назарияларни бойитади, лекин ҳали педагогик мактаб сифатида педагогиканинг бошқа турларидан алоҳида ажралиб чиққани йўқ. Ҳозирча жами педагогик фанларнинг энг яхши томонларини ўзида қамраб олган ҳолда шаклланмоқда. У педагогика соҳасида энг яхши тажриба, амалий бойликларни ўз назариясида қўллайди.

Касбий педагогикани ҳам бошқа педагогика фанлари каби тор ва кенг маъноларда тушуниш мумкин. Ички ишлар органларининг ходимлари томонидан олиб бориладиган кенг маънодаги тарбия – шахснинг тарбияланишида унинг тарбиясига ижобий таъсир қила оладиган, шахслар томонидан махсус ташкил этилган ёки ташкил этилмаган тарбия жараёнларининг йиғиндиси. Бунда оила, боғча, мактаб, иш ва яшаш жойларида бевосита профилактика

нозири томонидан олиб бориладиган тарбиявий профилактик ишлар тушунилади. Бундай жараёнларда, кўпинча кузатилишича, муҳит тарбияга таъсир этади: муҳит ўзгарса, тарбиянинг моҳияти ва шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ҳам ўзгаради. Шахснинг хатти-ҳаракати ижтимоий муҳит таъсирида унинг шаклланишига ёрдам беради.

Кенг маънодаги тарбияда шахс дунёқарашига таъсир этишда ташқи муҳит ёки унинг ён-атрофидаги яқин кишиларининг ҳам таъсири бўлиши мумкин, деган фикрлар мавжуд, лекин ҳар бир объектнинг, яъни тарбияланувчи шахснинг ўзига хос дунёқарашига ҳам кўп нарсалар боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

Тор маънодаги тарбия – ички ишлар органларининг ходимлари томонидан махсус ташкил этилган жараён бўлиб, бунда шахсни тарбиялаш учун тарбиянинг барча шакллари ва усуллари бир мақсадга қаратилади, йўналтирилади. Унинг ташкилотчилари, яъни асосий субъектлари – ота-оналар, ўқитувчилар, ички ишлар органларининг ходимлари ва уларнинг бошлиқлари, жазони ижро этиш муассасаларининг ходимлари ҳисобланадилар.

Тарбия – бир қанча маъноларда тушунилган. Шулардан иккитасига тўхталиб ўтамиз. Биринчиси – «таъсир этиш, таъсирга берилиш» деб тушунилса, иккинчисида тарбияланувчига таъсир этишда пассив объект сифатида қаралади. «Педагогика» сўзи юнончадан олинган бўлиб, «пайс», яъни болалар ва «эгейн» – бошқараман ва тарбиялайман деган маъноларни билдиради, буни бола оқ қоғоз каби тоза, унга хоҳлаган нарсаларни ёзиш мумкин, деб тушунсак, тўғри бўлади. Бунда эса чуқур маъно мавжуд.

Тарбия жараёнида тарбиячи фақат тарбияланувчига таъсир этса ҳам унда тарбия жараёни бир томонлама бўлиб қолади. Шунинг учун тарбия жараёнида тарбияланувчи ва тарбиячи ўртасидаги мулоқот уларнинг бир-бирига таъсир этишида жуда муҳимдир, бунда тарбияловчи субъектнинг

Ўзи ҳам тарбияланиб бориши мумкин. Тор маънодаги тарбия жараёни таълимни ҳам қамраб олади. Таълим жараёнида тарбияланувчининг онгига ижобий таъсир қилувчи билимлар мажмуасидан ҳам фойдаланилади. Бунинг натижаларини тарбияланаётган шахс ўзининг ижтимоий фаолиятида қўллай олишида ва ҳаётга татбиқ этишида кўришимиз мумкин.

Таълим олиш жараёнида субъектнинг барча хатти-ҳаракатлари объектнинг фаол билим олишига қаратилади. Таълим олиш жараёнида субъект нафақат таълим олаётган объектга ўз билимларини беради, балки унинг олган билимларини педагогик жиҳатдан бошқаради ҳам. Таълим олиш жараёнини ҳар хил воситалар, жумладан техник ва бошқа кўргазмали воситалар орқали бойитиб боради ҳамда таълим олишнинг фаол шакллари ҳисобланган ўйин ва турли суҳбатлардан кенг фойдаланади. Таълим олаётган шахслар олган билимлари орқали ўзларининг дунёқарашларини янада бойтадилар, шаклланадилар, хулқ-атворларини тартибга соладилар, ўзларидаги мавжуд ҳар хил салбий хислатлардан халос бўлишга ҳаракат қиладилар.

Таълим – ўқитиш ва тарбиянинг натижаси. Таълим шахснинг умумий дунёқарашини шакллантиради. Ушбу жараёнда уларнинг билиш қобилияти ривожланади. Таълим ўз моҳиятига кўра, бир қанча турларга бўлинади. «Таълим тўғрисида»ги қонунда (1997 й.) бу турлар тўлиқ кўрсатилган.

Президент И. А. Каримов бу энг биринчи вазифалардан бири эканлиги ҳақида шундай деган эди: «Бир эътибор беринг: педагогика тажрибасида **«битирувчи»**, деган ибора бор. Бу иборага изоҳ бериб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Яъники, бола мактабни битирса бас, унинг билим ва тажрибаси ҳақида гапирмаса ҳам бўлаверади.

Таълим-тарбия ислоҳоти ҳақида гапирар эканмиз, унинг мазмунини лўнда қилиб ифода этиш мумкин: **«Бизга**

битирувчилар эмас, мактаб таълим ва тарбиясини кўрган шахслар керак»¹. Бу фикр теран мазмунга эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунда, таълим тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларида унинг моҳияти батафсил ёритиб берилган ва уларнинг мақсади фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш эканлиги ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилганлиги белгиланган².

Таълимнинг турлари – бу қонунда аниқ ёзилган, яъни мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим, олий ўқув юртларидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, мактабдан ташқари таълим.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида биз умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-ҳунар таълимига эга, сўнгра тингловчиликка қабул қилинган шахсларга касбий педагогикани ўргатамиз. «Таълим тўғрисида»ги қонунда «Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи» деган 5-модда мавжуд. Ушбу моддага асосан ҳар кимнинг ҳам педагогик фаолият билан шуғулланишга ҳаққи йўқ. Унда тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгалиги қайд этилган.

Педагогик ходимларни олий ўқув юртларига ишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган Низомга мувофиқ танлов асосида амалга оширилади. «Педагогик фаолият билан шуғулланиши суд

¹ Каримов И. А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори // Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. Т., 1998. 331-б.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. № 9. 225-м.

ҳукмига асосан ман этилган шахсларнинг таълим муассасаларида бу фаолият билан шуғулланишига йўл қўйилмайди»¹, дейилган.

Олий маълумот олиш, одатда, 18–19 ёшдан бошланиб, тўрт йилдан кам бўлмайди. Олий таълим турлари: бакалаврият, магистратура. Мустақил таълим олиш орқали фуқаролар ўзларининг билимларини бойитадилар ва чуқурлаштирадилар. Бундай чуқур билимлар, мустақиллигимизга, Ватан равнақига хизмат қиладиган шахсларни шакллантиради ва тарбиялайди.

Хўш, педагогик жараённинг ўзи нима, педагогик жараён деганда, нимани тушунамиз? Махсус адабиётлар, жумладан собиқ Иттифоқ педагогикасида ўқувчи ва тарбиявий жараёнларнинг бир-бири билан боғлиқлиги тушунилган². Аслида бу жараённинг маъноси, моҳияти кенг бўлиб, шахснинг бутун умри мобайнида тарбияланиши ва шаклланиши тушунилса, тўғри бўлади. Чунки шахс туғилганидан то умрининг охиригача тарбияланиб, шаклланиб боради.

Касбий педагогика илмийликка асосланган бўлиб, бу фаннинг турлича тасниф қилингани илмий педагогик адабиётлардан бизга маълум. Масалан, умумий ва олий таълим муассасалари учун – умумий педагогика, касбий педагогика, ҳарбийлар учун – қуролли кучлар педагогикаси, ички ишлар органлари ходимлари учун – касбий педагогика ўқитилади. Шулардан биз – ички ишлар органларининг ходимлари учун касбий педагогикани чуқур ўрганиш ўта муҳим ва зарурдир.

Касбий педагогика фани ички ишлар органларининг ходимлари олиб борадиган педагогик жараённинг қонуниятларини ва ўзига хослигини ўрганади ҳамда ўзига хос йўллар билан тарбиялайди. Педагогик адабиётлардан,

¹ Ўша жойда.

² Қаранг: Общие основы педагогики. М., 1967. С. 96–97.

қолаверса, ҳаёт тажрибаларидан биламизки, ҳар қандай тарбиявий жараён ҳеч қачон силлиқ амалга ошмайди, балки ҳар хил тўсиқларга учрайди ёки бу тўсиқларни турли йўллар билан, яъни майиб-мажруҳ ҳолда ёки қурбонлар эвазига енгиб ўтади.

Касбий педагогика – бу ички ишлар органларининг ходимлари томонидан олиб бориладиган тарбиявий жараён бўлиб, унда нафақат ички ишлар органларининг ходимлари, балки барча – зиёлилар ва маҳаллаларнинг фаоллари иштирок этадилар ва ички ишлар органларининг ходимларига яқиндан ёрдам берадилар.

Касбий педагогиканинг предмети бошқа педагогикаларнинг предметларидан фарқ қилади. У педагогик жараённинг қонуниятларига ҳамда тарбия жараёнининг ўзига хослик қонуниятларига бўйсунди. Бу шахс тарбиясида ижобийликни юзага келтириш, шакллантириш учун хизмат қилади.

Касбий педагогиканинг яна бир ўзига хос, қийин томони шундаки, бунда тарбияси ўта қийин шахсларни тарбиялашда муайян қийинчиликларга дуч келинади, чунки кўп ҳолларда салбий дунёқарашдаги шахсларнинг дунёқарашини ўзгартириш анча қийин кечади. Сабаби уларнинг ички дунёси тубанлашган бўлиб, ҳиссиёти кўпинча у шахснинг ўзига ҳам бўйсунмайди. Бундай шахсларда ҳеч кимга ишонмаслик эътиқоди шаклланган бўлади. Бундай эътиқод шаклланишининг сабаблари жуда кўп, улардан бири – ана шу шахснинг атрофини ўраб турган салбий фикр-мулоҳаза, ғоя берадиган шахслар ва муҳитдир. Айниқса, уларда худбинлик, текинхўрлик, қўполлик, иродаси бўшлиқ сифатлари кенг илдиз отган бўлади, уларни нафақат тарбиялаш, балки қайта тарбиялаш ҳам керак бўлади. Бундай ўзига хос, салбий хислатли шахсларни ички ишлар органлари ходимларининг тарбиялаши ва қайта тарбиялаши ҳам маълум қийинчиликларни енгиш эвазига амалга ошади.

Касбий педагогиканинг бошқа педагогик фанлардан яна бир фарқи шундан иборатки, у тарбиялаш ва қайта тарбиялаш жараёнларининг ҳаммасида шахсларнинг ёши ва жинсидан қатъи назар, уларнинг ўзлари иштирокчи ҳисобланадилар. Касбий педагогиканинг объекти бўлган шахсларни тарбиялашнинг яна бир ўзига хос, қийин томони шундаки, тарбия объекти бўлган шахсларнинг мактаби, боғчаси ёки яшаш, ишлаш жойларидаги педагогик жараёндан фарқли ўлароқ, бундай шахсларнинг тарбияланиш жараёнини атайлаб қийинлаштирадиган шахслар мавжуд. Улар бир неча маротаба қамалиб чиққан шахслар бўлиб, бундай шахслар объектнинг ижобий тарбияланишига салбий таъсир қилишлари ҳам мумкин.

Шахсларни тарбиялаш ва қайта тарбиялаш муаммолари жинсий жазони ижро этиш педагогикаси томонидан ўрганилади¹. Бироқ мавжуд адабиётларда қайд қилинишича, шахсларни қайта тарбиялаш ва озодликдан маҳрум этилган шахслар ахлоқидаги ижобий ўзгаришлар ўрганилган. Касбий педагогика фанида бу муаммога кенгроқ қаралади ва ўрганилади, у нафақат жазони ижро этиш жойларидаги шахсларни тарбиялаш, балки шахсларнинг яшаш, ишлаш, дам олиш ва ўқиш жойларидаги тарбияни педагогик жараён сифатида ўрганади. Айниқса, шахсларни тарбиялашнинг усуллари ва методларига кенгроқ тўхталинади. Шундай қилиб, жинсий жазони ижро этиш педагогикаси тарбия тизимида маҳкум шахсларнинг ахлоқини қайта ўзгартиришга қаратилган бўлса, касбий педагогика эса жинсий жазони ижро этиш педагогикасининг мазмунини бойитади ва тўлдириб боради.

¹ Қаранг: Исправительно-трудовая педагогика. М., 1978.

Касбий педагогиканинг функцияси

Касбий педагогикада эмпирик ва назарий билимларни бир-биридан фарқлаш керак бўлади. Кўп ҳолларда тарбияловчига тарбияланувчи шахс ҳаётий тажрибаларининг таъсири катта бўлиши мумкин. Ҳаётий тажрибалар орқали юзага келадиган тизимлилик педагогик билимларда йўқ, унинг устига бу билимлар юзаки бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам улар касбий педагогик билимларга эга бўлмайдилар ва объектларга керакли касбий педагогик билимларни етказиб бера олмайдилар.

Касбий педагогика фани шахсларга тартибга солинган илмий билимларни бериш ва уларга педагогик таъсир этишда ўзига хос методларни қўллайди. Касбий педагогика фанида тасвирлаш, кузатиш, тахмин қилиш жараёнлари бу фаннинг ривожланишига маълум даражада ўз ижобий ҳиссасини қўшади, унинг шахсларга таъсир этиш қонуниятларини мустаҳкамлайди. Санаб ўтилган жараёнлар касбий педагогика фанига амалиётда қайси тарбия усулларини қўллаш кераклигини ўргатади. Касбий педагогика амалиётда тарбия жараёнининг усулларини илмий асосда ўрганади, ҳаётга татбиқ этишга илмий нуқтаи назардан ёндашади ва уни назария даражасига кўтаради.

Касбий педагогиканинг бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Касбий педагогика ўзининг моҳиятига кўра, ижтимоий ва табиий фанлар билан бевосита ва билвосита боғлангандир. Касбий педагогика ижтимоий фанлар, яъни аввало, педагогик технология, этика, касбий психология, криминология, жиноий жазони ижро этиш педагогикаси билан бевосита боғлиқ.

Касбий педагогика миллий ғоя ва миллий анъаналарга суянади. Ҳозирда касбий педагогика фани ўзининг моҳиятига кўра, умумий педагогиканинг қонуниятларига ва

принципларига, шу билан бирга, касбий психология фанининг ғояларига таянади. Чунки ҳар қандай тарбия шахснинг руҳиятига, унинг яхшилиқка интилишига, ҳар қандай ҳолатларда ҳам вазиятни тўғри тушунишига боғлиқ бўлади. Касбий педагогика ижтимоий фанларни, яъни педагогик илмий тадқиқотларнинг натижаларини ва ютуқларини ўрганади, ижтимоий билиш усулларидан кенг фойдаланади, шунингдек, умумий педагогика фанининг ғояларига асосланади.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолиятида касбий педагогика аҳолининг турли табақаларига алоҳида-алоҳида ёндашишни талаб қилади. Ушбу фан предметининг моҳиятидан келиб чиқиб, психология ва физиологиянинг назариясига ҳам бевосита суянади. Бу предметни ўрганишнинг яна бир долзарблиги шундаки, у педагогик жараёнда психологик омилларнинг аҳамиятини, ўрнини, имкониятларини, айниқса, инсоннинг асаб тизимидаги мослашувчанлик, ўзгарувчанлик кабиларни ҳисобга олади.

Касбий педагогика фани жинойий жазони ижро этиш ҳуқуқи, жинойий жазони ижро этиш педагогикаси билан ҳам боғлиқ, бу фанлар ўзининг моҳиятига кўра, бир-бирининг мазмунини тўлдиради, маҳкумларни қайта тарбиялашда ўзларидаги мавжуд барча тарбия усулларидан кенг фойдаланади.

Касбий педагогика психологик тажрибалар, математика, мантиқ, фалсафа ва бошқа фанларнинг ютуқларидан фойдаланмоқда. Педагогик жараёнда педагогиканинг ўрни ва аҳамиятини педагогик усулларни қўллаш орқали билишимиз мумкин. Касбий педагогикада яна ижтимоий-ҳуқуқий ва педагогик тажрибаларнинг натижалари кенг қўлланилади, бу эса ўз навбатида, ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарбия ва тарғибот ишларини олиб бориш касбий педагогиканинг кадр-қимматини юксалтирувчи усуллардан бири ҳисобланади. Бунда аҳолининг қайси табақаси ўртасида ҳуқуқий билимларни қандай тарғибот қилиш керак эканлигини билиб, тарғибот қилганда ҳам қаерларда тарғибот қилиш зарурлиги, аҳолининг яшаш, ишлаш жойларидаги шароитни ҳисобга олиб, дифференциал ёндашган ҳолда олиб бориш талаб этилади. Жазони ўтаб қайтган шахслар ўртасида ҳуқуқий билимларнинг барча турини тарғиб қилиш айти пайтда давр талабидир. Бу тоифадаги шахслар ичида, айниқса, ўспиринлар психологияси жуда ўзгарувчан, улар ҳар хил салбий таъсирларга тез берилувчан бўладилар.

Касбий педагогика фанини ўқитишда техник воситалардан самарали ва кенг фойдаланилади. Улар асосан педагогик тарбияга бағишланган бўлади, тарбиявий аҳамиятга эга кино, видео, радио, телевидение, овоз ёзиш кабилар шулар жумласидандир. Юқорида санаб ўтилган воситалардан аҳолининг яшаш, ишлаш ва дам олиш жойларида кенг миқёсда фойдаланилади, чунки бундай воситалардан кенг миқёсда фойдаланиш ва тарбиявий ишларни олиб бориш орқали педагогиканинг таъсир кучини, самарасини аниқлаш мумкин. Бу воситалар аҳолининг барча қатламларига педагогик жиҳатдан таъсир қилади.

Касбий педагогика фани ижтимоий фанларнинг ютуқлари, аниқроғи, далилларида (фактларида) кенг фойдаланади. У, энг аввало, биология, психология ва бошқа ижтимоий фанларнинг ижобий ютуқларига суянади. Масалан, «Жиноий жазони ижро этиш педагогикаси»да шахсларнинг анатомик ва физиологик белгилари ўрганилади, айниқса, бундай пайтларда тиббий-педагогик ёндашиш талаб қилинади. Бу педагогик жараён шахсга алоҳида, яқка усулда ёндашишни талаб қилади.

Касбий педагогика ўзининг тарбиявий жараёнида жиноят ҳуқуқи фанининг ютуқларидан ҳам самарали фойдаланади.

У ўзининг тарбиявий фаолиятининг моҳиятидан келиб чиқиб, тарбияланиши керак бўлган объектларни батафсил ва жуда яхши ўрганеди, уларнинг онгига ижобий таъсир қилиш йўлларини излайди. Ҳар қандай тарбия ва унинг самарадорлиги тарбия объекти билан субъекти ўртасида бир-бирини тўғри тушуниш ҳолати мавжуд бўлганда ва бир-бирига ёрдам берсагина кўзга ташланади, билинади.

Касбий педагогика нафақат ижтимоий фанларнинг ютуқларидан, педагогик тадқиқотларнинг натижаларидан ҳам кенг ва самарали фойдаланади, ўзининг тарбия жараёнига ва фаолиятига татбиқ этади.

Касбий педагогиканинг ўзига хос вазифалари

Касбий педагогиканинг вазифалари нималардан иборат? Жиноят содир қилинишининг олдини олишда аҳолининг барча табақалари ўртасида қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

– жиноят содир этиб, жазони ўтаган ва озодликка чиққан шахслар билан яқка тартибда тарбиявий ишларни олиб бориш;

– касбий педагогика фанининг барча тарбиявий усулларидан кенг фойдаланилган ҳолда жиноятчиликка қарши комплекс курашишни ташкил этиш;

– жиноятчиларни қайта тарбиялаш.

Касбий педагогика фанининг олдида ўзига хос назарий муаммолар ҳам мавжуд. Улар қуйидагилар:

– касбий педагогиканинг методологик асосларини ишлаб чиқиш;

– турли табақадаги шахсларни тарбиялашда учрайдиган қийин-чиликларни аниқлаш;

– касбий педагогиканинг қонуниятларини очиб бериш, буни амалга оширишда қўлланиладиган воситалар, шакл ва усулларнинг имкониятларидан тўла фойдаланган ҳолда ҳал қилиш.

Касбий педагогика фанининг асосий вазифаларидан яна бири шахсларни тарбиялашда илмий жиҳатдан ўз тасдиғини топган шакллар ва усулларни янада такомиллаштириш. Шунингдек, касбий педагогика назариясидан келиб чиқиб, тарбиявий таъсир этиш усуллари ва шаклларининг энг яхшилари, энг янгилари ҳамда самарадорларидан фойдаланилади. Касбий педагогиканинг шахсларга таъсир этишининг ижобий усулларини аниқлаш замон талабидир.

Касбий педагогиканинг шахсларни тарбиялашда кенг қўлланиладиган усуллари мавжуд, улар қуйидагилар: оммавий, гуруҳли ва энг асосийси – яқка ҳолда таъсир этиш. Бу учта усул ҳам бир-бирини, яъни тарбиявий фаолиятнинг мазмунини бойитади, булар натижасида тарбиянинг янги шакллари ҳам юзага келиши мумкин.

Шахсларга педагогик таъсир этиш, уларни тарбиялаш жуда кўп ҳолатларда жамиятдаги сиёсий вазиятга, шахсларнинг ҳуқуқий онгига, уларни ўраб турган муҳитга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу жараёнда ҳуқуқий-ахлоқий ва меҳнат тарбияси биргалиқда қўшиб амалга оширилсагина комил инсон тарбияланади. Шахсларни тарбиялаш жараёнида миллий анъаналар, урф-одатлар, педагогика фанларининг ютуқларидан кенг фойдаланилади.

Касбий педагогиканинг жиной жазони ижро этиш педагогикаси фанидан фарқи шундаки, касбий педагогикада аҳолининг барча тоифаларига, уларнинг ишлаш, яшаш ва дам олиш жойларида тарғибот-ташвиқот, тарбиявий ишлар ички ишлар органларининг ходимлари, маҳалла оқсоқоллари ҳамда жамоатчилик томонидан ўзаро ҳамкорликда олиб борилади. Жиной жазони ижро этиш педагогикасида эса тарбиянинг асосини сиёсий-тарбиявий ишлар, тартиб, меҳнат, мажбурий таълим ташкил этади. Касбий педагогикада эса ички ишлар органларининг ходимлари аҳолининг барча қатламдагиларини ҳуқуқий тарбиялашда ҳуқуқий маданиятини шакллантириш орқали уларнинг оила ва мактабдан мустақил равишда олган

билимларини тўлдиради. Шунини айтиш жоизки, касбий педагогика ҳеч бир вақт шахсларни тарбиялаш учун тарбиянинг тайёр «рецептлари»ни бермайди, балки ўзидан олдинги ишлаган педагогларнинг тарбия соҳасидаги тажрибасига суянади. Тарбия соҳасидаги янги ғояларни ҳаётга татбиқ этади, илмий таҳлил қилади.

Касбий педагогиканинг иш тажрибаларини илмий таҳлил қилиш унинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Фаннинг ҳозирги кундаги асосий вазифаларидан бири – бу тарбияга илмий ёндашиш, илғор тарбиявий иш тажрибаларини ўрганиш орқали уларга танқидий ёндашиш, энг муҳими собиқ шўролар давридан қолган коммунистик тарбиянинг таркибий қисмларидан оқилна қутулиш, шу билан бирга, ўтмишдаги тарбия усулларининг яхшиларидан тўлиқ фойдаланиш. Ички ишлар органларининг ходимлари томонидан тарбия жараёнида юзага келадиган хатоликларга йўл қўйишнинг педагогик иш тажрибаларини бойитиб бориш орқали олдини олиш. Тарбиядаги ҳар қандай хато, масалан, «билмай қолиш», совуққонлик ҳоллари ҳеч бир вақт кечирилмайди, бу хатоликлар туфайли юзага келган камчиликлар ҳеч қачон тузалмайди, у ҳаётда жуда катта маънавий зарарни келтирадиган хато ҳисобланади.

Шахс тарбияси барча ижтимоий ва аниқ фанларнинг ўрганиш объекти бўлиш билан бирга, улар комил инсонни шакллантиришга бевосита ёрдам беради. Тарбия шахс дунёга келиши биланоқ олиб бориладиган, йўлга қўйиладиган бўлса, педагогика эса фан сифатида анча кейинроқ юзага келган ва фан сифатида расмийлаштирилмаган. Чунки «тарбия» тушунчаси, «педагогика» тушунчасидан кенгроқ, сабаби – инсон туғилганидан то умрининг охиригача шаклланади, тарбияланади. Биз буни инсоният тарихидан биламиз. Тарбиянинг шакллари ибтидоий жамоа даврдан бошланган. Тарбия ва унинг моҳиятини ёритиш, яна жуда кўп ҳолларда миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, энг асосийси,

чуқур миллий қадриятларимизга бориб тақалади. Бу ҳақида «Ўзбек педагогикаси анталогияси»¹ китобида батафсилроқ маълумот берилган.

Педагогика ва унинг ички ишлар органи фаолиятидаги ўрни

«Мен, – дейди Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов – Абдулла Авлонийнинг «Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир» деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримизнинг бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

Чунки таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди»².

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунида фуқароларга таълим-тарбия бериш ва касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асослари, шунингдек, таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари белгилаб берилди. Улар – билим олиш ҳуқуқи (4-модда), педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи (5-модда), таълим муассасасининг ҳуқуқий мақоми (6-модда), Давлат таълим стандартлари (7-модда), таълим бериш тили (8-модда), таълим тизими (9-модда), таълим турлари (10-модда), мактабгача таълим (11-модда), умумий ўрта таълим

¹ Қаранг: Ўзбек педагогикаси анталогияси. Т., 1995.

² Каримов И. А. Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин // Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. Т., 1999. 93–94-бетлар.

(12-модда), ўрта махсус, касб-хунар таълими (13-модда), олий таълим (14-модда), олий ўқув юртидан кейинги таълимга тайёрлаш (16-модда), мактабдан ташқари таълим (17-модда) принциплари.

«Касбий педагогика» дарслигини ёзишда эса қонуннинг 14, 15, 16, 17-моддаларидан кўпроқ фойдаланилди. «Таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилинганидан кейин республиканинг барча олий ўқув юртларида педагогика фан сифатида ўқитила бошланди. Собиқ шўролар даврида педагогика фани фақат педагогика олий ўқув юртларидагина асосий фан сифатида ўқитилиб, бошқа олий ўқув юртларида эса иккинчи даражали фан сифатида ўқитилар эди. Оқибатда, тарбия ва таълимдаги фаолиятга «дарз» кетганлигини бугунги кунга келибгина англадик, нега энди буни бугунги кунгагина келиб англадик, сабаби – мустақил давлатимизнинг равнақи етук фуқароларга боғлиқ, шахс тарбияси эса маънавий бойлик бўлгани учун унинг натижасини келажақдаги кунимиз кўрсатади, келажагимиз эса бугунги кун ёшларининг қўлида.

«Таълим тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддаси «Педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи» деб номланади. Бу моддада маълумоти, тайёргарлиги бор ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эгаллиги айтилган. Бу ҳам бежиз эмас. Чунки собиқ шўро даврида махсус педагогик билими йўқ, яъни мутахассис бўлмаган шахслар ҳам бемалол дарс бераверар эдилар, оқибат, таълим-тарбиянинг моҳиятига путур етишига олиб келган эди. Бугунги кунга келиб, бу каби салбий ҳолатларга қонуннинг 5-моддасига биноан чек қўйилди.

Ички ишлар органлари фаолиятида педагогиканинг ўрни борми? Бор бўлса, у қачон намоён бўлади? Педагогика, биринчидан, касбий фаолиятда, иккинчидан, ҳуқуқий

педагогик фаолиятда, учинчидан, турли табақадаги фуқаролар билан тарбиявий-ташвиқот ишларини олиб бориш жараёнида намоён бўлади. Умуман олганда, ички ишлар органлари ҳар бир ходимининг фаолиятида педагогиканинг элементлари мавжуд. Бу элементлар фуқаролар билан бўладиган профилактик суҳбат, шунингдек, жиной жазони ижро этиш муассасаларида маҳбусларни тарбиялаш жараёнларида кўринади. Ҳозирги кунда ички ишлар органларининг ҳар бир ходими педагогдир, чунки республикамиздаги олий ўқув юртларининг деярли барчасида «Педагогика», «Умумий педагогика», «Касбий педагогика» фанлари ўқитилади. Бу ички ишлар органларининг ҳар бир ходимида педагогик маҳоратнинг шаклланишига бевосита ва билвосита ёрдам беради.

Касбий педагогиканинг асосий категориялари

Касбий педагогиканинг мақсади, вазифаси ва предмети умумий педагогиканинг мақсади, вазифаси ва предметдан фарқ қилмайди, аксинча, улар бир-бирини тўлдиради. Педагогиканинг ҳам, касбий педагогиканинг ҳам объектини шахслар ва уларнинг хатти-харакатлари, предметини эса тарбия ташкил этади¹. Педагогика фани барча табақадаги шахсларни тарбиялаш жараёнини ўз ичига олиб, тарбиянинг таркибий қисмларини ёритиб беради. Касбий педагогика эса ички ишлар органларининг ходимлари томонидан шахсларни тарбиялаш, тарбиявий ишларни уларнинг яшаш, ишлаш ва дам олиш жойларида маҳалла аҳли билан биргалиқда олиб бориш, ҳар қандай жинойтнинг олдини олиш, жиной жазони ўтаб қайтган шахсларни ҳаётга қайта

¹ Қаранг: Педагогика. М., 1983. С. 7.

тайёрлаш ва улар ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Касбий педагогикада тарбияга алоҳида бир жараён сифатида қаралади ва у бир неча маъноларда тушунилади. Лекин қандай маънода тушунилишидан қатъи назар, унинг предметини тарбия ташкил этади. Ю. Бабанскийнинг мана бу фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ: «тарбия зарур тушунча бўлиб, категория характериغا эгадир»¹.

Юқорида айтганимиздек, педагогика ўз моҳиятига кўра, икки маънода тушунилади, яъни кенг ва тор маъноларда. Улар бир-бирини мазмунан тўлдиради. Шаклан турлича бўлса-да, мазмунан бир мақсадга, яъни шахсни баркамол қилиб тарбиялашга қаратилгандир.

Кенг маънодаги тарбия бир мақсадга қаратилган тарбиявий фаолият бўлиб, у маълум бир субъектлар ёрдамида ва таъсирида олиб борилади. Касбий педагогикада бу субъектлар қуйидаги муассаса ва ташкилотлар, яъни ички ишлар органларининг ходимлари, суд, прокуратура, адлия, ота-оналар ва маҳалла аҳли бўлади. Тарбиявий ишлар таълим орқали амалга оширилади, чунки ҳар қандай таълим жараёнида тарбиянинг элементлари мавжуд.

Тарбия жараёнида шахсга алоҳида ёндашишнинг шакллари ҳам мавжуд бўлиб, улар алоҳида ёндашишни ўрганишни, бу борадаги тадқиқотни талаб қилади. Бу шаклларнинг барчаси шахсларнинг ҳуқуқий онгига, ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилган бўлади.

Касбий педагогиканинг яна бир асосий категорияси – таълим ва ўқитиш. Таълим Ўзбекистон Республикаси ижтимоий тараққиёти соҳасида устувор деб эълон қилинади, шу билан бирга, таълим – бу шахслар томонидан билимлар тизимига эга бўлиш, бу билимлар тизими эса уларнинг умумий ва ҳуқуқий дунёқарашларини ва ҳар бир шахснинг

¹ Ўша жойда.

фаолиятига ижодий ёндашиш қобилиятларини шакллантиришга қаратилади.

Ўқитиш жараёни – ички ишлар органларининг ходимлари томонидан махсус ташкил этиладиган жараён бўлиб, унда махсус ҳуқуқий таълим олиш ва умумий йўналишдаги ҳуқуқий билимларни бериб бориш тушунилади. Ўқитиш жараёнида шахслар тарбияланади, шаклланади, шунингдек, унда мустақил олинган билимларнинг натижаси ҳам кўринади.

Мустақил таълим – шахснинг ўзини қизиқтирган муаммони ечиши учун ўрганиши, ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олиш, ўзининг устида ишлаш ва буларга эришиш мақсадида тинмай олиб бориладиган изланишлари. Шахснинг шаклланиши – жараён бўлиб, ҳар бир шахснинг ташқи ва ички омиллар таъсирида шаклланишини билдиради, шунингдек, бунда шахснинг шаклланиш жараёни тартибга солинади ва бошқарилади. Шахс шаклланишининг давлат томонидан бошқарилиши ва тартибга солинишида, таълим ва тарбиянинг салмоқли ҳиссаси бор. Шахснинг таълим олишида ўзини ўзи тарбиялаш жараёни ўзига хос ўрин эгаллайди, бунинг моҳияти шахснинг ўзини ўзи онгли равишда бошқариши, хатти-ҳаракатини тартибга солиши демакдир.

Касбий педагогика фан сифатида юзага келар экан, у бир қанча тушунчаларга ва атамаларга асосланади. Бу тушунчалар ва атамалар орқали касбий педагогика ўзининг фаолиятини давом эттиради, масалан, фаннинг моҳиятини билиш, кўникма, усул, методлар педагогиканинг тарбиявий имкониятларини очиб беради, шу билан бирга касбий педагогикада ҳам тушунча ва атамалар ўзгариб туради. Дейлик, «таъсир этиш», «таъсирга берилиш», «таъсир остида» деган атамалар шулар жумласидандир. Бу атамалар тарбия жараёнида бир-бирини тўлдиради ва бойитади, лекин бунда педагогик муаммога қайси нуқтаи назардан ёндашишга ҳам кўп нарса боғлиқ.

Ички ишлар органлари ходимларининг олиб борадиган тарбиявий фаолияти кенг ва мазмунли бўлиб, бу фаолиятнинг асосий қисми шахсларни тарбиялашга қаратилади. Касбий педагогика ички ишлар органларининг ходимларига тарбиядаги муаммоларни ҳал қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва унга қарши курашишнинг ўзига хос асосларини акс эттирган махсус фан ҳисобланади. Ижтимоий педагогик масалаларни ҳар бир шахснинг психологиясини яхши билмай ва уларга яқка ёндашмай, педагогик таъсир этмай туриб, ҳал қилиш қийин.

Ички ишлар органларининг ходимлари асосан тарбияланишга муҳтож ва тарбияланиши қийин бўлган шахслар билан ишлайдилар, улар билан профилактик мазмундаги мулоқотга киришадилар. Аҳолининг барча табақалардаги вакиллари билан ҳар куни учрашиб, уларнинг ариза-шикоятлари билан танишадилар, уларни текширадилар ва шунга оид тарбиявий ишларни олиб борадилар. Бундай ишлар профилактик педагогика доирасида амалга оширилади.

Профилактик педагогика ўзининг моҳиятига кўра, бир неча турларга бўлинади. Улар мактаб ёшигача бўлган болаларни, ўсмирларни, жиноий жазони ижро этиб қайтганларни тарбиялаш ва ҳоказо. Бундай табақалардаги шахсларнинг барчаси билан педагогик-профилактик ишларни касбий педагогика амалга оширади, шунингдек, унинг ўрганиш, таъсир этиш объекти ҳам айнан шу шахслар ҳисобланадилар. Касбий педагогика ички ишлар органларининг ходимлари, суд, прокуратура, маҳалла оқсоқолларини шахсларни тарбиялашдаги асосий педагогик таъсир этиш субъектлари сифатида ўрганеди.

Ички ишлар органлари ходимларининг фаолияти учун тарбия объекти – бу барча табақадаги шахслар, уларнинг хатти-ҳаракатлари ҳисобланади. Кўп ҳолларда педагогикага

тарбия фалсафаси деб қарайдилар ва уни фалсафа билан таққослайдилар, лекин касбий педагогика доимо табиий ва гуманитар фанларга суянган ҳолда иш олиб боради. Касбий педагогика жиноятнинг олдини олиш муаммосига илмий нуқтаи назардан ёндашишни талаб қилади. Бундай ёндашиш қисқа ва узук-юлуқ тарбия жараёни бўлмай, балки изчил, узоқ давом этувчи жараён бўлиб, унинг самараси, тарбиявий кучи асосан тарбияга, унинг усулларига, шунингдек, тарбияланувчининг хоҳиш-истакларига ҳам боғлиқдир. Ўзининг моҳиятидан келиб чиқиб, у криминология фанининг ютуқ ва усулларига суянади. Энг асосийси, педагогик жараённинг қонуниятларига ҳамда методикасига бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатади.

Касбий педагогика фани фақат шахслар, уларнинг онги ва турмуш тарзига ижобий таъсир этиш жараёнини ўрганмай, балки салбийликнинг юзага келиш сабабларини ҳам ўрганишни ўзига мақсад қилиб олади. Чунки яхшилик бор жойда ёмонлик, ёмонлик бор жойда эса яхшилик аломатлари мавжуд бўлади. Ички ишлар органларининг ходимлари томонидан жиноятчиликка ғов қўйилаётган айни бир вақтда унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва олдини олишда тарбиянинг ўз ўрни бор. Ўзбекистон Президентининг «Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида»ги 2000 йил 6 сентябрь фармони шахсларни қайта тарбиялашда, жиноят содир этмоқчи бўлган ва унга мойил шахсларни бундай кабиҳ йўллардан қайтаришда улкан аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, тарбияда иккинчи даражали нарсанинг бўлиши мумкин эмас. Ҳатто шахсдаги арзимас кўринадиган салбий ҳолат ҳам бир кун юзага қалқиб чиқади ва ҳаётда шахс фаолиятига салбий таъсир қилади. Бу каби камчиликлар шахснинг ҳаётини воқеа ва ҳодисалар моҳиятини тўғри тушунишига халақит беради, бир томондан

уни ҳаётнинг ўзи шундай экан, деб қабул ва тасаввур қилишга мажбур этади.

Шу ўринда касбий педагогик жараёнларга тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу жараёнлар умумий педагогиканинг жараёнларидан фарқ қилади.

Касбий педагогик жараён – таълим билан тарбиянинг бир мақсад йўлидаги ҳамкорлиги бўлиб, баъзида биз бунга ўқув-тарбия жараёни деб қараймиз ва у турмуш тарзимизга сингиб кетган. Педагогик жараён бир қатор олимлар томонидан ўрганилган. Бунга Россия ва Ўзбекистон олимларининг ишларини мисол қилиб келтириш мумкин. П. Ф. Каптерев, Н. К. Крупская, А. П. Пинкеевич, Ю. П. Азаров, Ю. Д. Красильников, М. Бекмуродов, Ж. Йўлдошев, Ҳ. Қ. Йўлдошев, Р. Маҳмудов, У. Қорабоев ва бошқалар бу соҳага оид жуда кўп изланишлар олиб борганлар.

Ҳар қандай педагогик жараёнга тизимли ёндашиш муҳим ҳисобланади, масалан, Ички ишлар вазирлигининг Академияси бир томондан олий таълим тизимига бўйсунса, иккинчи томондан, Ички ишлар вазирлигига бўйсунди. Касбий педагогикада шахсларнинг ҳуқуқий онгига таъсир этиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятининг шаклланишига ёрдам берувчи омилларнигина ёритиб беришга ҳаракат қилинади. Ички ишлар вазирлигининг Академияси ўзига хос таълим-тарбия маскани ҳисобланиб, унда ички ишлар органлари бўлғуси ходимлари аҳолининг барча табақалари ўртасида ҳуқуқий тарғибот, тарбия, жинойтчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш ва профилактик ишларни олиб бориш учун ўқитилади ва тайёрлайди. Шахсларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашда объектлар ва субъектлар ўртасида ҳамкорлик мавжуд бўлиб, бу ҳамкорликда улар ўзаро бир-бирларининг фаолиятини тўлдирадилар ва ҳуқуқий тарбия, тарғибот олиб борувчи субъектларни ўз устида ишлашга янада мажбур қиладилар.

Педагогик ҳамкорлик – ички ишлар органлари ходимларининг шахсларнинг (объект сифатида) ҳуқуқий

онгига таъсир этиш орқали бир-бири билан фаол тарбиявий ҳамкорлик ишларини олиб боришлари, педагогик нуқтаи назардан ҳамкорликни тўғри йўлга қўйишларидир. Педагогик ҳамкорликнинг ўзига хос томони шундаки, унинг мақсади ва вазифаси битта, яъни баркамол инсонни тарбиялаш.

Педагогик ҳамкорликда тарбияланаётган объект ва тарбиялаётган субъект ўртасидаги боғлиқлик, яъни ҳамкорлик ҳар хил йўналишда бўлади. Уларнинг ичида энг кўп тарқалгани хабар олиш, яъни бир-бирига хабар бериш ҳисобланади. Ташкилий фаолият нуқтаи назаридан, ўзаро ҳамкорлик, коммуникатив алоқа, яъни бу тарбияланувчи ва тарбиячи ўртасидаги бир-бирини тушунишга асосланган ҳамкорликдир.

Касбий педагогикада ўзаро ҳамкорликнинг яна бир ўзига хослиги – педагогик жараёни бошқариш. Ушбу бошқаришни амалга оширувчи субъектлар ички ишлар органлари, суд, прокуратура ходимларидир. Чунки ҳар қандай тарбиянинг, айниқса, ҳуқуқий тарбиянинг самарадорлиги тарбия жараёнининг тўғри ташкил этилишига ва бошқарилишига боғлиқдир.

Касбий педагогик жараённинг таркибий қисмлари

Касбий педагогик жараённинг таркибий қисмлари педагогик тизимнинг таркибий қисмлари билан бир хил эмас. Касбий педагогик жараённинг таркибий қисмларидан бири ўқитиш ва тарбия жараёни ҳисобланади. Бу жараён шахсларнинг дунёқарашидаги ўзгаришларни юзага келтиради, бу ўзгаришлар эса унинг маълумотида, шахснинг қай даражада тарбияланганлигида кўринади. Ўқитиш ва тарбиялаш ўзига хос жараёнлардан ташкил топган бўлиб, тарбия жараёни шахснинг онги ва руҳиятига таъсир этиш кучига эга, бу таъсир этиш кучи орқали шахслар ўзини ўзи бошқаради, тарбиялайди. Тарбияланаётган шахснинг хатти-ҳаракатида ижобийлик юзага келса, таъсир даражасининг

натижаси кўринади. Касбий педагогик жараён деганда, биз, асосан, тарбия объекти ва субъекти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни тушунамиз.

Қуйидагилар педагогик жараённинг мақсадга эришишига хизмат қилади: мақсади, вазифаси, мазмуни, усули, методикаси ва ҳамкорлик қилишнинг шакллари. Буларнинг ҳаммаси педагогик жараённи амалга оширишга ёрдам беради.

Юқорида санаб ўтилган атамалар нафақат касбий педагогика фанига, балки умумий педагогика, этика ва эстетикага ҳам бевосита тааллуқлидир. Бу босқичлар тарбиянинг мазмуни ва моҳиятини очиб беришга ёрдам беради, уларнинг ўзаро бирлиги педагогик жараённинг тизимларини ташкил этади.

II боб. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ТАРБИЯ ФАОЛИЯТИ

Педагогик жараённинг қонуниятлари

Педагогикада, айниқса, касбий педагогикада шахсларни ички ишлар органларининг ходимлари томонидан тарбиялашда диалектик ва тизимли ёндашиш муҳим ҳисобланади. Педагогик жараён, албатта, ички ишлар органлари, суд, прокуратура, маҳаллаларнинг фаоллари ва оқсоқоллари томонидан олиб борилади. Педагогик жараёнга доимо долзарб муаммо сифатида қаралади.

Ички ишлар органларининг ходимлари томонидан олиб бориладиган педагогик жараён қуйидагиларга кўра таҳлил қилинади: ўқитиш, тарбия, таълим мақсадининг аниқлиги ва энг асосийси – бу учта тарбия йўналишининг ўзаро бир-бири билан боғлиқлиги. Педагогик жараёнга раҳбарлик қилишнинг тизимлилиги. Тарбия билан бевосита шуғулланадиган субъекларда ўзаро мақсаднинг бирлиги ва ўзаро бир-

бирининг фаолиятини тўлдириши. Педагогик жараёнда мақсад, мазмун, усул, методлар ва шакллар мазмунининг педагогик жараён қонуниятларига бўйсунishi.

Педагогик жараённинг қонуниятлари республикамизнинг бугунги кундаги миллий ғоясининг мазмунидан келиб чиқади. Ички ишлар органларининг ходимлари олиб борадиган таълим жараёни ўзига хос йўналишга ва мазмунга эга. Ўқитиш жараёнининг тизими мактабда, мактабдан ташқари муассасаларда, дам олиш, яшаш жойларида ҳуқуқий мавзулар ва йўналишларда, ўқитиш жараёнининг мақсади ва вазифаси эса ҳуқуқий билимлар ҳамда ҳуқуқий тарғиботнинг мазмуни ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда олиб борилади. Ҳар қандай ҳуқуқий билим ва тарғибот ишларининг олиб борилиши маъруза тингловчилар билан маърузачи ўртасидаги боғланиш ва боғлиқликни юзага келтиради.

Ҳуқуқий мавзу асосида ўқитишнинг мазмуни ҳам педагогик жараён қонуниятларига бўйсунди ва унинг мақсадидан келиб чиқади. Ҳуқуқий тарғиботнинг моҳияти ва мазмуни унинг шакллари ва усулларидан келиб чиққан бўлади. Барча – мақсад, вазифа, мазмун, усул ва методларнинг бир мақсад йўлида амалга оширилиши ҳуқуқий таълим, тарғиботнинг олдига қўйган мақсадига эришишга хизмат қилади.

Бугунги касбий педагогик жараённинг мазмуни ўзбек халқининг миллий анъаналарини, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда миллий ғоя ва унинг мазмунини акс эттирмоқда.

Педагогик жараённинг қонуниятларидан таълим ва тарбиянинг асосий принциплари келиб чиқади. Педагогик жараённи амалга оширишда ички ишлар органлари ходимларининг тарбиявий иш жараёни ўзига хосликка эга. Масалан, ички ишлар органларининг ходимлари ўз фаолиятининг асосий қисмини аҳоли орасидаги тарбияси қийин шахслар билан ишлаш ва уларни тарбиялашга

бағишлайди. Энг асосийси – бу ишда ўз фаолиятини ҳар бир шахсга яқка ҳолда ёндашишга қаратади. Тарбия жараёнининг субъекти ҳисобланган ходимнинг маълумоти, муомала маданияти, нотиклик санъати, ишни ҳаётий маълумотлар ва далилий ашёларга суяниб олиб бориши кабилар тарбиянинг самарасини оширади.

Ички ишлар органларининг ходимлари фаолиятидаги педагогик жараённинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, улар ҳаётга энди қадам қўйган, ҳали вояга етмаган шахсларнинг тарбияси билан, айниқса, ҳуқуқий тарбия билан алоҳида шуғулланадилар, чунки айнан шу ёшда ўспиринларда дунёқараш, феъл-атвордаги йўналишлар шаклланади. Шунинг билан бирга вояга етмаган шахслар нафақат ички ишлар органлари ходимларининг тарбия объектлари, шунингдек, улар ижтимоий фаолиятнинг мустақил ва ўзига хос фаол субъектлари ҳам бўлиб хизмат қиладилар. Ушбу ёшдаги шахсларнинг ўзлари яшаётган давлатнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама билимга эга ва аниқ тартибга солинган тўла ҳуқуқли фуқаролари, деб ҳис этишлари, жамиятнинг бошқа аъзолари билан боғлиқ эканликларини англаб олишлари, ўз хатти-ҳаракатлари учун юксак масъулият ҳиссини англашлари ниҳоятда муҳимдир.

Жинойтчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишни амалга оширадиган давлат органларининг ходимлари сафига – ички ишлар органларининг ходимлари ҳам киради. Давлатнинг жиноятчиликка қарши курашиш сиёсатини амалга оширишда, ёшлар томонидан содир қилинадиган турли жиноятларнинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан олдини олиш ва бундай жиноятларга қарши курашишда жамоатчилик фикрини юзага келтириш орқали барҳам бериш, турли хил жиноятларнинг сабабларини аниқлаш ва очиш, шунингдек, ушбу тоифадаги ишлар бўйича судлов ишларининг юритилишига доир жами фаолиятни ўз ичига камраб оладиган жиноятчиликка қарши аниқ мақсадли

кураш ташкил этилиши лозим¹, деган фикрга бутунлай қўшиламиз.

Ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятида олиб бориладиган педагогик ишлар қуйидаги йўналишларда бўлиши мумкин:

– вояга етмаганлар томонидан содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олиш, яъни уларнинг яшаш, ишлаш ва дам олиш жойларидаги профилактик тарбиявий ишлар;

– хулқ-атворида жамиятга зид хатти-ҳаракатларнинг белгиси бор бўлган шахслар билан бўладиган якка тарбиявий ишлар;

– рецидивист жиноятчилар билан якка тартибда олиб бориладиган қайта тарбиялаш ишлари;

– барча табақадаги шахслар ўртасида амалга ошириладиган ҳуқуқий педагогик тарбиявий ишлар;

– вояга етмаганлар ўртасида олиб бориладиган ичкиликбозлик ва гиёҳвандликка қарши кураш ишлари;

– шартли равишда ҳукм қилинганлар ва ҳукмни ўташдан озод қилинганлар устида маълум муддат давомида ва етарли даражада тарбиявий ишларни такомиллаштириш ва ҳоказолар.

Касбий педагогика фанининг мақсади шахслар содир этадиган жиноятчиликнинг олдини олишга ва уларни тарбиялашга, энг аввало, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга қаратилади. Бу ҳақида Г. А. Аванесов: «Тарбия ва профилактикани бир-биридан ажратиб бўлмайди, тарбияга профилактик хизмат ҳам тааллуқли, профилактик хизматга тарбия ҳам бевосита тааллуқлидир»², дейди.

¹ Қаранг: *Йўлдошев Ҳ., Таджиханов У., Зарипов З., Мирзажонов Қ.* Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ҳуқуқий тарбия воситаларининг аҳамияти. Т., 1997. 6–7-бетлар.

² *Аванесов Г. А.* Введение в курс профилактики правонарушений. М., 1998. С. 460.

Ички ишлар органларининг ходимлари олиб борадиган ҳар қандай тарбиявий-профилактик ишлар қонун доирасида, айниқса, ҳуқуқий-тарбиявий ишлар аниқ ҳаётий мисолларга таянган ҳолда олиб борилади ва бу ўзига хос тарбиявий усул ҳисобланади. Чунки далилларга асосланмаган тарбиявий иш самара бермаслиги мумкин, берса ҳам натижаси кўнгилдагидай бўлмаслиги табиий. Тарбиявий профилактик ишларни олиб борувчи кишиларнинг ўзлари ҳам тарбияланган бўлишлари шарт. Ҳуқуқий тарбиявий ишларни олиб борувчи шахснинг хатти-ҳаракатлари тарбиялаётган объектлари учун ўрнатилган бўларли даражада бўлиши керак. Масалан, тарбиячининг юриш-туриши, кийиниши, муомаласи, ўз ишини қай даражада яхши билиши, ҳуқуқий саводи, ҳаттоки, нутқи ва маданият қоидаларига риоя қилиши намуна даражасида бўлиши талаб қилинади.

Ички ишлар органларининг ходимлари томонидан олиб бориладиган ҳуқуқий-тарбиявий ишлар аҳолининг қайси табақалари ўртасида олиб борилаётгани ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Масалан, ишчилар, хизматчилар, зиёлилар, ўсмирлар ёки бошқа турли тоифадаги шахслар орасида ҳуқуқнинг турли йўналишлари бўйича билимлар тарғиб қилинади. Уларнинг ҳуқуқ соҳасидаги талаблари ва дунёқарашлари ҳисобга олиниб, ўрганилади, шундагина ҳуқуқий-тарбиявий ишларда қўйилган мақсадга эришилади.

Лекин ҳар қандай тарбия жараёнида ўзига хос қийинчиликлар мавжуд бўлиб, бу қийинчиликлар бир қанча муаммоларнинг йиғиндисидан иборат бўлади.

Ҳуқуқий-тарбиявий ишларни олиб боришда бир неча маротаба қамалиб чиққан шахслар, рецидивистларнинг психологиясига ижобий таъсир қилиш, уни ўзгартириш қийин муаммолардан ҳисобланади. Бундай категориядаги шахслар ҳеч нарсага, ҳеч кимга ишонмайдиган бўлиб қоладилар. Рецидивист шахслар айtilган гапларни яна бир бор текшириб кўриб, шундан кейингина ишонишлари

мумкин. Бир неча маротаба қамалиб чиққан шахсларга тарбиявий таъсир этишда аниқ ҳаётий мисоллар орқали, айнан ўша вақтда мавжуд далилларга суянган ҳолда тарбиявий иш олиб борилади. Шундагина бундай шахслар билан ишлашда аниқ натижаларга эришиш мумкин.

Баъзи жойлардаги (ҳудудлардаги) шахсларни ҳуқуқий тарбиялаш ишларини қонунга ва унинг кучига суянган ҳолда ички ишлар органлари, суд, прокуратура ходимлари олиб боришлари мумкин.

Лекин кўп ҳолларда бошқа баъзи жиҳатлари билан қонундан ҳам устунлик қилиб қолиши мумкин бўлган урф-одатларимиз, анъаналаримиз мавжуд. Бу анъаналар, урф-одатлар, айнан ўша аҳоли ўртасида ва улар яшайдиган жойларда, ижтимоий муҳитни, жамоат фикрини шакллантиришга ва тартибга солишга таъсир қилиши, ёрдам бериши мумкин.

Амалиётдан маълумки, баъзи бир ҳудудларимизда юзага келган жамоатчилик фикри ўша ердаги аҳоли учун қонун ва унинг кучидан ҳам кучлироқ бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам ҳар қандай ҳуқуқий тарбия фуқароларнинг талаб ва истаклардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши керак бўлади, бу талаб ва истакларни ҳисобга олиш, аҳолининг турли қатламларига алоҳида-алоҳида ёндашиш давр талаби эканлигидан далолат беради. Лекин ички ишлар органларининг ходимлари ҳар доим ҳам юқоридаги айтилган омилларга риоя қиляптилар, деб айта оламизми? Йўқ! Чунки бунга, биринчидан, ҳуқуқий тарғибот ва тарбиявий ишларни олиб боровчи субъектларнинг ўзлари қунт қилмайдилар; иккинчидан, жойлардаги раҳбарлар керакли шахсларни бундай тадбирларга вақтида жалб қила олмай қолганлар; учинчидан, жойларда керакли моддий-техник базанинг ўзи йўқ.

Масалан, қуйидаги рақамлар республикамизда жинойтчиликнинг қай даражада эканлигини кўрсатади, масалан, вояга етмаганлар содир этган жинойтлар сони

1997 йилда 3189 та бўлса, 1999 йилга келиб 3173 та бўлган, яъни бундан икки йил аввалгига қараганда 16 та кам жиноят содир этилган. Бу рақамлар жиноятларни асосан балоғат ёшига етмаганлар содир этилганлигини кўрсатади.

Жиноятнинг қайси тури кўпроқ содир этилади? Балоғат ёшига етмаганлар ўғрилик, номусга тегиш, безорилик жиноятларини кўпроқ содир этадилар. Бундан ташқари, улар орасида динни пеш билиб, нотўғри йўлга адашиб кириб қолганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Муқаддам судланганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг миқдори ҳам кўпайса кўпаймоқдаки, лекин камаймаяпти. Масалан, муқаддам судланганлар 1997 йилда 10125 та, 1999 йилда эса 11535 та жиноят содир этганлар. Шунинг учун ҳам муқаддам судланганлар содир этган жиноятларнинг сони ва тоифаси олимлар учун алоҳида илмий тадқиқот мавзуи бўлиб қолиши керак. Илгари жиноятлар асосан соат 22 дан кейин содир этилган бўлса, ҳозирги кунга келиб, ўғрилик жиноятлари (айниқса, уйни ўмариш) эрталабки соат 10 дан кейин содир этилмоқда, чунки эрталабки соат 10 дан кейин фуқароларнинг кўпчилиги ишга кетадилар, ўша вақтда ҳеч кимнинг ҳеч ким билан иши бўлмай қолади.

Жиноят содир этишга мойиллиги бор шахслар, жиноятчи ўсмирлар ҳеч қачон онадан жиноятчи бўлиб туғилмаганлар, аксинча, бу шахслар носоғлом муҳитга тушиб, ўша ердаги салбий таъсирга берилиб қолганлар. Бундай носоғлом муҳитнинг юзага келишига оиладаги, яшаш жойидаги шахслар ўртасида юзага келадиган зиддиятли вазиятлар, баъзида ота-онанинг доимий жанжаллари сабаб бўлиши мумкин. «Нимани эксанг, шуни ўрасан» деган халқ мақолига суянган ҳолда, битта мисол келтирамиз:

«Талабалик йилларимда, – деб ҳикоя қилади Самарқанд шаҳар, «Ўрмон» маҳалласи раисининг муовини И. Неъматов, – иккита оиладаги тарбия ва бу тарбия натижаларининг гувоҳи бўлганман. Биринчиси – Фулом домланинг оиласи. У катта бир корхонанинг раҳбари бўлган,

унинг тўрт нафар фарзанди бўлиб, турмуш ўртоғи Марғуба ая Маданият уйи қошидаги бичиш-тикиш тўғарагига раҳбарлик қиларди, оиласидаги барча тарбиявий ишларни ана шу Марғуба ая олиб борар эди.

Домла болаларига жуда қаттиққўл бўлиб, гоҳида унга нисбатан нафратим уйғонар эди, чунки у болаларининг ҳар бир қадамини назорат қиларди. Марғуба ая эса фарзандлари катта-катта бўлиб қолганларига қарамасдан, ҳар куни дарсга кетаётганларида уларга 40 тийиндан берар эдилар, 5 тийин – трамвайда ўқишга боришга, 5 тийин – ўқишдан қайтишга, 30 тийин – тушликка. Мен эса улар бунча зикна одамлар бўлмасалар, деб ўйлар эдим. Уларнинг барча фарзандлари ўқишни тугатгач, ҳаммалари ишлик, уйлик-жойлик бўлдилар, ҳаётда ўзларининг ўринларини топиб кетдилар.

Иккинчи оилада (бу кимларгадир сабоқ бўлиши мумкин) оила бошлиғи – мактабда ўқитувчи, Иккинчи жаҳон урушининг қатнашчиси, хотини эса уй бекаси бўлиб, уйдаги майда-чуйда ишларга ўралашиб қолган эди. Ота ҳар куни ишдан келиб, яна турмуш ташвишлари билан далага, егулик олиб келаман, деб кетар ва даладан кеч қайтар эди. Ҳар куни ишдан сўнг уйга қайтгач, жанжалнинг устидан чиқар ва уни тинчитгунча силласи қуриб, ухлаб қолар эди. Айниқса, онанинг болаларини тез-тез дўппослаб туриши кўни-қўшнилариинг ҳам асабини бузар эди. Орадан йиллар ўтиб, уларнинг фарзандларидан иккитаси ҳарбий хизматни узоқ Шарқда ўтаб, ўша ерда қолиб кетдилар. Отанинг юраги болаларининг бундай йўл тутганликларига дош бермади, оламдан кўз юмди, она эса фарзандларининг ўзига мушт кўтарганларини кўриб, у ҳам не азоблар билан бу дунёдан ўтиб кетди»¹. Гувоҳи бўлганимиздек, ота қаттиққўл, она оқила бўлган оилада фарзандлар тарбияси маромига етади.

¹ Экканингни ўрасан // Халқ сўзи. 2000. 11 окт.

Мустақил республикамызда фарзандлар тарбияси билан шуғулланиш учун етарли имкониятлар мавжуд. Бугунги кунда барча ота-оналарнинг олдида турган асосий бурчларидан бири – Ватан ва эл-юрт корига ярайдиган комил фарзандларни тарбиялаш.

Баъзи ота-оналар эса болаларининг узрсиз сабаблар билан мактабга бормасликларига рухсат беришлари билан бирга, мактаб маъмурияти бу ҳақида сўраганда, уларга қандай деб жавоб қайтаришни ҳам ўргатиб қўядилар. Шунингдек, айрим ота-оналар болаларининг иштирокида, уларга таниш кишини тавсифлаганда ёмон, салбий баҳо бериб гапирдилар. Буни эшитиб турган болада ҳаётда иккиюзламачилик қилиш фойдали экан, деган нотўғри фикр пайдо бўлади ва бу унинг тарбиясига салбий таъсир қилади. Ота-оналарнинг ўзаро муносабатларида самимийликнинг бўлмаслиги, уларнинг ёлғончиликлари ўша ота-онанинг болалари олдидаги ҳурмат-иззатини тушуриб юборади, уларга бўлган фарзанд ишончининг йўқолиб боришига сабаб бўлади.

Ёлғиз фарзанд кўп болали оилада яшаб, тарбияланётган болага қараганда, нозик, унча-мунча нарсани хоҳламайдиган, инжиқ бўлиб ўсиши мумкин. Ота-оналар, кўпинча, ёлғиз фарзандларини ҳаддан ташқари эркалайдилар, айтган барча талабларини сўзсиз бажарадилар, ҳар қандай инжиқликларини кўтарадилар ва бунга тоқат қиладилар. Баъзи бир ота-оналар эса фарзандларига нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиб, ўта қаттиққўллик билан яхши тарбия бермоқчи бўладилар. Фикримизча, бундай усул билан тарбияланганда болалар ота-оналарининг меҳри ва эркалашларини сезмасликлари сабабли, кўпинча, қўпол муомалали ва бемехр бўлиб етишадилар².

² Қаранг: *Восиқова М.* Болалар тарбиясида алоҳида эътибор // Ҳаёт ва қонун. 1995. № 7. 54–55-бетлар.

Ички ишлар органлари ходимларининг ўзини ўзи тарбиялашларида тарбия жараёнининг умумий педагогик қонуниятлари

Ички ишлар органларининг ходимлари ўзларининг тарбиявий профилактик фаолиятларида шахслар ўртасида тарбиявий ишлар олиб бориш билан бирга, ўзлари ҳам аста-секин тарбияланиб борадилар. Тарбия жараёнида тарбияланувчи шахс ҳеч вақт «менинг сўзим – қонун» деган фикрда бўлиши керак эмас. Биз биламизки, тарбияловчининг асосий мақсади – ҳар кимга сўзсиз бўйсунадиган шахсни тарбиялаш эмас, балки дунёқараши кенг, эркин фикрлайдиган шахсни тарбиялашдан иборат. Ички ишлар органларининг ходимлари тинимсиз изланиш, ўқиб-ўрганиш, билимларини бойитиш орқали ҳам ўзларини ўзлари тарбиялаб боришлари керак.

Таълим концепциясининг яратилишида тарбиянинг принциплари ва қонуниятлари ҳам четда қолган эмас. Шунинг учун ҳам ички ишлар органларининг ходимлари олиб борадиган тарбиянинг принциплари ва уни таснифлаш муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси таълим соҳасидаги сиёсатининг асосий принципларида қуйидагилар кўрсатилган:

- таълим ва тарбиянинг инсонпарвар ва демократик хусусиятга эгаллиги;

- таълимнинг узлуксиз ва изчиллиги;

- умумий, ўрта махсус ёки касб-ҳунар таълимининг мажбурийлиги;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълим йўналишини академик лицейда ёки касб-ҳунар коллежида ўқишни танлашнинг ихтиёрийлиги;

- таълим тизимининг дунёвий хусусиятга эгаллиги;

- Давлат таълим стандартлари доирасида билим олишнинг ҳамма учун очиқлиги;

- таълим дастурларини танлашга ягона ва табақалаштирилган ёндашув;

- билимли бўлишни ва истедодлиларни рағбатлантириш;
- таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш.

Педагогик жараён жамиятдаги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, жамиятнинг миллий ғояси ва умумий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилади. Педагогик жараённинг самарадорлиги эса мавжуд (масалан, моддий, ахлоқий-психологик, эстетик ва бошқа) шарт-шароитдан келиб чиқади. Педагогик жараён ўқиш, таълим-тарбия, шунингдек, ўзини ўзи тарбиялаш ва педагогик раҳбарлик билан чамбарчас боғлиқ.

Педагогик жараённинг самараси барча тарбия субъектларининг ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатига боғлиқ. Тарбиянинг самараси жуда кўп ҳолларда тарбияланаётган шахсларнинг ёши, касби ва яшаш жойларидаги муҳитларга ҳам боғлиқ.

Касбий педагогика ижтимоий-тарбиявий фан бўлиб, унинг ўз қонуниятлари мавжуд. Бу қонуниятларни ўрганиш эса ўқиш, тарбия ва таълимни қамраб олган.

Ички ишлар органлари ходимларининг шахсларни тарбиялаши қуйидаги принциплар асосида олиб борилади:

- касбий фаолият жараёнида шахсларни тарбиялаш;
- тарбияга яқка тартибда ёндашиш;
- шахсни жамоада ва жамоа орқали тарбиялаш;
- шахсни тарбиялаш жараёнининг ижобий томонларига суяниб, тарбиялаш;
- шахс тарбиясига ижобий таъсир қилувчи омиллар орқали тарбиялаш.

Тарбия принциплари – алоҳида олинган қоида ёки рецептлар йиғиндиси эмас, балки тарбия берувчи шахсларнинг ўз фаолиятига фалсафий-педагогик ёндашишларидир.

Педагогик жараён ва унинг қонуниятларини билиш жуда қийин жараён бўлиб, улар қуйидаги кўринишларда намоён бўлади:

- тор маънодаги педагогик жараённинг ўзи;
- педагогиканинг методологияси, экспериментал методлар ва назарий асосларнинг ишлаб чиқилмаганлиги¹.

Педагогик жараён доимо табиат ва жамият ривожланишининг умумий қонуниятлари асосида кечади. Педагогик жараёнда тарбиянинг барча принциплари бири-бири билан чамбарчас боғлиқ, улар тарбиявий жараёни олиб боришда ўзаро бир-бирининг мазмунини тўлдиради.

Меҳнат орқали тарбиялаш жараёни деганда, биз, аввало, шахснинг муносабатини шакллантиришдан иборат жараёни тушунамиз.

Шахсни жамоа орқали тарбиялаш жараёни ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Жамоа – шахслар уюшмаси бўлиб, жамоадаги шахсларнинг тарбияси уларнинг хизмат фаолияти билан боғлиқ бўлади. Жамоа фаолиятига жамоадаги ҳар бир шахс жавоб беради. Баъзида унинг акси ҳам бўлиши мумкин, яъни ҳар бир жамоа аъзосининг хатти-ҳаракатларига бутун жамоа жавоб беради.

Якка тартибдаги тарбиявий ишларни олиб бориш – шахсларни тарбиялашнинг энг асосий шакллари билан биридир. Якка тартибдаги тарбиявий ишларни олиб боришда ички ишлар органларининг ходимлари ўзларининг ҳаётий тажрибалари, онг даражалари, маданияти, маълумотлари, қизиқишлари, қобилиятлари, хулқ-атвори, темпераменти, психологияси билан ажралиб турадилар. Табиийки, ҳар бир шахснинг ўзига хос жиҳатларини билмай туриб, уларни тарбиялаш қийин.

Албатта, ҳар бир тарбиянинг икки қирраси бор – тарбиядаги *ижобийлик ва салбийлик*. Тарбиянинг ижобий

¹ Қаранг: Исправительно-трудовая педагогика. М., 1978. С. 87.

томонларига суяниб, фаолият олиб бориш деганда, юқори талабчанлик хислати назарда тутилади. Ўта талабчанлик тарбияда бир ёқламаликни юзага келтиради, иккинчи томондан эса, тарбиячига уларнинг ишончини ва ҳурматини юзага келтиришда муҳим ҳисобланади.

Педагогик жараёнда тарбия қонунлари ва қонуниятлари ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирининг фаолиятини тўлдиради. Тарбиянинг қонуниятларидан тўғри фойдаланиш ва уларни тўғри, ўз жойида ва ўз вақтида ишлата билиш ходимлар фаолиятида тарбиявий ишларни тўғри йўлга қўйишга ёрдам беради. Бу эса тарбиядаги бир ёқламаликка чек қўяди. Демак, бу тарбия жараёнида субъектнинг бир усулни иккинчи усулдан устунлигига чек қўйишига ёрдам беради.


Педагогиканинг қонуниятлари шартли равишда иккига бўлинади: умумий ва махсус. *Умумий қонуниятлар* ҳам тарбия, ҳам ўқитиш жараёнига асосланади. *Махсус қонуниятлар* эса ё тарбияни, ё ўқитишни қамраб олади.

Педагогиканинг умумий ва махсус қонуниятлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик мавжуд. Педагогик жиҳатдан таҳлил қилинганда айтиш мумкинки, умумий тарбия қонуниятларидан махсус тарбия қонуниятлари келиб чиқади. Бу дарсликда тарбиянинг фақат умумий қонуниятларигина кўриб чиқилади.

Ҳар қандай тарбиянинг қонуниятлари, тараққиёти ҳамда ривож жамият қизиқишларидан, унинг ғояларидан келиб чиқади. Мустақил Ўзбекистон Республикасида тарбия миллий истиқлол ғояларига суянади ва бу ғоялар орқали, ўз навбатида, аниқ, мустаҳкам ғояларни ҳаётга татбиқ этишни талаб қилади. Тарбия фаолиятининг мазмуни жамиятнинг сиёсатидан ва талабларидан келиб чиқади. Шахсларни тарбиялаш жараёнида тарбия ва таълимда бирлик қонуни мавжуд. Бу таълим бераётганда шахсни тарбиялаш, тарбиялаётганда шахсга таълим бериш деганидир.

Касбий педагогикада моделлаштириш қонуни мавжуд бўлиб, у тарбиявий ишларни максимал даражада ҳаётга яқинлаштиришни билдиради. Педагогик жараёни амалга ошириш фан-техниканинг ривожланишига бевосита ва билвосита боғлиқ. Тарбия ва таълимда ҳар бир тарбияланувчининг савияси, билими ва психологияси, индивидуал хислатлари инobatга олинади. Тарбия ва таълим жараёнида тарбия субъектининг объектга қай даражада таъсир эта олиши ҳам ҳисобга олинади. Шахсни тарбиялашдаги тарбия қонунлари ва қонуниятларининг натижаларини ҳаётга татбиқ этиш доимо объект ва субъектларнинг бир мақсад йўлидаги онгли хатти-ҳаракатларига боғлиқ. Педагогик жараёнда тарбиянинг принциплари, қонуниятлари, шакли, усули ва методларига кўп нарса бевосита боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

Тарбиянинг қонун ва қонуниятларини билишнинг ўзагини онгли равишда бошқариладиган тарбия жараёни ташкил этади. Тарбия ва ўқитиш маълум шакллар ва усуллар орқали амалга оширилади. Тарбия ва ўқитиш усулларининг ўртасида эса ўзаро ҳамкорлик, боғлиқлик мавжуд.



Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил 27 сентябрда қабул қилган «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарорида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишларнинг сусайтириб юборилганлиги, улар устидан назоратнинг бўшлиги, уларни иш билан таъминлаш ва бошқа муаммоларнинг қониқарли даражада ҳал этилмаётганлиги оқибатида кўплаб ёшларнинг ҳуқуқбузарликка берилиш, диний ақидапарастлик ёки турли зарарли омиллар, гуруҳлар таъсирига тушиб қолиши каби салбий ҳолатлар учраб тургани таъкидланган¹. Бундай салбий ҳолатларни бартараф этишда диний ақидапарастлик ёки турли зарарли омилларнинг олдини олиш, ёшларни иш билан таъминлаш кабилар бугунги кундаги энг асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ички ишлар органларининг ходимлари бу муаммоларни ечишда яшаш жойларидаги маҳалла фаолларига бевосита ва билвосита ёрдам бериб келмоқда. Лекин ҳар доим ҳам улар ҳуқуқий тарбия ва тарғибот ишларини кўнгилдагидек олиб боряптилар, деб бўлмайди. Кўпгина ходимлар ҳуқуқий онгини ошириш, ҳуқуқий маданиятини шакллантириш борасид ишламаяптилар, бунинг сабабларидан бири – улар ўзларидаги мавжуд, эски ҳуқуқий билимларини ҳали ҳам етарли деб ҳисоблаётганликлари. Амалиётда, ҳаётда эса, аксинча, мавжуд ўзгаришлар ва талаблар катта, бу ўзгаришлар ва талаблар ички ишлар органларининг

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги 2000 йил 27 сентябрь қарори // Халқ сўзи. 2000. 28 сент.

ходимларидан янги-янги ҳуқуқий билимларни талаб қилмоқда.

Ички ишлар органларининг ходимлари шахслар орасида ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тарғиботни олиб бориш билан биргалиқда, жиноятчиликка қарши кураш ҳам ўзларининг энг асосий бурчи эканлигини унутмаяптилар. Баъзи ходимлар фаолиятида эса камчиликлар ҳам учрамоқда, бундайлар ўз кадр-қимматларини, бир неча йиллик фаолиятлари давомида мисқоллаб йиққан ҳурмат ва обрўларини тамагирлик туфайли йўққа чиқаряптилар ҳам.

«Инсон ва қонун» газетасида Тошкент шахрининг Қўйлик бозори ҳудудида ички ишлар органлари ходимларидан ики нафарининг шу бозорда қонуний савдо-сотик қилаётган кишиларга пўписа қилиб, тамагарлик йўли билан пул ундиргани, бу ишда фуқаро кийимида бўлган бошқа бир ички ишлар органи ходимининг ҳам шериклик қилгани ҳақидаги мақола берилган.

Бу ва шунга ўхшаш, яъни милиция ходимларининг қонунни бузиш ҳоллари матбуот саҳифаларида танқид қилиниб турибди. Уларга нисбатан тегишли жазо чоралари кўрилмоқда. Мазкур мисоллар ички ишлар органлари ходимларига таълим бериш ва уларни тарбиялашда алоҳида эътибор берилиши керак бўлган йўналишларни аниқлаш имконини бермоқда.

Истиклолимизнинг илк кунлариданоқ миллий кадриятларни тиклашга алоҳида эътибор берилди. Эндиликда бу интилиш «Соғлом авлод учун» деган умумхалқ ҳаракатига айланди. Бугунги кунда қонунбузарларнинг маълум қисми мактаб ўқувчилари, талаба ёшлар чекига тўғри келаётгани ҳеч кимга сир эмас¹.

Ота-онанинг тарбияси, маҳалла аҳли ва мактаб тарбияси ўртасида узилиш бўлар экан, албатта, ўсмирларнинг

¹ Қаранг: *Тоҳиров Ф.* Тарбияда танаффус бўлмайди // Ҳаёт ва қонун. 2000. № 4.

жиноятга қўл уришлари учун шарт-шароит яратилади. Айрим шахсларда, яъни ўсмирларда ирода шаклланадиган 14–15 ёшларда улар табиатан кўрслашиб, ўз имкониятларини, хатти-ҳаракатларини тўғри баҳолай олмай, салбий одатларга берилиб, лоқайд бўлиб қоладилар. Бу ёшдаги шахсларни кузатганда, уларда тезда мафкураси бузуқ кишиларнинг таъсирига тушиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш, ҳатто гиёҳвандликка ҳам берилиш ҳолларини учратиш мумкин. Вояга етмаганлар содир этаётган жиноятларнинг 50 фоизи мастлик оқибатида юз беришининг ўзиёқ муаммо нақадар жиддий эканлигини кўрсатиб турибди¹.

Турли экстремистик оқимларга берилган, бунинг оқибатида кўпуровчилик, талончилик, одам ўлдириш каби оғир жиноятлар қилиб, қочиб юрганларнинг домига тушиб қолишдан ўсмирларни сақлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддасида вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилган шахслар учун алоҳида, уларни турли муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисидаги жазо кўрсатилган. Жазонинг бундай аниқ кўрсатилиши, ўз навбатида, жиноятларнинг камайишига олиб келиши мумкин.

Мустақиллик мафкураси «миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш» тушунчасини бизнинг онгимизга олиб кирди. Аммо умуминсоний қадриятларни педагогик нуқтаи назардан тушуниш, талқин қилишда ҳар хил ёндашувлар бор. Масалан, 1992 йилда «Педагогика» журнали «Таълим-тарбияда умуминсоний қадриятлар» мавзuidaги суҳбатни чоп этди. Суҳбатда россиялик машҳур профессор Б. С. Гершунский ва АҚШнинг Шарқий Европа ва МДХни ўрганиш институтининг раҳбарларидан бири Ричард Шейерман энг олий умуминсоний қадрият деб шахснинг ўзи

¹ Қаранг: Тарбиядаги танаффус ва қариндошлик иттифоқи // Инсон ва қонун. 2000. 18 апр.

ахлоққа мос деб ҳисоблаган хатти-ҳаракатларни қилишидаги эркинликни қайд қилдилар. Яъни ўқув-тарбия жараёнининг ҳар бир босқичида ўқувчининг ёшидан қатъи назар, унинг эркинлигини чекламаслик керак. Лекин Р. Шейерман боланинг кимдан ва нимадан эркинлигини, бола эркинлигига тажовуз қилишдан ким, қандай манфаатдор эканлигини тушунтириб бера олмайди. Аксинча, ахлоқий меъёрларни белгилашда яқдилликнинг йўқлиги Америка ёшлари ўртасида бориб турган ахлоқсизликка сабаб бўлмоқда, дея ўзини ўзи инкор этади. Жумладан АҚШда ўғил болалар, ўсмирлар орасида ваҳшийларча бир-бирини ва ўз-ўзини ўлдириш кейинги 30 йил ичида 6 мартага кўпайган. Ўсмир қизлар орасида никоҳсиз ҳомиладор бўлганлар сони эса 7 мартага ошган. Балоғат ёшига етмаган болаларнинг полиция кўлига тушишлари ҳам 7 марта кўпайган. У «кўпроқ пул ишлаш» Америка ёшларининг асосий мақсади эканлиги, мазмунли ҳаёт кечириш мақсадининг қадрсизлашуви ҳисобига жиноятчиликнинг ўсаётганлигини таъкидлайди. Биз бу аҳволни болаларга бурчсиз эркинлик берилишининг асоратлари деб тушунамиз. Ўзбекистонда, ўзбек халқидаги шарм-ҳаё, иймонлилик, «ўзбекчилик»нинг йўқолишини, биз тасаввур қила олмаганимиздек, Р. Шейерман ҳам Фарб жамиятида «тўй», «жаноза», «ҳашар» тушунчаларининг ҳаётий меъёрга айланишини тасаввур қила олмайди¹.

Ҳар қандай урф-одат ва удумларимизда тарбия элементлари мавжуд бўлиб, бу тарбияланаётган шахснинг ўша воқеа-ҳодисаларни қандай қабул қилишига боғлиқ. Баъзилар бундай тадбирлардан фақат салбий томонларни изласалар, бошқалар ижобий тарбиявий томонларга эътибор берадилар, баъзи бировлар эса бефарқлик қиладилар.

Тарбия жараёнида энг даҳшатлиси – тарбияга, ёшлар ўртасидаги тарбиявий ишларга бефарқликнинг кенг авж

¹ Қаранг: Тарбиянинг замини ва негизи // Маърифат. 2000. 13 сент.

олгани. Кўпинча, одамлар «Менга нима, у билан шуғулланадиган ходимлар, орган ёки ташкилот бор» дейишиб, ўзларини четга оладилар. Шунинг учун ҳам тарбия ва қайта тарбиядаги жуда кўп оғирлик ички ишлар органларининг ходимлари зиммасига тушмоқда.

Ички ишлар органларининг ходимлари эса бундай бефарқликка тоқат қила олмайдилар, уларнинг орасида ҳам ўз касбининг фидойилари кўплаб учрайди. Бундай фидойиларнинг меҳнати туфайли жиноятларнинг баъзи турлари камайиб бормоқда, бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ўғрилик жиноятининг камайишига сабаб – аҳоли хушёрлигининг ошиши, фуқаролар йиғини ва маҳалла фаолларининг ишидаги жонланишнинг кучайгани. Фуқаролар орасидан фаоллар – халқ посбонларининг тайинланганлиги, кўнгилли ихтиёрий қўриқчиларнинг фидойилиги туфайли ўғрилик ва бошқа турдаги ҳар хил жиноятларнинг олди олинмоқда.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ички ишлар органлари ходимларининг профилактик фаолиятини ташкил этишда педагогик жараённинг ўзига хослиги нимада?

2. Педагогиканинг асосий категорияларини айтиб беринг.

3. Профилактик фаолиятни ташкил этишда педагогик билимлар қандай аҳамиятга эга?

4. Ички ишлар органларининг фаолиятида педагогик жараён деганда нимани тушунасиш?

5. Жиноятчиликнинг олдини олишда қандай педагогик муаммоларга дуч келинади?

6. Ички ишлар органлари фаолиятида олиб бориладиган педагогик ишларнинг йўналишларини очиб беринг.

7. Тарбиявий жараённинг қонуниятлари ва тизими тўғрисида нималарни биласиз?

8. Ички ишлар органлари ходимларининг ўзини ўзи тарбиялаши деганда нимани тушунасиш?

9. Тарбиянинг қандай принципларини биласиз?

10. Хуқуқбузарларни тарбиялаш ва қайта тарбиялашнинг моҳиятини очиб беринг.

11. Тарбия ва таълимда умуминсоний қадриятлар деганда нимани тушунасиз?

III боб. ДИДАКТИКА ВА ДАВР ТАЛАБИ

Дидактика, унинг қонун ва қонуниятлари

«Дидактика» – юнонча сўз бўлиб, «дидактикос», яъни таълим олаётган, ўқиётган деган маънони англатади. Дидактика таълим жараёни ва унинг қонуниятларини ўрганади. Бу қонуниятлар ҳар бир фанни ўқитиш жараёнида акс этади.

Дидактика ва методика бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради. Дидактика ўқиладиган аниқ фаннинг амалий натижаларига суянади. Дидактика илғор иш тажрибаларини тарғиб қилади, ўқитувчиларнинг қизиқарли, ўзига хос иш тажрибаларини умумий педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилади.

Айтишимиз мумкинки, дидактика билиш фаолиятини ташкил этишда умумилмий марказ вазифасини бажаради. Дидактиканинг моҳиятига кўра, ҳал қилинадиган муаммолар тарихий ва умуминсоний кадр-қимматни асрашга қаратилган. Дидактика педагогиканинг бир бўлаги сифатида ўзининг тадқиқот предметиға эға. Дидактиканинг категорияларига қуйидагилар ҳам тааллуқли: таълим жараёни, принциплари, мазмуни ва усуллари, уни ташкил этиш шакллари.

Таълим жараёни – объект ва субъект ўртасидаги бир мақсадға қаратилган ўзаро ҳамкорлик бўлиб, объект ҳисобланган шахсларға таълим-тарбия беришдан иборат.

Таълим принципларини ҳаётға татбиқ этиш – дидактиканинг асосий вазифаларидан бири. Бу принципға суянган ҳолда самарали натижаларға эришилади. Таълимда эса кўргазмали қуроллар муҳим ҳисобланади, чунки кўриш, ушлаб кўриш ва сезиш орқали шахс онгига самарали таъсир қилиш ва кўнгилдагидек натижаларға эришиш мумкин.

Таълимнинг мазмуни маълум билимлар тизимига, шахснинг ривожланиши ва шаклланишига асос бўлиши мумкин.

Таълим усуллари турли-туман бўлиб, шулардан суҳбат усулини олиб кўрайлик. Суҳбат усули орқали суҳбатдошларнинг билимларига билим кўшиш, суҳбатни тинглаётган тингловчиларни янада чуқурроқ билим билан таъминлаш, аудиториядаги шахсларнинг ўзларидан ҳам кўшимча фикр ва билим олиш мумкин.

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда таълим фаолиятининг мақсад ва вазифалари

Педагогик жараёнда турли даражадаги қонуниятлар мавжуд.

Педагогик жараёндаги қонуниятлар назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлишига қарамай, педагогика фанида бир ёқлама ўрганилмоқда. Бу муаммони турли муаллифлар ўзларининг нуқтаи назарларидан келиб чиқиб ўрганмоқдалар.

Жинойатнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқий-тарбиявий ишларнинг яхши йўлга қўйилиши пухта ўйлаб амалга ошириладиган тарбиявий жараён ҳисобланади. Таълим-тарбия фаолиятининг тўғри йўлга қўйилиши жиноят содир этишга мойил ўспиринларни бундай қабих йўлдан воз кечишга мажбур қилиши мумкин. Бу борада Президентимиз И. А. Каримов юридик таълимда ҳам сифат ўзгаришлари қилишга катта аҳамият бериш лозимлигини уқтириб ўтган эдилар. Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда олий маълумотли ҳуқуқшуносларнинг ўзига хос ўринлари борлиги ва бу соҳада қуйидаги вазифаларни адо этиш – давр талаби эканлиги барчамизга маълум бўлади:

– барча турдаги ташкилотлар, ўқув муассасалари учун юқори малакали ходимлар ва ҳуқуқшунос мутахассислар

тайёрлаш, чунки ҳуқуқий-тарбиявий ишларни нафақат битта ёки бир неча шахслар олиб борадилар, шунингдек, бу ишни корхона ва муассасаларнинг юристлари ҳам олиб боришлари керак;

– фуқароларнинг оммавий-сиёсий, ҳуқуқий билимларини шахслар фаолиятининг муҳим қисмига, раҳбарнинг эса кундалик ишига айлантириш орқали жиноятнинг олди олинади.

Ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жиноятларнинг олдини олиш, ҳуқуқий билимларни ташвиқот қилиш учун давлат ва жамоат ташкилотлари зарур шарт-шароитларни яратиб беришлари керак бўлади.

Ички ишлар органларининг ходимлари доимо тарбияланиши зарур ва тарбияси оғир шахслар билан кўпроқ ишлайдилар, уларнинг орасида ёки уларнинг ҳар бири билан профилактик мулоқотлар олиб борадилар. Бундан ташқари, барча табақадаги шахслар билан учрашувлар ўтказиб, шахсларнинг ариза ва шикоятлари билан танишиб чиқадилар, уларни ўрганадилар, текширадилар ва улар ўртасида тарбиявий ишлар олиб борадилар. Бу ишлар педагогик-профилактик фаолият доирасида амалга оширилади.

Аҳоли орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш педагогиканинг моҳиятига кўра, бир неча турларга бўлинади, булар – мактаб ёшигача бўлган болалар ўртасида ҳуқуқий-тарбиявий ишларни олиб бориш ва уларни тарбиялаш, ўсмирлар ўртасида содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олиш ва уларни тарбиялаш, маданият муассасаларининг тарбиявий усуллари орқали олиб бориладиган ҳуқуқий-тарбиявий жараёнлар.

Мактабдан ташқари муассасаларда ҳам ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий-тарбиявий тадбирларни ўтказиш орқали шахсларни тарбиялаб бориш керак бўлади. Бизни ички ишлар органларининг фаолиятида олиб бориладиган ҳуқуқий педагогик ишлар кўпроқ қизиқтиради. Ички ишлар

органларининг тарбия объекти – шахслар, уларнинг фаолияти ҳисобланади. Ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган касбий педагогика жиноят муаммосига педагогик ёндашишни талаб қилади.

Педагогик таъсир этиш (ёки педагогик ёндашиш) қисқа ва узук-юлуқ тарбия жараёни бўлмай, балки тизимли, узоқ давом этувчи жараён бўлиб, унинг самараси, асосан, тарбияга, шунингдек, тарбияланувчининг хоҳиш ва истакларига боғлиқдир. Жиноятларнинг олдини олиш жараёни ўз моҳиятига кўра, педагогик жараённинг қонуниятларига ва методикасига бўйсунди.

Ҳозирги кунда профилактик педагогиканинг вазифаси педагогиканинг назарияси ва амалиётдан олинган билимлар асосида жиноят содир этишнинг сабаблари, шароити, жиноятчи шахси, унинг ахлоқи ва хатти-ҳаракатини ўрганиш орқали махсус педагогик таъсир этиш йўлларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Шулар асосида ички ишлар органлари ходимларининг иш фаолиятига кўмаклашиб, ижобий ва самарали натижаларга эришиш мумкин.

Касбий педагогиканинг методикаси орқали жиноят оламидаги шахсларнинг ҳуқуқий онгига таъсир кўрсатиб, улар томонидан содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишнинг барча чора-тадбирлари криминологлар ва педагоглар томонидан ўрганилади. Педагогиканинг криминологияга ёки криминологиянинг педагогикага қандай алоқаси бор, деган савол туғилиши мумкин. Бу ўринда россиялик криминолог олим Г. А. Аванесовнинг қуйидаги фикри жуда ҳам тўғридир: «Тарбия» ва «жиноятнинг олдини олиш» тушунчаларини бири-биридан ажратиб бўлмайди. Тарбияга профилактик функция, профилактикага эса тарбиявий функция тааллуқлидир»¹.

¹ Аванесов Г. А. Введение в курс профилактики правонарушений. М., 1998. С. 460.

Профилактик педагогика – аслида педагогик тушунча бўлиб, криминология фани билан чамбарчас боғлиқдир. Шу билан бирга, у содир этилган жиноятларнинг сабаблари ва шароитларини тарбиявий нуқтаи назардан ўрганади.

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда касбий педагогиканинг аҳамияти унинг шакли ва усули билангина эмас, балки мақсад ва вазифаси билан ҳам боғлаб ўрганилади. Касбий педагогика фанидан олинган педагогик билимлар ички ишлар органлари ходимларининг жиноят ва унинг оқибатлари ҳақидаги билимларини бойитади, тартибга солади, ҳуқуқбузар қилмишининг оқибатини мантиқан ўйлаб кўришга мажбур қилади, шунингдек, ҳуқуқбузар шахсини қайта тарбиялаб, унинг фаолиятини ижобий томонга йўналтиради ва бошқаради.

Жиноятчиликнинг олдини олишда педагогиканинг шакл ва усуллари орасида энг самаралиси *ишонтириш* ва *мажбурлаш* усуллари дир. Ушбу фикр орқали биз тарбиянинг бошқа усуллари, яъни «*ўртак бўлиш*», «*рағбатлантириш*» усуллари инкор қилмоқчи ёки камситмоқчи эмасмиз. Юқорида айтилган барча усулларнинг ўз ўрни ва аҳамияти бор. Тарбиянинг ишонтириш усулига изоҳ беришнинг ҳожати бўлмаса-да, лекин мажбурлаш усулини «тарбиялаш» тушунчасига қарши қўймаслигимиз керак. Мажбурлаш усули орқали шахсларни қайта тарбиялаш, иккинчи марта шундай номаъқул, яъни қонунга зид ишларни содир қилмасликка чақириш билан бирга, уларни мажбур этиш ҳам зарур. Мажбурлаш шахснинг ички хоҳиш-истагини ташқи куч орқали синдиришдир.

Ички ишлар органлари ходимларининг профилактик таълимини ташкил этишнинг бир қанча шакллари мавжуд бўлиб, бундай таълим махсус ташкил этилади, масалан, қонунбузарликнинг олдини олиш – тингловчиларни фақат ҳуқуқий билимлар билангина қурооллантириш эмас, балки шахсларга ҳуқуқни амалий фаолиятда қўллашни ҳам ўргатишдир. Бу эса, ўз навбатида, тингловчиларда ҳуқуқий

маданият ва амалий тажрибани шакллантиришнинг асосини ташкил этади¹. Профилактик таълимни ташкил этишда амалий машғулотларни ички ишлар органларининг ходимлари орасида комплекс равишда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ички ишлар органларининг ходимлари ўзларининг тарбиявий профилактик фаолиятини икки йўл билан олиб борадилар. Биринчиси – профилактик йўл бўлса, иккинчиси – шахсларни қайта тарбиялаш. Биринчи тарбия усули иккинчисига нисбатан бироз енгилроқ ва қулайроқ бўлса ҳам, бари бир ўзига яраша қийинчилиги бор. Бу иккала тарбия усулини қўллашда ходимлар тарбия субъекти сифатида меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари ва маҳалла қўмиталари эътиборини ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларга жалб қила олишлари шарт. Бундай ҳамкорлик ўзаро келишув ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш асосида амалга оширилади.

Ички ишлар органлари ходимларининг тарбиявий фаолиятида объект билан бўладиган педагогик муомала нечоғли муҳим эканлигини эсдан чиқармаслик керак. Ички ишлар органлари ходимлари муомалада бир хилликка, расмийчиликка вақтинчалик чек қўйишлари керак бўлади. Чунки ҳар бир шахс ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, уларнинг ҳар бирига тарбия ишида алоҳида ёндашиш талаб қилинади. Агар ходим шундай йўл тутмаса, унинг ишида шахсларга ижобий таъсир этиш даражаси пасаяди.

Кўпгина ички ишлар органлари ходимларининг профилактик таълим, тарбиявий ишлар борасида ўзларининг устида ишламасликлари ачинарли ҳолдир. Бу ўринда А. И. Алексеевнинг ички ишлар органларининг ходимлари аҳоли ўртасидаги чиқишларига яхши

¹ Қаранг: *Ақромов И.* Ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимларининг ҳуқуқий маълумоти ва маданияти // *Ҳуқуқ–Право–Law.* 1999. № 3. 67-бет.

тайёрланмасликларини, аудиториянинг ўзига хослигини ҳисобга олмасликларини, энг асосийси – улар ўқийдиган маърузаларда бир хиллик мавжуд эканлиги ҳақидаги танқидини эшлаш лозим¹. Аҳоли ўртасида бундай чиқишларни қилиш ички ишлар органлари ходимларининг обрўсига путур етказди. Улар ўзларининг нутқларини янги, қизиқарли маълумотларга асосланиб ташкил этишлари керак, шундагина қўйган мақсадларига эришадилар ва уларни тинглаётган аудиторияга керакли билимларни етказиб бериш ҳам осон бўлади.

Шахсни тарбиялаш қонунни тўғри тушуниш, жамоат тартибини сақлашга уларнинг муносабатини тўғри шакллантиришга қаратилган. Шахслар орасида профилактик тадбирларни фақат ички ишлар органларининг ходимларигина ишонтириш усули орқали олиб борадилар. Ички ишлар органларининг ходимлари профилактик таълим ишларини ташкил этишда якка тартибдаги таъсир этишни ишларнинг энг таъсирчани, деб ҳисоблайдилар. Чунки ҳар бир тингловчи ўзи хоҳлаган саволини кўпчилик олдида бера олмаслиги мумкин, шахс тарбиячи билан яккама-якка қолганда эса истаган саволини тортинмасдан бериши, қизиқишлари ҳақида гапириши мумкин.

Профилактик таълим ишларини олиб боришда қўлланиладиган яна бир муҳим усул тушунтириш усули бўлиб, унда таълим ишлари кўргазмали ҳамда техник воситалар орқали амалга оширилади. Бундай тарбиявий ишларни олиб боришда суҳбат, савол-жавоб шаклларида фойдаланиш кўпроқ ижобий натижалар беради. Профилактик таълимда оммалашган ва кўпроқ қўлланиладиган усул – эслатиш усулидир. Бу усулнинг моҳияти воқеа-ҳодисани тарбияланаётган шахснинг хотирасида қайта тиклаш. Эшлаш усулида салбий мазмунга

¹ Қаранг: *Алексеев А. И.* Педагогические основы предупреждения преступлений органами внутренних дел. М., 1984. С. 28.

эга бўлган ишларни қайта эсга солиш жуда ҳам тўғри бўлмайди.

Ички ишлар органларининг ходимлари ҳам ўз фаолиятида таълим ва тарбияга диалектик жараён сифатида қарасалар, айна муддао бўлар эди. Чунки профилактик таълим ва унинг усуллари доимо шаклланиш жараёнида бўлади. Бошқача айганда, тарбиянинг тайёр рецепти йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, тарбиянинг усуллари ва методикасигина мавжуд бўлиб, улар мақсадга эришишда ёрдам беради.

Ички ишлар органларининг ходимлари профилактик таълимни ташкил этишда аҳоли орасида суҳбат, очиқ чиқишларни ташкил қиладилар. Мулоқот аниқ ижтимоий вазиятда содир этилади ва бунда нутқ асосий қурол бўлиб хизмат қилади. Профилактик таълимни амалга оширувчи шахс аудитория олдидаги чиқишларини маълум далилларга асосланиб, ўзи яшаб турган муҳит ва вазиятдан келиб чиққан ҳолда ташкил этади ва бундан кейинги чиқишларида аудиторияни нималар қизиқтиради, нималарга кўпроқ эътибор бериш кераклигини аниқлаб олади. Профилактик таълим-тарбия ишларини олиб боришда, айниқса, аудитория олдида очиқ чиқиш қилинганда, тингловчи билан маърузачилар ўртасида боғланиш, яъни жонли мулоқот юзага келади. Ҳар қандай жонли мулоқотда аниқ мақсад бўлиб, бу мақсадда ҳуқуқий тарбиянинг элементлари мавжуддир.

Профилактик таълимнинг яна бир ўзига хослиги шундан иборатки, бу таълим оғзаки тарғибот ва ташвиқот, ҳуқуқий ўқув ишларини ташкил этишга асосланади. Аудиториядаги шахслар, асосан маъруза эшитиш, суҳбат қилиш учун келган бўладилар ва ўзларига зарур ҳуқуқий билимларни ички ишлар органларининг ходимлари, суд, прокуратура вакиллари оладилар.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Таълимнинг тизими, усуллари, мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Профилактик фаолиятда таълимнинг қандай шакл ва усулларидан фойдаланилади?
3. Профилактик вазифаларни ҳал қилишда ҳуқуқий тарғиботнинг аҳамияти нимада?
4. Таълимнинг усуллари таснифлаб беринг.

IV боб. ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАРҒИБОТ

Фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш ва ҳуқуқий тарғиботнинг педагогик асослари

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини мустаҳкамлашнинг асосларидан бири аҳолини ҳуқуқий жиҳатдан саводли қилиш, ҳуқуқий онгни шакллантиришдек энг долзарб муаммоларни ҳал қилишдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданият даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамотчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги (1997 йил 25 июнь) фармониға кўра, ҳокимият ва ички ишлар органларининг юқори малакали ҳуқуқшунос кадрларға бўлган эҳтиёжини қондириш, замонавий билимлар асосида ҳуқуқшунос ходимларнинг касбий тайёргарлигини ҳамда уларни қайта тайёрлашни тубдан яхшилаш, шунингдек, ҳуқуқшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг савиясини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолиға етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида»ги (1997 йил 22 июль) қарори аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда муҳим қадам ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» бугунги кунда айна вақтда қабул қилинган деб ҳисоблаймиз, у аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришга қаратилгандир. Шахсни ҳуқуқий тарбиялаш муаммоси бир қанча фанларнинг, масалан, криминология, жиноий жазони ижро этиш психологияси ва, ниҳоят, касбий педагогика фанининг ўрганиш объекти ҳисобланади. Ҳуқуқий тарбияга шундай таъриф беришимиз мумкин: фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш бу – қонунни билиш, ҳурмат қилиш, бошқалардан ҳам қонунга риоя қилиб яшашни талаб қилувчи шахсларни тарбиялаш. Академик Ш. Ўразаевнинг фикрича, барча фуқароларни капитал қурилиш қонунлари, Молия вазирлигининг кўрсатмалари, ўрмон, тоғ қонунлари билан таништириш шарт эмас, энг асосийси, ҳуқуқий хабар бериш хизматини яхши йўлга қўйиш керак¹.

Ҳуқуқий тарбия ўзининг моҳиятига кўра, махсус ташкил этилган бўлиши мумкин, иккинчи томондан эса, шахснинг ўзи ҳуқуқий билимларини мустақил таълим ва мустақил иш фаолиятида, энг асосийси, ҳаётий тажрибалари асосида бойитиб бориши мумкин. Махсус ташкил этилган ҳуқуқий-тарбиявий жараён шахсларнинг ҳуқуқий фаолиятини бир мақсадга йўналтиради.

Ҳуқуқий тарбиянинг асосида қонунга риоя қилиб яшаш, уни ҳурмат қилиш, шахсда ҳуқуқий маданиятни шакллантиришдек муҳим вазифа ётибди. Ҳуқуқий тарбия асосан ҳуқуқий тарғиботга, ҳуқуқий хабарга суянган ҳолда шаклланади. Ҳуқуқий тарбия оила, боғча, мактаб, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ҳамда ишлаб чиқариш жамоаларида шакллантирилиб борилади. Ҳуқуқий тарбияни махсус ҳуқуқий билимларга эга бўлган шахслар, яъни

¹ Қаранг: *Уразаев Ш. З.* Перестройка и правовая культура. Т., 1988. С. 42.

хуқуқшунос назариячилар, амалиётдаги хуқуқни муҳофаза қилувчи шахслар олиб борсалар, мақсадга мувофиқ бўлади. Хуқуқий тарғиботнинг асосида хуқуқий тарбиянинг элементлари мавжуд.

Шахсларни хуқуқий тарбиялаш фаолияти ва унинг самарадорлигини ошириш методикаси қуйидагича олиб борилади:

– ички ишлар органлари ходимларининг хуқуқий ўқув-тарбиявий жараёни ташкил қилишларининг шакл ва усулларини аниқ белгилаш орқали;

– ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маҳоратини илмий асосда такомиллаштириб бориш орқали.

Шахсларни хуқуқий жиҳатдан тарбиялашда ички ишлар органларининг ходимлари учун педагогик жараённинг объекти, предметдан ташқари, унинг категорияларини билиш ҳам фойдадан холи эмас.

Ички ишлар органлари фаолиятидаги педагогик жараённинг мақсад ва вазифалари ҳақида гапирилганда, хуқуқий тарбиядаги педагогик жараён нима, деган савол туғилади. Хуқуқий тарбиянинг педагогик жараёни тарбиянинг барча категориялари йиғиндисидир.

Хуқуқий тарбиянинг кенг ва тор маъноларда тушунилишини айтиб ўтган эдик. Кенг маънодаги хуқуқий тарбия шахснинг оилада ва боғчада билим олиши, ўқиши, ўзининг хуқуқий билимларини мустақил бойитиши, умуман, ўз устида мустақил ишлаши орқали олинадиган хуқуқий билимларининг йиғиндисидир.

Тор маънодаги хуқуқий тарбия шахснинг юридик ўқув юртларида оладиган хуқуқий билимларининг йиғиндисини билдиради. Хуқуқий тарбия – шахснинг бир мақсад йўлида, онгли равишда жамият тараққиёти ва сиёсатидан келиб чиқиб, олиб борадиган тизимлашган ижобий фаолияти. Шахснинг ўзини ўзи хуқуқий тарбиялаши онгли равишда, бир мақсад йўлида, ўз феъл-атворида ижобий хуқуқий йўналишни шакллантиришидир. Бу ижобийлик давлат

томонидан белгилаб қўйилган қонун-қоидаларга зид бўлмаслиги, энг асосийси, ахлоқ нормаларидан четга чиқмаслиги керак. Бу билан шахс ўзининг хатти-ҳаракатларини бошқара олиши мумкин, деб тушунмоқ лозим. Шарқ халқларининг ҳаётида шундай ижтимоий омиллар мавжудки, улар шахснинг турмуш тарзини тартибга солади, уни бошқаради, булар – жамоатчилик фикри, анъаналар, миш-миш гаплар, «мода», гуруҳлараро ва шахслараро муносабатлардир. Шахсларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тарбияланишида ҳуқуқий онг муҳим аҳамият касб этади, чунки ҳар қандай ҳуқуқий тарбиянинг асосида шахснинг ҳуқуқий онги ётади, бу ҳуқуқий онгнинг тўғри шакланиши, шахсларнинг ахлоқи ва руҳиятига ҳуқуқий педагогик таъсир кўрсатади. Бу омилларда шахсларнинг қанчалик тарбия кўрганлиги билинади ва бунда шахснинг тарбияга мойиллиги бор-йўқлигини аниқлаш мумкин бўлади.

Ҳуқуқий тарғибот ва таълим ишларини олиб боришда ички ишлар органларининг ходимлари, айниқса, профилактика нозирлари қўйидаги омилларни ҳисобга олишлари керак:

1) профилактика нозирлари ўзларининг ҳудудларида ҳуқуқбузарликларнинг аҳволи қай даражада эканлигини билиб, шундан кейингина аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ва тарбия ишларини олиб боришлари;

2) жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашишда фуқароларнинг қай даражада фаоллиги ва бу ишга қанчалик ҳисса қўшаётганлиги билан қизиқиб, ўрганиб боришлари;

3) жинойий жазони ўтаб қайтган шахсларнинг қонунга қай даражада риоя қилиб яшаётганликларини аниқлаб, уларни ўз вақтида маъмурий назоратга олишлари;

4) фуқароларнинг аризаларини диққат билан ўрганиб чиқиб, тегишли чораларни кўриб боришлари;

5) янги, самарали қонунлар, қарорлар ва норматив ҳужжатларни ҳаётга ўз вақтида татбиқ эта билишлари;

6) ўз хизмат вазифаларини бажаришларида қонунга қатъий риоя қилишлари;

7) фуқаролар ўртасида ҳуқуқий мавзулардаги чиқишларида ўзларининг нотикликлари, нутқларининг равонлиги билан ажралиб туришлари лозим.

Лекин, шу билан бирга, аҳолининг яшаш, ишлаш ва дам олиш жойларида оператив вазиятга ва аҳолининг ҳуқуқий онгига таъсир қилувчи баъзи бир омиллар мавжуд, булар:

1) ўша ҳудудда яшовчи аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги ва умумий маданиятининг даражаси;

2) ўша ҳудудда жойлашган олий, ўрта махсус ўқув юртлари ва муассасаларида олиб бориладиган ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий тарбиянинг аҳволи;

3) ўша ҳудуддаги аҳолининг бўш вақтлари ва маданий дам олишининг қай даражада ташкил этилганлиги;

4) фуқароларнинг турли ижтимоий қатламлари билан ишлашда ҳуқуқий тарбиянинг кенг оммалашган усулларида қай даражада фойдаланилаётганлиги;

5) жамоат ташкилотларида, маданият муассасаларида уюштирилаётган ёки уюштирилган ҳуқуқий тарбия ва тарғибот тадбирларининг аҳволи;

6) ички ишлар органлари ходимларининг аҳолининг яшаш жойларида носоғлом оилалар ҳамда тарбияси қийин ёшлар билан ишлашлари ва улар билан яқка тартибдаги ишларни қай даражада йўлга қўйганликлари;

7) профилактика нозирлари муайян ҳуқуқбузарликка оид далиллар билан аҳоли орасида чиқишлар қилишлари ва бунда аҳоли ўртасидаги ҳуқуқбузарлик даражасини ҳисобга олишлари.

Профилактика нозири жинойт содир қилишда гумон қилинаётган шахсларнинг фаолияти билан қизиқиб, улар тўғрисида аҳолидан баъзи бир маълумотларни билиб беришни сўрайди. Шунда у гумон қилинувчиларнинг кимлар билан алоқада бўлиши, хулқ-атвори, уларнинг жинойт ҳақидаги хабарга муносабатларини билиб олиши мумкин.

Ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тарғибот муаммоларини ечиш бугунги кунда кўнгилдагидек кетяпти, деб айта олмаймиз. Айниқса, вояга етмаганлар ўртасида олиб бориладиган ҳуқуқий-тарбиявий ишларнинг сусайиб кетганлиги, ҳуқуқий тарбия ва тарғибот устидан назоратнинг бўшлиги, аҳолини ҳуқуқий билимлар билан таъминлаш етарли даражада олиб борилмаётганлиги учун ҳам мавжуд муаммолар қониқарли даражада ҳал этилмаётир.

Ёшларнинг кўплаб ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни содир этиш ҳоллари, айниқса, гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, диний ақидапарастлик ёки турли зарарли оқимлар, гуруҳлар таъсирига тушиб қолишлари каби салбий ҳолатлар ҳали ҳам учраб турибди. Бундай муаммолар ва камчиликларни бартараф этишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида таъкидланганидек, «вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини амалга ошириш, вояга етмаган ёшларнинг онгини, тафаккурини шакллантириш ва юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида маънавият ва маърифат ишларини жонлантириш»¹ – давр талабидир.

Ҳуқуқий тарбия орқали ҳар бир шахснинг ҳуқуқий онги ўсади ва ахлоқда ижобийлик юзага келади. Ҳар қандай ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий тарғибот миллий ғоя ва ғоявий-сиёсий тарбияга асосланади. Ички ишлар органлари ходимлари ўзларининг зиммаларидаги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий тарбия ишларини муваффақиятли амалга

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори // Халқ сўзи. 2000. 28 сент.

оширишлари, нафақат ходимларнинг юксак даражадаги ҳуқуқий билимлари, балки уларнинг ғоявий эътиқоди, уюшганлиги, интизоми, умумий юксак касбий тайёргарлик ҳолатлари билан ҳам боғлиқлигидан гувоҳлик беришини таъкидлайди У. Таджиханов¹.

Ҳуқуқий тарбия ишлари ҳеч қачон ҳуқуқий ахборотсиз олиб борилмайди, ҳуқуқий ахборот эса ҳуқуқий билимлар манбаига суянган ҳолда олиб борилади ва тарғиб қилинади. Ҳуқуқий тарғибот турли воситалар орқали амалга оширилади, шулардан ҳуқуқий билимлар тарғибот қилинадиган энг тез восита телевидение, радио ва матбуотдир. Ҳуқуқий тарғибот мазмунга бой бўлса, ҳеч қачон ўз кучини йўқотмайди. Аҳолининг ҳуқуқий онгига таъсир қилишда ҳуқуқий тарғибот янгидан-янги далилларга асосланса, унинг долзарблиги кучаяди. Телевидение бугунги кунда, нафақат ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда энг кучли қурол, балки барча янгиликларни аҳолига манзур бўладиган шаклда етказиб берадиган восита ҳамдир. Турли муаллифларнинг ҳуқуқий тарғиботга турлича ёндашувларини илмий таҳлил этиб, ҳуқуқий тарғибот оммавий-мафкуравий ишнинг муайян туридан иборат, деган хулосага келиш мумкин.

Ҳуқуқий тарғибот учта – оғзаки, ёзма, кўргазмали йўналишларда олиб борилади. Учала йўналиш ҳам ҳам бир-бирини мазмунан бойитади ва тўлдиради. Ҳуқуқий тарғибот ишлари шахсларнинг ҳуқуқий билимларга бўлган қизиқишларини ўрганган ҳолда олиб борилади, баъзида шундай ҳуқуқий нормалар мавжуд бўладигани, бу нормалар аҳолининг ҳуқуқий онгига оммавий равишда етказилади. Бундай тарғибот ишлари ўзининг олдида кимларнидир доим ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашни мақсад қилиб қўймайди, балки ҳуқуқий билимларни фуқароларнинг барча

¹ Қаранг: *Таджиханов У.* Ички ишлар идоралари фаолиятида ҳуқуқий маданият ва қонунга итоатгўйлик. Т., 1995. 78-бет.

катламлари ўртасида тарғиб қилиш билан бирга уларнинг ҳуқуқий ҳиссиётига ҳам таъсир қилади.

Ҳуқуқий тарғиботни олиб боришда давлат қўллаб-қувватламаса, бу ишни тўлиқ амалга ошириш қийин. Давлатимиз мустақилликка эришгандан кейин ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришга катта эътибор берилди. Бу борада давлат тилидаги адабиётлар кам эди. Ҳозирги кунга келиб бундай ҳуқуқий адабиётлар ҳам етарли, аҳолининг ҳуқуқий билимларга қизиқиши ҳам ошиб бормоқда. Ҳуқуқий тарғиботни олиб боришда мазмун жуда муҳим ҳисобланади, мазмун орқали шахс ўз олдига қўйган мақсадига эришади. Ҳар қандай ҳуқуқий тарғиботнинг самарасини ҳуқуқий тарғиботнинг мазмуни белгилайди.

Ҳуқуқий тарғибот ишлари оммавий равишда, якка тартибда ва гуруҳлар ўртасида ташкил этилади. Оммавий шаклдаги тарғибот аҳолининг барча табақаларига бир хил усулда таъсир этади, аудиториядаги шахсларнинг жинси ва ёши ҳисобга олинмайди. Аудиториянинг ҳуқуқий хабарни қандай қабул қилиши маърузачининг нотиклик санъатига, далилларни жойига қўйиб ишлатиши, ҳуқуқий саводхонлиги ва тайёргарлигига кўпроқ боғлиқ бўлади. Тингловчи шахслар ҳуқуқий хабарни ўзларининг яшаш, турмуш тарзидан келиб чиқиб қабул қиладилар. Аудиторияда ўтирган турли табақадаги шахслар олдидан жонли чиқиш қилиш ҳар қандай ҳуқуқшуноснинг қўлидан келавермайди, нотик нотўғри чиқиш қилса ёки сал нотўғри ҳуқуқий хабар берса, албатта, аудиторияда акс-садо юзага келади, нотикни аудиториядан ҳайдаб чиқариш ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин, амалиётда, ижтимоий турмуш тарзимизда бундай ҳолатлар ҳам учраб туради.

Гуруҳлар ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ўзининг моҳиятига кўра, оммавий-ҳуқуқий тарғиботдан фарқ қилади, чунки гуруҳлар ўртасидаги ҳуқуқий тарғиботда аудиториядаги шахслар маърузачига бемалол, тортинмай савол беришлари мумкин, шунингдек, аудиториядаги шахсларни

мунозарага ундаш, маърузачининг дунёқарашини уларнинг дунёқараши билан таққослаш мумкин. Гуруҳлар ўртасида олиб бориладиган ҳуқуқий тарғиботнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, бу гуруҳларга ҳуқуқий билимларга қизиқишлари бир хил бўлган шахслар йиғилиши мумкин. Масалан, жиноий жазони ижро этиш жойларидаги шахслар гуруҳ-гуруҳга бўлиниб олишлари ва бир гуруҳнинг иккинчи бир гуруҳ билан дунёқарашлари тўғри келмаслиги оқибатида содир этиладиган жиноятларнинг олди олиниши мумкин.

Шахслар ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини ҳуқуқшунослар, тарбиячилар, маҳалла оқсоқоллари, участка нозирлари олиб борадилар.

Ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда ички ишлар органларининг ходимлари, айниқса, профилактика нозирлари ўз ҳудудларидаги қонунбузар шахслар билан ишлашда ҳуқуқий тарбиянинг бир бўлаги ҳисобланган якка тартибдаги тарбияга эътиборни кўпроқ қаратадилар. Ички ишлар органларининг ходимлари ҳуқуқбузарликни содир этишдаги гуруҳ етакчиларини аниқлаш, қонунбузарга саволлар бериб, уларни мантиқан иложсиз ҳолатга солиб қўйиш хислатига эга бўлишлари керак. Профилактика ноziри ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий тарбия ишларини олиб бораётганда фақат шахслардаги салбий хислатларнигина эмас, балки улардаги мавжуд ижобий хислатларни ҳам кўра олиши керак.

Шахслар ўртасида якка тартибда ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш икки йўл билан амалга оширилади:

1) бевосита ҳуқуқий тарғибот ишлари ташкил этилади, бунда тарғиботчи субъект атайлаб, махсус ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боради, бундай ишларни амалга оширишда психологик алоқа ва зиддиятли ҳолатларга дуч келади;

2) ҳуқуқий тарғибот ишлари билвосита олиб борилади, масалан, ҳаётий воқеа-ҳодисаларни гапириб бериш орқали шахсларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялайди, ички ишлар

органларининг ходимлари ҳудудида содир этилган ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар ва уларнинг оқибатлари нималарга олиб келганлиги ҳақида гапириб, тушунтириб бериш орқали ҳар бир шахснинг ҳуқуқий онгига таъсир этиши мумкин.

Муомала усули орқали олиб бориладиган ҳуқуқий тарғибот субъект шахснинг нутқи, билим даражаси ва муомала жараёнида қўллайдиган ҳуқуқий атамалар ва уларга қандай изоҳ беришига ҳам боғлиқ бўлади.

Ҳуқуқий тарбия ва тарғиботни якка тартибда олиб боришда нозирга тушган аризалар ҳам ўзига хос хабар манбаи ҳисобланади. Чунки оиласида тинчлик бўлган шахслар, агар ўз оиласи, қўни-қўшнисидан кўнгли тўқ бўлса, ҳеч бир вақт профилактика нозирига шикоят билан мурожаат қилмайдилар.

Якка тартибда ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда профилактика нозирга қуйидаги омиллар туртки бўлиши мумкин: оилаларда қайноналар ва келинлар ўртасида жанжаллар содир бўлганда, эрнинг хотинга ёки хотиннинг эрга рашки кучли бўлганда, оилалардаги яшаш жойларининг торлиги ва ҳоказо. Бундай ҳолларда фуқаролар ўртасида оила ҳуқуқи бўйича ҳуқуқий билимлар тарғибот қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда ички ишлар органлари ходимларининг педагогик тайёргарлигини тахминан икки тоифага бўлиб ўрганса бўлади:

1) ички ишлар органларининг касбий баркамол, ўз ишини яхши биладиган, касбий фаолияти жараёнида ўзларининг билимларини мустаҳкамлаб борадиган ходимлари;

2) ички ишлар органларининг иқтидорли ходимлари ўзларининг ишларини яхши биладилар, ҳар қандай фавқулодда ҳолатларга, вазиятларга ҳам тайёр турадилар. Уларнинг ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий-тарбиявий ишларида мунтазамлик, чуқур маъно мавжуд.

Ҳозирги кунда ички ишлар органларининг кўпгина ходимлари ўзларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширмай, ўз устларида ишламай қўйдилар. Ҳуқуқий билимларини ошириш устида мунтазам равишда ишлаб борадиган ходимлар кам учрамоқда, кўпчилик ички ишлар органларининг ходимлари эски ҳуқуқий билимлари билан қаноатланиб қолмоқдалар. Бундай аҳвол эса ҳар қандай ҳуқуқий тарғибот ва тарбия ишларининг орқага кетишига олиб келади, десак адашмаймиз.

Ҳуқуқий тарғибот ва тарбия ишлари қачон ўз самарасини беради? Жойларда ҳуқуқбузарликлар камайса ва аҳоли ҳуқуқ нормаларига риоя қилиб яшаса, бу ишдаги самара кўринади.

Ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришда ички ишлар органларининг ходимлари учун ишонтириш усули энг кучли ва энг катта қурол. Ишонтириш усули касбий педагогикада ўзига хосликка эга, масалан, шахслар психологиясига таъсир этиш. Бу усулнинг энг асосий мезони ҳисобланади, шахс тарбиявий ишларни олиб боришда бу тарбиявий ишларнинг натижасини кўра билиши керак, агар тарбиявий ишларнинг натижаси кўринмас экан, тарбиявий фаолиятнинг ҳеч қандай самараси бўлмайд.

Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маданиятини шакллантириш асослари

Ички ишлар органларининг ходимларига ҳам, бошқа касб эгалари сингари, педагогик маданият хос. Уларда педагогик маданиятни шакллантириш ўз-ўзидан юзага келадиган, шаклландиган жараён эмас. Педагогик маданият ички ишлар органларининг ходимларида аста-секинлик билан, уларнинг бутун фаолияти давомида шаклланиб боради. Нега уларда айнан педагогик маданият шаклланиши керак, деган савол туғилиши мумкин. Чунки ички ишлар органлари ходимларининг вазифаси нафақат жиноятларнинг олдини

олиш, жинойтчиликка қарши курашиш, балки барча табақадаги шахсларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш ва ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боришдан ҳам иборатдир. Педагогик маданият ўзининг моҳиятига кўра, тарбияни ҳам қамраб олади, чунки маданиятсизлик педагогикадан узоқлашганлик демак.

Ички ишлар органларининг ходимлари барча табақадаги шахслар орасида ҳуқуқий тарбия ва тарғибот ишларини олиб бориш билан бирга, ўзларининг педагогик маданиятини шакллантириб, педагогик маҳоратини ошириб борадилар.

Оддий халқ вакиллари орасида ички ишлар органлари ходимларининг жуда кўпол бўлиб кетганликлари, муомала маданиятининг пастлиги ҳақидаги гапларни кўп маротаба эшитганмиз, албатта, бу гаплардан ички ишлар органларининг барча ходимларида шундай камчилик мавжуд деб айтишга ҳаққимиз йўқ. Лекин ички ишлар органларининг амалиётдаги баъзи бир ходимларида худди шундай камчиликлар мавжуд, масалан, маҳкумларнинг жинсий жазони ижро этиш жойларида хизмат қилувчилар, жинойт қидирув бўлимларида фаолият олиб борувчи ходимлар, ахён-ахёнда давлат автомобиль назоратининг ходимлари ва профилактика нозирлари, пост-патруль хизмати ходимларининг орасида бундай камчилиги борлар ҳам учраб туради.

Оддий халқ милиция ходимларини ўзларининг ҳимоячилари, ҳуқуқий тарғиботчилари деб тушунишлари керак, лекин ҳаётда эса бунинг аксини кўпроқ кўрамиз. Дейлик, боғчадан боласини олиб келаётган она, боласининг хархашасига кўтара олмай, ўша жойда қаёққадир ўтиб кетаётган милиция ходимининг орқасидан бармоғи билан кўрсатиб: «Яна йиғласанг, милицияга бериб юбораман», деб кўрқитишининг бир неча марта гувоҳи бўлганман, бундай оналар фарзандларига милиция ходими ҳақида нотўғри

тушунча беришлари туфайли тарбияланаётган фарзандда милиция ходимиغا нисбатан салбий муносабат шаклланади.

Ота-оналаримиз фарзандларига милиция ходимларини ўзларининг ҳимоячилари, ҳуқуқ тарғиботчилари, деб тушунтириш ўрнига, «милиция ходими» тушунчаси билан боланинг психикасига қўрқувни киритади, кейинчалик бола катта бўлиб, балоғат ёшига етганда ҳам милиция ходимини кўрганда, қўрқув ҳисси билан юриши мумкин. Бундай мисолни келтиришдан мақсад ўша она ёки отанинг ўзида ҳуқуқий маданият пастлигини таъкидлашдан иборат.

Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маданияти шакланмас экан, касбий маҳорати ҳам ошмайди. Бу ўринда педагогик маҳорат соҳасида кўп йиллардан бери изланишлар олиб борган таниқли олим Ю. П. Азаровнинг фикрини эслаш жоиз, унинг айтишича, ҳар бир касб эгаси ўзида касбий маҳоратни шакллантириши зарур, касбий маҳорат шакланмаса, у доимо ўз ишидан ва унинг натижаларидан қониқмай юради, ўзи ишлаётган лавозимдан ҳайдаб юборишларидан қўрқади.

Ички ишлар органларининг ходимларидаги касбий педагогик маданият, аслини олганда, улар шу касбга қадам қўйган кундан бошлаб шаклланади, лекин ҳамма ходимларда ҳам педагогик маданият шакланган ёки шаклланади, деб айта олмаймиз. Кимда касбий педагогик маданият элементлари шакланмаган бўлса, ҳар хил ҳаётий тўсиқлар, фавқулодда вазиятларга тушиб қолганида ўзини йўқотиб қўйиб, турли сабаблар ва баҳоналар билан ишдан ҳайдалиб ёки бошқа жазоларга маҳкум бўлмоқда.

Ички ишлар органларининг ходимларида қандай касбий хислатлар шакланган бўлиши керак, деган савол туғилади. Уларда ҳам барча инсонларга хос хислатлар бўлиши табиий, лекин ўз касбининг моҳиятидан келиб чиқиб, улар, энг аввало, ҳуқуқшунос, халқ ҳимоячиси ва ҳуқуқий тарғиботчи, ҳуқуқий тарбиячи ҳамда маданияти юқори касб эгаси эканлиги билан ҳам ажралиб туришлари керак.

Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маданиятига қўйилган талаблар ҳақида гап кетар экан, У.Таджихановнинг «Ички ишлар идораларининг барча ходимлари адолатпарвар демократик ҳуқуқий давлатни бунёд этишга, инсон манфаатларини олий қадрият сифатида ҳимоя қилишга сафарбар қилган бугунги кунда «Касб одобномаси» уларнинг ўзига хос ахлоқ кодекси ҳисобланади»¹, деган фикрини эслаш жоиз.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий педагогик маданиятини шакллантириш муаммоси, биринчи бўлиб, ҳуқуқий маданият назарияси, ички ишлар органлари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти, касбий психология фанлари билан чамбарчас боғлиқ.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий педагогик маданиятини шакллантиришда «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг касб одобномаси» муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг 446-сонли буйруғига ҳар бир ходимнинг қатъий риоя қилиши лозим бўлиб, бу буйруқ ходимларнинг касбий фаолиятини тартибга солиб туришга ёрдам беради.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий педагогик маданиятини белгиловчи омиллардан бири ва асосийси – бу қонунга ҳурмат ҳиссини шакллантиришдан иборатдир. Ички ишлар ходимларининг педагогик маданиятини белгилайдиган ҳужжатларда, шунингдек, ходимларнинг хизмат фаолиятига тааллуқли ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам ўз аксини топган бўлади.

Ички ишлар органлари ходимларининг касбий педагогик маданияти, ўз навбатида, муомала маданиятини ҳам ўз ичига олади. Ички ишлар органларининг ходимлари ўз

¹ *Таджиханов У.* Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти – мустақил ўқув фани // *Муҳаммадиев. Н.* Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти. Т., 1998. 5-бет.

хизмат вазифаларини бажариш вақтида аҳолининг турли табақалари билан бевосита муомалада бўладилар, чунки муомала – бу бир шахснинг ички дунёсини очишда ва ҳиссиётларини ўзининг тили орқали бошқа бир шахсга етказиб бериш жараёнида намоён бўладиган ҳодиса.

Ички ишлар органлари ходимларининг аҳоли билан бўладиган муомалалари ҳам ўзининг объекти ва предметига эга. «Уларнинг муомаладаги объектларини қуйидагилар ташкил этади: – деб ёзади Н. Муҳаммадиев, – фуқароларнинг эркинлигига, қадр-қимматига, ҳаётига ва мулкига, шунингдек, давлат ва жамоат мулкларига тажовуз қилган шахслар, корхоналар, муассасаларнинг, ташкилотларнинг меҳнат ва молия интизомини бузган бошлиқлари ва мансабдор шахслари; қонун ва ҳуқуқ тарғиботини бузишга мойил бўлган ва қаровсиз қолган оилалар; жабрланувчилар, гувоҳлар, холислар, тартиб-интизомни бузган жиноятчилар; жиноятларнинг олдини олиш ва очишга сидқидилдан ёрдам берувчи шахслар; қонунбузарликка алоқаси йўқ, аммо ўзларининг шахсий юмушлари билан, яъни паспорт, ҳайдовчилик гувоҳномаси ёки чет элга чиқиш учун рухсатнома олиш юзасидан муурожаат қилганлар»¹.

Ички ишлар органларининг ходимлари ўз педагогик маданиятини шакллантиришда маданиятнинг барча турларини, айниқса, ўзларидаги ички ва ташқи маданиятнинг уйғунлиги ва муштараклигини таъминласаларгина, олдиларига қўйган мақсадларига эришишлари осон бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлари идоралари ходимларининг касб одобномасида: «Ички ишлар идоралари ходими юксак маданият соҳибидир»², –

¹ Муҳаммадиев Н. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти. Т., 1998. 135-бет.

² Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг

дейилган. Бундай юксак маданиятлилик кўриниши шахснинг касбий педагогик маданиятида намоён бўлади.

Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маҳоратини шакллантириш ўз-ўзидан юзага келадиган жараён эмас, бунинг учун маълум вақт, билим, дунёқарашга эга бўлиш, қолаверса, шахснинг қандай оилада тарбиялангани ҳам муҳим ҳисобланади. Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маданиятини шакллантириш – ҳуқуқий нормаларга нисбатан ҳурмат, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини муҳофаза этиш билан боғлиқ ижтимоий фойдали омилдир.

Касбий педагогик маданият ходимлар ҳуқуқий манфаатларини рўйбга чиқаришнинг ички манбаигина бўлиб қолмай, балки уларнинг ҳуқуқий билимлари даражасининг ҳам ўзига хос мезони ҳисобланади, десак адашмаймиз.

Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маданиятига педагогик жараён сифатида қаралади ва бу жараённи амалга оширишда эса ўзаро ҳамкорлик элементлари мавжуд, улар – «тарбиявий таъсир этиш субъектлари», «тарбиявий таъсир этишнинг мазмуни», «таъсир этиш усуллари, шакллари» ва «таъсир этиш объекти». Айтиб ўтилган тушунчалар ва атамаларни бири-биридан ажратиб бўлмаслиги туфайли, уларга бир бутун жараён сифатида қарашга тўғри келади. Бу атамалардан биронтаси йўқ бўлса ёки ишламай қолса, у ҳолда тарбиядаги «занжир» узилади ва натижада педагогик маданият асослари бузилади. Лекин ички ишлар органлари ходимлари педагогик маданиятининг самарали шаклланишида ҳар бир таъсир этиш субъектларининг иштироки бир хил эмаслиги кўринади. Масалан, педагогик маданиятнинг шаклланишида ички ишлар органларининг ходимларига ҳам ҳар бир аудиторияга дифференциал ва

индивидуал ёндашиш ҳамда шахсларга ижобий таъсир этиш муҳим ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маданиятининг шаклланишида уларнинг педагогик қобилиятлари ҳам ҳисобга олинади. Ички ишлар органлари ходимининг педагогик қобилияти объект ва субъектнинг доимо бир-бирининг педагогик фаолиятини тўлдириб бориши билан белгиланади, чунки объект ҳисобланган аудиторияда шахслар субъект ҳисобланган ички ишлар органларининг ходимларини доимо ўз устида педагогик жиҳатдан ишлашга мажбур этадилар. Бу эса, ўз навбатида, муомала маданиятининг шаклланишига олиб келади. Ички ишлар органларининг ходимлари тарбия жараёнида қўллайдиган барча воситаларнинг мақсади битта нарсага, яъни комил инсонни шакллантиришга қаратилиши керак.

Ички ишлар органлари ходимлари педагогик маданиятининг шаклланишига уларнинг оммавий аудиторияларда маърузалар ўқишлари, маърузаларининг ҳаёт билан нечоғли боғлиқлиги, далилларнинг тўғри-нотўғрилиги ёки ноўрин ишлатилаётгани, техник воситалардан тўғри ва ўз ўрнида фойдалана билишлари ҳам таъсир этади. Педагогик маданият ёки педагогик маҳоратнинг шаклланишида, авваламбор, миллий мафкура ўзига хос ўрин эгаллайди, чунки миллий ғоя ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятини тартибга солишга ёрдам беради ва мавжуд кучларни бирлаштиради.

Шахслар педагогик маданиятининг шаклланишига ижобий таъсир қиладиган субъектлар тизими мавжуд бўлиб – булар: ички ишлар органларининг ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш жамоалари, яъни ҳар бири алоҳида олинган махсус муассасалар. Уларнинг ҳам ўз таъсир этиш шакллари ва усуллари мавжуд.

Субъектларнинг фаолияти ҳам, ўз навбатида, иккига бўлинади: шахсларга махсус педагогик таъсир этиш

ишларини олиб борадиган муассасалар, шахсларга билвосита педагогик таъсир этадиган муассасалар.

Педагогик таъсир этиш маҳорати ҳақида гап кетганда, педагогик маҳоратнинг ўзи нималардан ташкил топади, бу муаммони муваффақиятли ҳал этишда субъект ҳисобланган шахсга қандай билимлар, тажрибалар ва махсус техник воситалар керак, деган саволлар туғилиши мумкин.

Педагогикадаги таъсир этиш методларига қуйидагилар киради: шахслардан талаб қилиш, илтимос қилиш, уларни жазолаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш. Педагогикада шахсларга таъсир этиш доимо ўзига хос жиҳатларга эга.

Ҳуқуқий тарбия тарбиявий фаолиятнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади, чунки жамият учун иқтисодиёт ва сиёсат қанчалик зарур бўлса, маънавиятнинг таркибий қисми ҳисобланган таълим- тарбия, айниқса, ҳуқуқий тарбия ҳам шунчалик зарурдир.

Таълим-тарбия ишларини педагогик маҳорат билан олиб бориш жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Жамият ва давлат манфаатларидан келиб чиқиш бу – шахсларни Ватанга садоқатли, бир-бирларига меҳр-оқибатли қилиб ўстиришдан, уларнинг маданиятини шакллантиришдан, миллий истиқлол ғоясига содиқлик руҳида тарбиялашдан иборат.

Касбий педагогикада шахсларни ҳуқуқий тарбиялаш алоҳида муаммо сифатида ўрганилмоқда ва бу соҳада илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ҳар бир шахсни тарбиялаш ўзига хос маҳоратни, билимни талаб қилади. Шахс тарбиясига якка ҳолда ёндашиш бугунги кун талабидир.

Шахснинг педагогик маҳоратини шакллантиришда қўлланиладиган усуллар турмушдан ва ҳаётдан олинган. Бу усулларни ички ишлар органларининг ходимлари шахсларни, фуқароларни тарбиялаш учун ўзларининг

амалий фаолиятида қўллайдилар. Кўп ҳолларда шахсларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тарбиянинг энг яхши усулларидан бири бўлади, аммо айримлар буни унчалик тўғри фикр эмас, деб ҳисоблайдилар. Тарбияда комплекс ёндашувни қўллаш билиш керак.

Таълим-тарбия олиб борувчи ички ишлар органининг ходими педагогик таъсир этишда объектдан аниқ бир ҳаракатлар қилишни талаб этади. Бу жараёнда шахснинг хатти-ҳаракатлари ва унга таъсир этиш натижасида юзага келадиган ижобий хатти-ҳаракатлар муҳим ҳисобланади, шунинг учун ҳам ички ишлар органлари ходимларида педагогик маҳоратнинг шаклланиши ниҳоятда муҳимдир. Бу ўринда, педагогик маҳоратнинг қандай элементлари мавжуд ва улар нималардан ташкил топади, деган саволларнинг туғилиши, табиий. Булар:

биринчидан, ички ишлар органлари ходимларининг амалий фаолиятидаги тарбиявий ишларнинг натижаларини таҳлил қилиш орқали;

иккинчидан, педагогик таъсир этишнинг асосий усулларини яхши билиш, ундан самарали фойдаланишда қўлланиладиган шакл ва усулларнинг бугунги кун талабларига жавоб бериши ёки бера олмаслигини аниқлаш орқали;

учинчидан, қўйилган мақсадга эришиш учун педагогик маҳоратни тинмай ошириб бориш ва педагогик техникадан тўла фойдалана билиш туфайли педагогик маҳорат эгалланади.

Фуқароларга педагогик таъсир этишда, аввало, шахснинг илгариги хатти-ҳаракатлари, ахлоқи, қисқача бўлса ҳам ўрганиб чиқилади ва шунга қараб, унга муомала қилиш керак бўлади. Муомала вақтида шахснинг овози ва ундаги сўзларга қўйиладиган урғулар ҳам аҳамиятли, чунки шахсларга мурожаат қилишда унинг хатти-ҳаракати атрофдаги шахсларга ижобий таъсир қилиши, ўрнатқучлиги мумкин. Шахсга педагогик тўғри таъсир этишда

танланадиган усуллар, ўз навбатида, субъектнинг тарбияланаётган объектни қанчалик яхши билишини англатади.

Шахсга педагогик таъсир этиш узоқ вақт ёки кўп меҳнат талаб қилса, баъзи ҳолларда тарбиявий муаммоларни ечишда тезкорлик ҳам талаб қилинади. Шахсларни тарбиялашда ҳар қандай педагогик таъсир этиш муомала орқали олиб борилади, айниқса, ички ишлар органлари ходимига бирданига бир қанча шахслар, гуруҳлар, жамоа билан ишлашга тўғри келган ҳолларда.

Муомала жараёнида ҳар бир шахс тарбия субъекти учун мустақил объект бўлиши мумкин, шунингдек, тарбияланаётган объектларнинг сони жуда кўп бўлиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Психология соҳасидаги олимларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ички ишлар органлари ходимларининг диққат объектини 4–6 нафар киши ташкил этса, тарбияда самара бўлиши мумкин экан. Ундан ортиғи кўплик қилар экан. Бунда тарбиянинг самараси кўнгилдагидек бўлмайди ва шахсларни тарбиялаш фаолиятини бошқариш ҳамда назорат қилиш қийин бўлади. Масалан, ички ишлар органларининг ходимлари ўзларининг педагогик таъсир этиш объектларини танлашда объектларнинг аудиторияда ўтириб ёки туриб, ижобий эшитаётганларга бўлиб ўрганиб, шундан кейингина уларнинг ҳуқуқий онгига ижобий таъсир қилишлари мумкин.

Маърузачига яқинроқ ўтириб, уни диққат билан эшитаётган шахслар учун субъектнинг уларга таъсири кучлидек, яхшироқ эшитилаётгандек туюлади, маърузани кейинги қаторларда ўтириб эшитаётганларга эса субъектнинг етказмоқчи бўлган хабарлари худди тўлиқ етиб бормайдигандек туюлади. Субъектга, яъни ички ишлар органларининг ходимларига эса нотаниш аудитория, нотаниш шахслар психологик жиҳатдан ўз таъсирини кўрсатаётгандай туюлади. Ана шундай ҳолларда ходимлар ўзларини йўқотиб қўймасликлари керак, шундагина ички

ишлар органлари ходимларида педагогик маҳоратнинг борлиги ёки шаклланганлиги билинади.

Ички ишлар органлари ходимларида педагогик маҳоратнинг шаклланганлигини намоён қилувчи омиллар – бу уларнинг аҳоли билан муомала қилишларида ҳуқуқий жиҳатдан нечоғли саводли эканликларини кўрсата олишлари, юридик атамаларни тўғри қўллай олишлари, берилган саволга унинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда тўғри жавоб беришлари, жавобларда гапириш суръатининг тезлиги ёки секинлиги ҳам муҳим ҳисобланади. Энг асосийси, ички ишлар органлари ходимлари ўзларининг педагогик маҳоратларини ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ҳаракат қилишлари керак бўлади.

Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маданиятини шакллантиришга фақат битта омил таъсир қилади, деб ўйлаш нотўғри, аксинча, педагогик маданиятнинг шаклланишига бир қанча омиллар таъсир қилади. Масалан, педагогик тажриба, ҳуқуқий билим, ҳуқуқий маданият, умумий дунёқараш ва ҳоказолар. Ички ишлар органларининг ходимлари ўзларининг педагогик маданиятини шакллантириш билан бирга, шахсларни ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашда мактаб, оила, ишлаб чиқариш ва уларнинг яшаш жойларида олиб борилаётган тарбиявий ишларни ҳам давом эттирадилар.

Бу ўринда тарбиянинг кучи нимада, деган саволга жавоб топишимизга тўғри келади. Тарбиянинг кучи – тарбия жараёнининг бошида ким ва қандай одам турганига боғлиқ, чунки тарбиячининг шахси тарбияланувчи учун «ойнадек тоза» бўлиши керак, шундагина тарбиячи шахс бошқа тарбияланаётган шахслар учун доим ҳурматли одам бўлиб қолади.

Кўпчилик тарбиячининг ўта билимдон ва тарбияланган бўлишини хоҳлайди. Ахлоқ нормаларини бузувчи, қонунбузар шахслар билан тарбиявий ишлар олиб боришда тарбиячи жаргон сўзларни қўлламаслиги муҳим. Агар

тарбияланаётган шахсларнинг баъзи хатти-ҳаракатларига тарбиячилар бeфaрқлик билан қарасалар, бу ўз навбатида, аста-секинлик билан, бир томондан, тарбияланувчи ва тарбиячи ўртасидаги тарбиявий алоқани юмшатса, иккинчи томондан, тарбиячининг обрўсига путур етказди. Буни тарбиячининг ўзидаги мавжуд педагогик маҳоратни тарбиявий фаолиятга тўлиқ татбиқ эта олмагани, деб тушуниш тўғри бўлади.

Профилактик вазифаларни ҳал қилишда ички ишлар органлари ходимларининг педагогик фаолиятини икки йўналишга бўлиб ўрганишимиз мумкин, яъни, педагог назариётчи ва амалиётчи йўналишида. Педагог назариячи профилактик ишларни олиб борганда, аудитория олдида назарий фикрларини айтади, бунда у ҳаётий мисолларни матбуотдан олиб айтиши ҳам мумкин, назарий тавсиялар беради. Лекин баъзи бир шахслар томонидан тўсатдан амалий ва ҳаётий саволлар берилганда педагог назариётчининг ҳиссиётига таъсир қилиши табиий ва унда ички ишонч йўқолиши натижасида профилактик тарбиявий ишлар олдига қўйган мақсадга тўла эриша олмайди ва қониқарсиз натижага эга бўлиб қолиши мумкин.

Амалиётчи педагоглар сифатида педагогик фаолият олиб боровчи ички ишлар органларининг ходимларида қуйидаги ҳолатларни кузатишимиз мумкин, масалан, улар аудитория олдида ўзларининг чиқишларини ҳаётий мисолларга асосан ташкил этадилар ва ўтказадилар. Улар илмий фикрларни охириги ўринга қўйишга ҳаракат қиладилар ёки уларнинг чиқишларида илмийлик бутунлай бўлмайди ва шунинг учун ҳам методик материалларни танлаб олишга қийналадилар. Шунингдек, муаммога назарий жиҳатдан ёндашиб, тарбиявий ишларни олиб боришни эса кўп ҳам ёқтиравермайдилар, бунинг бир неча сабаблари мавжуд, яъни улар:

- 1) педагогиканинг назариясини яхши билмасликлари;

2) ўзларининг амалиётида бўлган воқеа-ҳодисаларни гапириб бериш билан чекланиб қолишлари;

3) ҳамкасблари билан ўзларининг иш тажрибаларини алмашишни хоҳламаганликлари.

Бундай ташкил этилган тарбиявий ишлар бир хиллик, бир қолипчиликни юзага келтиради. Бундай ҳолларда назариячи билан амалиётчининг тарбиявий фаолиятларида ҳеч қандай фарқ қолмайди. Тарбиявий профилактик ишларни ташкил этишда энг асосийси – шахсларни ишонтириш ва уларнинг ишончига кира билиш. Бу эса субъектнинг педагогик маҳоратига боғлиқ.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маданияти деганда нимани тушунасиз?

2. Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маданиятини шакллантиришнинг асослари нималардан иборат?

3. Ички ишлар органлари ходимлари педагогик маданиятини шакллантириш муаммоларининг ечиш йўллари айтиб беринг.

4. Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маданиятига педагогик жараён деб қаралишининг боиси нимада?

5. Ички ишлар органлари ходимларининг педагогик маданиятини шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг аҳамиятини очиб беринг.

V боб. ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Якка тартибда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда психологик-педагогик таъсир этиш усуллари

Ҳар қандай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда шахсга психологик-педагогик таъсир этилмас экан, тарбиявий

ишларда самарадорлик бўлмайди. Шахсларга педагогик таъсир этиш усулларидан асосий мақсад – тарбияланаётган шахсларга якка тартибда педагогик таъсир этиш орқали уларни жамият учун фойдали ишга жалб қилиш.

Психологик-педагогик таъсир этиш – мавжуд тарбиявий усуллар йиғиндиси эмас, балки тарбиячининг тарбияланувчи онгига ижобий таъсири, муомаласи ва мурожаатидир. Ҳар бир шахсга психологик-педагогик таъсир этишнинг ўз мақсади бўлиб, унга эришиш учун барча мавжуд чора-тадбирлар кўрилади. Шахсларга якка тартибда психологик-педагогик таъсир этишда ҳар доим ҳам ижобийлик бўлаверади, деб айта олмаймиз. Чунки баъзи бир шахсларда салбий жиҳатлар устун бўлади, масалан, жанжал чиқаришга мойиллик, бошқаларни тушунишни хоҳламаслик ва ҳоказо. Якка тартибдаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш қуроли тарбия усулларидир.

Тарбия усулларидан энг кўп тарқалгани меҳнат қилишга ундаш бўлиб, у меҳнатга жалб қилиш орқали амалга оширилади. Меҳнат қилиш эса жиноятнинг олдини олишнинг ўзига хос усули. Бундан барча ҳуқуқбузарликларнинг бошида бекорчилик туради, деб хулоса қилишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам якка тартибда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ички ишлар органларининг ходимларидан босиқлик, бардошлилик талаб қилинади.

Якка тартибда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишдаги энг қийин жараён бу – психологик тарбиявий таъсир этиш усулларини танлаш. Чунки ҳар қандай якка тартибда тарбиявий таъсир этиш ўзига хос тарбия усулларини қўллашни талаб қилади. Тарбиявий ишларни олиб боришда педагог назариячилар илмий кузатишларининг ҳам ўз ўрни бор, масалан, амалиётдаги тарбиявий ишларни олиб борувчи ички ишлар органларининг ходимлари қўлламаётган усулларни назариячилар аниқлашлари ва орган ходимларига ўша усулларни қўллаб кўришни тавсия этишлари мумкин.

Тарбия тизимида ички ишлар органлари ходимларининг педагогик фаолиятини қуйидагиларга бўлиб ўрганилса, тўғри деб ўйлаймиз, яъни:

1) шахсларнинг психикасига оғзаки, ёзма ва техник воситалар орқали таъсир этиш;

2) шахсларнинг интеллектуал даражаси ва уни ривожлантиришга педагогик фаолиятни йўналтириш;

3) шахсларнинг хатти-ҳаракатида тарбияга бўйсунганини билиш ёки бўйсунганини олмаслик ҳаракатларини ҳам ўрганиб бориш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги (2000 йил 27 сентябрь) қарорида ёшларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга мутасадди бўлган ўзини ўзи бошқариш органлари, ўқув муассасалари ва бошқа идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги мавжуд комиссиялар ўз фаолиятини деярли тўхтатиб қўйганлиги таъкидлаб ўтилади. Лекин ўзларининг ишларига масъулият билан қараётган, бурчларини виждонан адо этаётган, ўзларининг фаолиятида, яъни вояга етмаган ёшларнинг онги, тафаккурини шакллантириш, юксалтириш, дунёқарашини кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини оширишда маънавий ва маърифий ишларни жонлантираётган ички ишлар органларининг ходимлари ҳам кам эмас. Бундай тадбирларнинг ўзи етарли эмас, деб ўйлаймиз. Бунинг учун эса ўзаро ҳамкорлик керак бўлади, масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари, республика «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун», «Қамолот» жамғармалари, ўзини ўзи бошқариш органлари билан боғланиш керак бўлади. Ички ишлар органларининг ходимлари ёшлар, ўсмирларни

тарбиялаш ва ўқитиш ишларининг қандай амалга оширилаётгани устидан назоратни кучайтирсаларгина ўзаро ҳамкорлик жараёнининг самараси ва долзарблиги йўқолмайди.

Якка тартибда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда ва шахсларга психологик-педагогик таъсир этишда ички ишлар органлари ходимларининг касбий жиҳатдан бундай тарбиявий фаолиятга тайёр эмасликлари ҳам уларнинг тарбиявий таъсир этиш усулларидан тўла фойдала олмасликларига сабаб бўлади. Бундай ҳол иложи борича такрорланмаслиги керак, агар яна такрорланса, кейинги сафар ташкил этиладиган тарбиявий профилактик тадбирга фуқаролар келмасликлари ҳам мумкин ёки келганларида ҳам ижобий эмас, балки салбий фикр билан қайтиб кетадилар, ўзларида тарбиянинг ҳеч қандай таъсир кучини сезмайдилар.

Бундай пайтда тарбиячи шахс қуйидаги хислатларга эга бўлиши керак: билимли бўлиши, нотиклик санъатини мукамал эгаллаган бўлиши (аудиторияни ўзига жалб қила олиши), ҳаётий амалий тажрибага эга бўлиши, аудиториянинг кайфиятини тез илғай олиши.

Якка тартибдаги профилактик тарбиявий ишларни олиб боришда кузатиш усули жуда қўл келади, чунки биринчи учрашганларида у доимо ўзига хос, ҳеч ким билан тенглаштириб бўлмайдиган шахсдек туюлади. Ички ишлар органларининг ходимлари профилактик тарбиявий ишларни олиб боришда ана шундай тўсиқларни йўқ қила олиш санъатини эгаллаганликлари билан ҳам ажралиб туришлари лозим. Биринчидан, профилактик тарбиявий ишларни олиб боришда объект билан субъект ўртасида тўғридан-тўғри тарбиявий таъсир этиш ишлари олиб борилади, бунда дастлаб, тарбиявий жараён атайлаб олиб борилмаётгандек туюлади, лекин ҳар қандай учрашув ва тадбирнинг асосида ўзига хос тарбия, таъсир этиш ҳамда унинг элементлари мавжуд бўлади.

Жиноятларнинг олдини олиш ишлари икки томонлама – умумижтимоий ҳамда криминологик, яъни махсус ташкил этилган тадбирлар орқали олиб борилади.

Якка тартибдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ва шахсларга психологик-педагогик таъсир этишда тарбия объекти доимо шахслар, уларнинг онги, психологияси, сезгиси ва ахлоқи бўлади, бошқача айтганда, ички ишлар органлари ходимларининг тарбия объекти алоҳида шахслар, бир гуруҳ шахслар, меҳнат жамоалари, оилалар бўлиши мумкин. Шу ўринда айтиш мумкинки, қадим-қадимдан тарбиячилар ўртасида тарбиявий иш олиб бормоқчи бўлсанг, энг аввало, кимга тарбиявий таъсир этасан – ўшани билишинг керак, деган фикр мавжуд. Ушбу фикр жуда тўғри бўлиб, ҳалигача ўз долзарблигини йўқотмаган.

Ўтказилган профилактик тадбирларнинг натижаларини, биринчидан, шахснинг ижтимоий турмушида ижобий ўзгаришларнинг юзага келишида; иккинчидан, унинг ижтимоий фаоллигида; учинчидан, шахснинг ўзи доимо фаол бўлиб, бошқаларни ҳам фаолиққа жалб этишида кўришимиз мумкин.

Якка тартибда ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда ҳуқуқий билимлар ва умуман, ҳуқуқнинг ўрни ўзгача. Масалан, жиноятлар содир этилишининг олдини олишда ҳуқуқ нормаларини амалиётда тўғри қўллай олиш ниҳоятда муҳим ҳисобланади, чунки ҳуқуқ нормаларини амалиётда тўғри қўллай олиш туфайли шахсларнинг ахлоқида ижобийлик юзага келади. Бундай ижобийлик шахснинг жиноят содир қилиши ёки ҳуқуқ нормаларини бузишининг олдини олади. Ҳатто бошқалардан ҳам жиноят ёки ҳуқуқбузарликни содир этмасликни талаб қилиш даражасигача етади.

«Ҳар қандай ақлли одам касални тузатишдан аввал, касал бўлмасликнинг ҳаракатини қилади» деган машҳур ҳикмат жиноятга қарши курашгандан кўра, содир этилиши мумкин бўлган жиноятнинг олдини олган яхши, деган

фикрни тасдиқлайди. Ҳуқуқ нормалари ижтимоий фаолиятимизни тартибга солиш билан бирга, у шахсларни ҳар қандай бошқа салбий оқибатлардан ҳам ҳимоя қилади. Бу жамият ривожига ўзига хос ўрин эгаллайди, масалан, жиноий жазони ўтаётган шахслар, нафақат айнан содир этган жиноятлари учун жазосини ўтаяпмиз, деб ўйлайдилар, шунингдек, улар бошқа жиноят содир этмаслик, уни содир этган шахснинг қилмиши асло кечирилмаслигини ҳам англаб етадилар. Жиноят содир этилиши ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда, нафақат жиноят ҳуқуқи, шунингдек, маъмурий ҳуқуқ, фуқаролик ҳуқуқи, интизом чоралари турларидан ҳам кенг фойдаланилади.

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда амалдаги қонунларнинг тарбиявий аҳамияти ҳам ўзига хосликни юзага келтиради. Ҳуқуқий билимларнинг шахс онгига ижобий таъсир этиши, бундай ижобий таъсир этишнинг натижаларини, яъни қонунга ҳурмат ва шахсларда қонунни бузмасликнинг одат тусига айланганлигида кўришимиз мумкин.

Шахс хизмат фаолиятининг аҳамиятини ошириш ва кўрсатишда ҳуқуқ нормаларининг бугунги кундаги таъсири, жиноятнинг олдини олиш ва содир этилган жиноятларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда очиб бериш – доим энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Якка тартибдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳақида Ю. В. Солопоновнинг фикрига қўшилаемиз, чунки унинг фикри ҳаётдан олинган, яъни шахснинг судланганлиги – бу унинг учун ўзига хос синов муддати ҳисобланади, чунки шахс жазони ўтаб, ўзини эркин ҳаётга мослашганлигини кўрсата билиши керак¹. Бу фикр эса шахсга таъсир этишда ўзига хос якка тартибдаги профилактика ҳисобланади.

¹ Қаранг: *Солопонов Ю. В.* Основания профилактического воздействия // Советская милиция. 1979. № 5. С. 60.

Ички ишлар органларининг ходимлари, айниқса, профилактика нозирлари профилактик ишларни жиноят ҳуқуқи қонунларига суянган ҳолда олиб борадилар. Профилактика вакиллари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши кураш усулларини танлайдилар ва тартибга соладилар. Бундан ташқари, якка тартибдаги ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси ҳам муҳим манба ҳисобланади, чунки жиноят ҳуқуқи бор жойда, албатта, жиноят-процессуал ҳуқуқнинг бўлиши табиий, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди, улар бир-бирининг фаолиятини тўлдиради.

Шахсларнинг содир этадиган якка тартибдаги ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда маъмурий жавобгарлик, яъни айбдорнинг ишини ўртоқлик судига бериш, жарима тўлатиш кабилар ҳам муҳим ҳисобланади. Балоғат ёшига етмаган шахсларнинг содир этган жиноятларини ўрганиб, таҳлил қилиб, бундай шахсларнинг ҳуқуқий онгига ижобий таъсир қилиш йўлларини излаш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасида «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар»нинг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат: вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсиз, қаровсиз қолиши ҳамда улар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини амалга ошириш; давлат идоралари, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларининг вояга етмаганларнинг назоратсиз қолиши ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари юзасидан фаолиятини мувофиқлаштириш¹.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш

Юқорида тўхталиб ўтганимиздек, якка тартибдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда маъмурий ҳуқуқ нормалари ўзига хос ўрин тутаяди, бунда шахсларни маъмурий огоҳлантириш ва жазолаш усуллари муҳим ҳисобланади. Энг асосийси – шахсларга маъмурий-ҳуқуқий нормаларни қўллаш орқали ичкиликбозликка, текинхўрликка, шунингдек, жамоат тартибини сақлаш ва рецидив жиноятчиликка қарши тўла маънодаги кураш тадбирларини амалга ошириш мумкин.

Шахсларга нисбатан маъмурий жазони қўллашнинг ўзи уларни ҳар бир ишни келгусида ўйлаб қилишга мажбур этади. Шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилганидан кейин, у яна жиноят содир этса, энди маъмурий жазо эмас, балки ундан қаттиқроқ жазо қўлланилади (албатта, маъмурий жазонинг муддати ўтмаган бўлса).

Қаттиқ жазонинг қўлланиши шахс ўзининг ахлоқини тузатмаганидан, қилмишидан хулоса чиқармаганидан далолат беради. Маъмурий жазони тайинлашнинг хавфли томони шундаки, жазоланган шахс тўғри хулоса чиқармай, келгусида катта жиноятларнинг келиб чиқишига ҳам сабабчи бўлиши мумкин.

Якка тартибдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда фуқаро-вий ҳуқуқнинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти мавжуд. Меҳнат қонунлари ҳам бундан четда қолмайди, лекин бу қонунларнинг барчасини ўрганиш ушбу дарсликнинг ўрганиш объектига кирмайди. Биз ҳуқуқ нормалари ва уларнинг якка тартибдаги профилактик тадбирларга таъсирини таҳлил қилишимиз борасида шуни айтишимиз мумкинки, якка тартибдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий нормалар тизими мавжуд бўлиб, бу тизим якка ҳуқуқбузарликнинг олдини олишни бирма-бир ўрганади.

Якка тартибдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тарбиявий профилактик ишларнинг асосини ташкил қилади. Унинг қуйидаги турлари мавжуд :

1) умумий; 2) махсус; 3) ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва ҳуқуқни тартибга солувчи; 4) моддий-маънавий ва процессуал; 5) бошқарувчи; 6) ман қилувчи.

Якка тартибда ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш учун жиноий ва жиноий-процессуал қонунларни такомиллаштириш зарур, шунингдек, бу муаммони назариётчи юристлар, амалиётчилар, психологлар, педагоглар ҳамкорликда ҳал қилишлари керак бўлади.

Жиноятнинг олдини олиш асосини ташкил қилувчи ҳуқуқий нормалар ва қонунлар жамоат тартибини сақлашда, ижтимоий муносабатларга киришганда ўз кучини, таъсирини кўрсатсагина улар жонли организмга ўхшаб, ўз вазифасини бажаради деб ўйлаймиз.

Қонунни ҳаётга татбиқ этиш турли шаклларда намоён бўлади: биринчидан, ҳуқуқий нормаларга риоя қилиш, уларни қўллашда. Энг асосийси, у шахсларнинг хатти-ҳаракатида нималар мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлаб, кўрсатиб берувчи қурол ҳисобланади; иккинчидан, ҳуқуқий нормалардан ҳаётда ва амалиётда фойдаланишда, бу эса уларни амалиётга фаол татбиқ этиш деб қаралади; учинчидан, ҳуқуқий нормаларнинг ижросини таъминлаш, бу ижрони эса, ҳуқуқ нормаларидан ташқари, ҳар бир шахс ўз бурчи орқали амалга оширади. Шахс ўз бурчини бажаришда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосланади ва риоя қилади; тўртинчидан, ҳуқуқ нормалари ва қонунларни қўллаш маданияти, унда қонун чиқаришнинг ўзи бирдан-бир мақсад эмас, балки ҳар қандай норматив ҳужжат каби ҳуқуқ нормалари ҳам турмушда тўла маънода қўлланилгандагина яшайди. «Агар, – деб ёзади У. Таджиханов, – қонун бажарилмаса, у қонун эмас, шпор бўлиб қолади, ҳаётий эмаслиги маълум бўлган қонунни чиқаргандан, чиқармаган афзал. Талабчанлик ва ижро

интизомининг йўқлигига кўпинча, қонунлар ва бошқа қонуний актларни билмаслик сабаб бўлади. Меҳнат ва фуқаролик қонунларининг бузилиши фуқароларнинг шахсий номулкий ва мулкый ҳуқуқларининг чекланишига олиб келадики, бу эса жамиятдаги соғлом руҳий муҳитнинг бузилишига шароит яратади»¹.

Якка тартибдаги профилактик тадбирларни амалга ошириш ҳозирги кунда республикамизда жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашда жуда кўл келади. У жамиятни ижтимоий жиҳатдан бошқариш қонуниятига бўйсунди. Қонун бузилишининг олдини олиш ҳуқуқий нормаларга, қонунга тўла риоя қилиш орқалигина амалга оширилади.

Яхши қонун, яъни аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, ўз вақтида қабул қилинган қонун доимо ижрода бўлади. Профилактик тадбирлар ҳам аҳоли ўртасида доимо изчил равишда олиб борилса, қўйилган мақсадга эришилади. Профилактик тадбирларнинг бажарилиши ва профилактик қонунларнинг амал қилиши доимо давлат томонидан қўллаб-қувватланишга муҳтождир.

Ёшлар якка тартибда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда уларни меҳнатсеварлик, сабр-тоқат, сабот-матонат, дўстлик ва бирдамлик руҳида тарбиялаш жуда муҳим бўлиб, бу оила бахти ҳамда бола келажагининг мустаҳкам заминидир. Шунинг учун ҳам ҳар бир ота-она ўз фарзандини ёшлигидан ўзига мос ишларга жалб қилишлари лозим.

Ота-она боласининг ишини кўриб, унинг қилган меҳнати оила учун қанчалик фойдали эканлигига баҳо берса, – деб ёзади М. Восиқова, – болани меҳнат қилишга қизиқтиради²,

¹ Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 томлик. Т. 2. Т., 1998. 7–8-бетлар.

² Қаранг: Восиқова М. Бола тарбиясига алоҳида эътибор // Ҳаёт ва қонун. 1995. № 7. 54–55-бетлар.

бу ҳам рағбатлантириш, ҳам педагогикада тарбиянинг бир тури ҳисобланади.

Баъзи ота-оналар тарбияда ўта қаттиққўлликни қўллаб, фарзандларига яхши тарбия бермоқчи бўладилар. Бу усул билан ҳам болаларни тарбиялаш тўғри эмас, чунки бундай тарбияланган болалар ота-оналарининг меҳри ва эркинликни сезмасликлари сабабли, кўпинча қўпол муомалали ва чехрасида кулги бўлмай, бемехр бўлиб етишадилар¹, болаларнинг бундай ҳолатлари билан жиноятнинг ўртаси бир қадамни ташкил этади.

Ички ишлар органлари фаолиятида тарбия жараёнининг ўзига хос қонуниятлари мавжуд. Ички ишлар органларининг ходимлари ўзларининг жамоат тартибини сақлаш фаолиятини ташкил қилишда маҳоратли, тажрибали педагогларнинг ёрдами ва тажрибасига муҳтождирлар. Ички ишлар органларининг ходимлари якка тартибдаги профилактик тадбирлардан ташқари, мактабда, боғчада, болалар уйларида ҳам ўзига хос педагогик-профилактик йўналишдаги тадбирларни олиб борадилар. Масалан, профилактика вакилларининг фаолиятини олиб кўрайлик. Улар нафақат ўзларининг маъмурий ҳудудларидаги фуқароларнинг ёшини, миллатини, қизиқишини, ҳаёт тажрибасини, балки уларнинг билим савияси ва тарбияланганлик даражасини ҳам ўрганишлари зарур.

Якка тартибдаги тарбиявий профилактик ишларни олиб бориш доимо ўз самарасини беради, деб айта олмаймиз, чунки тарбия объектининг хусусиятига, тарбияланиш даражасига кўра ҳам, бу ишлар ҳар хил бўлиши мумкин. Бундан ташқари, тарбияси оғир, ҳаёт тажрибаси фақат салбий оқибатлар билан тўла шахслар ҳам жамиятимизда етарли, шунинг учун ҳам бундай шахсларни қайта тарбиялаш биринчи маротаба тарбияланишдан бир неча бор қийин жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тарбия

¹ Ўша жойда.

фақат қонунларга, норматив ҳужжатларга суянган ва асосланган ҳолда олиб борилади, дейиш бутунлай тўғри эмас, чунки бу жараён шахс ва унинг фаолияти билан боғлиқ бўлгани учун бу ерда, албатта, педагогик ва психологик нуқтаи назардан шахсга таъсир этувчи турли анъаналар ва урф-одатларнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтиш керак.

Ички ишлар органлари ходимларини касбий педагогик жиҳатдан тайёрлаш борасида, нафақат педагогика олий ўқув юртларида ёки Ички ишлар вазирлигига қарашли ўқув юртларидаги касбий педагогика фанининг ўқитилишини етарли деб ҳисобламаслигимиз керак, аксинча, ходимлар бошқа шахсларни тарбиялаш билан бирга ўзлари ҳам тарбияланиб, бошқаларга ахлоқан ўрнак бўлишлари ҳам керак.

Жамоат тартибини сақлаш педагогикаси ҳам ўзига хос принципларга эга, бу принциплар доимо бўлган ва бундан кейин ҳам мавжуд бўлади. Булар – гумонлилик, объективлик, тўғрисиўзлик, мақсадга интила олиш, режа асосида тарбиявий ишларни олиб бориш, масалага алоҳида-алоҳида ва якка тартибда ёндашиш, ишонч, қатъиятлик асосида талаб қилиш, яхшилик қила олиш, ишбилармонлик ва ҳоказо.

Жамоат тартибини сақлаш педагогикасининг яна бир ўзига хос томони шундай иборатки, бу – ҳар хил тоифадаги шахсларнинг қизиқишларини бир йўналишга қарата олиш, шахсларнинг талабларини ўрганиш, шахсларнинг фаолияти ва уларнинг ишлаб чиқариш жамоаларида тарбиявий фаолиятни тўғри йўналтира олиш, яъни жамоада ва яшаш жойидаги тарбиявий ишлардан хабардор бўлиб туриш. Шундай қилиб, тарбия анъаналаримизга, ҳаёт тажрибаларига, илмийликка, энг асосийси – педагогика ва психологиянинг энг сўнги ютуқларига асосланган ҳолда олиб борилади. Кўпинча, тарбиявий-профилактик ишларга якка ҳолда ёндашишда орган ходимининг шахсан

танишиши, суҳбатлашишини тушунамиз, баъзи бир вақтларда эса тарбияланаётган шахснинг психологик-физиологик хусусиятлари ҳам бизни қизиқтириши мумкин.

Биламизки, бир шахс бир неча йиллар мобайнида бир касбда ишлар экан, хоҳлайдими-йўқми, унга ўзи ишлаган касбининг ё ижобий, ё салбий таъсири бўлади. Масалан, ички ишлар органининг ходимига доимо яхши хабардан олдин нохуш хабар етиб келади, бу эса орган ходимларига психологик-физиологик жиҳатдан таъсир қилади. Дейлик, тракторчи доимо тракторнинг тириллаган овозини эшитиб, кўникиб кетади, ўша товуш остида бемалол, аллалагандек ухлайди, тракторнинг овози ўчиб қолса, у уйғониб кетиши мумкин. Айтиш мумкинки, инсон бир касбга кўникса, ўша касбдан кетишдан, касбини йўқотиб қўйишдан қўрқади, натижада, уни йўқотиб қўймаслик учун ҳеч бир нарсадан қайтмайди. Чунки у бошқа яна бир касбни танлаб, унга ўрганиши анча қийин бўлади. Худди шу хусусият кўп йиллар ички ишлар идорасининг ходими бўлиб ишлаган шахсда ҳам мавжуд бўлади, ҳатто меҳнат таътилига чиққан вақтида ҳам ўз касбига содиқлигини кўрсатади, ҳаётда бунга мисоллар жуда кўп. Масалан, Ички ишлар вазирлиги Академиясининг сиртқи бўлими тингловчиси Б. Бердиев ўқув сессияси вақтида ўз автомашинасини пуллик тўхташ жойига қўймоқчи бўлади, бу жой таъмирланаётганини кўриб, удан сал нарироқда турган бошқа бир автомашинанинг олдида қўяди. Шунда у бир ўспириннинг бошқа бир машинанинг орқасида ивирсиб юрганини кўради. Б. Бердиев боланинг олдида бориб, қўлидаги халтачани кўрсатишни сўрайди, қарасаки, халтача ичида отвёртка, ҳар хил калитлар бўлади, бу калитлар автомашиналарни очишга мўлжалланган экан.

У ўспиринни ички ишлар бўлимига топширганда, бу ўспирин илгари ҳам автомашиналардан магнитофон, эҳтиёт қисмлар ва балон ўғирлаб юрган шахс бўлиб чиқади. Бундан кўриниб турибдики, ички ишлар органлари ходимининг бундай воқеа-ҳодисаларга муносабати ўз-ўзидан касбий

фаолияти билан боғлиқ, ундаги ички ахлоқий кўникмалар ўз касбига садоқатли бўлишга ундаган.

Ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий билимлари бундай вазиятларда ҳеч бир вақт улардаги ҳуқуқий ҳаракатни юзага келтиришга мажбур этмайди. Балки бундай пайтларда улар учун, энг аввало, ахлоқий нормалар биринчи ўринда туради. Ички ишлар органларининг ходимлари, кўпинча нафақага чиққандан кейин ҳам ўз фаолиятини давом эттиришни хоҳлайдилар.

Бошқа касб эгаларида бундай ҳолат ҳар хил кечади, масалан, санъаткорни олайлик, у ижро этган қўшиғига халқдан олқиш олса, ўзи ва оила аъзолари қувонади, ҳайдовчи эса ишдан келиб, болалари олдида бемалол гаплашиб ўтиради, уларни тарбиялайди, ички ишлар органларининг ходимлари жиноятчини ушлаб ёки унинг жазоланганини кўриб, қувонади деб айтишимиз мумкин, лекин жиноятчини ушлаб, ички ишлар бўлимига олиб келгунгача давр бу – ё ҳаёт, ё ўлим билан боғлиқ бўлади. Ҳаёт билан ўлим ёнма-ён туради, уларнинг касбий фаолиятида бундай ҳолат ҳар доим, ҳар куни қайтарилиб туради.

Шахслар содир этадиган барча турдаги жиноятларнинг олдини олишда ички ишлар органларининг ходимлари қуйидаги принципларга бўйсундилар ва шу асосида иш олиб бордилар: хизмат фаолияти жараёнида тарбиявий ишларни олиб бориш; жамоада ва жамоа орқали шахсларни тарбиялаш; тарбияга яқка ва алоҳида-алоҳида ёндашиш; қўл остидагиларга нисбатан юқори даражадаги талабчанлик, шунингдек, уларга ғамхўрлик қилиш; шахснинг ижобий томонларини, хислатларини ҳисобга олиб, ўша хислатларни бир неча маротаба тарбия жараёнида шахснинг ўзига эслатиб ўтиш; тарбия жараёнида тарбияланаётган шахснинг фикрлари билан ҳам ҳисоблашиш. Ички ишлар органларининг ходимлари шахсларни ҳуқуқий тарбиялашда ҳар бир бир шахс ва

шахсларнинг ҳуқуқий онглилигига суянади. Онглилик эса шахсларнинг тарбия даражасини кўрсатади.

Кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган ички ишлар органларининг ходимлари билан янги ишга қабул қилинган ходимнинг иш фаолияти ўртасида катта фарқ бор, фарқ ёшида ёки касбий маҳоратида эмас, балки руҳий ва физиологик чарчоғида. Шу руҳий, физиологик чарчоқ орган ходимида тушкунликни, гумонсирашни, ҳар кимнинг ҳам гапига ишонавермаслик хислатларини шакллантиради.

Ички ишлар органлари ходимларининг барчаси ҳам педагогик ва психологик билимларга эга бўлавермайдилар, ҳамманинг ўз билим даражаси, қобилият чегараси, энг асосийси, ўзининг қизиқиш йўналиши мавжуд, Бир шахсни айнан шу касб учун яратилган, деб айтиб бўлмайди. Чунки у ўз касбий фаолияти давомида яна бошқа бир фаолият билан шуғулланиши ёки ички ишлар органига ишга киргунга қадар бошқа бир касбнинг эгаси бўлган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун мабодо ички ишлар органининг ходими эгаллаб турган лавозими ва касбидан кетса ёки кетишга мажбур бўлса, шундай кетиши керакки, оқибатда унинг шахсий ғурурига путур етмасин, акс ҳолда, у бутун умр ўзининг фаолиятидан нолиб юриши мумкин. Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилишимиз мумкин:

биринчидан, ички ишлар органларининг ходимларини Ички ишлар вазирлигининг Академиясида касбий фаолиятга тайёрлаётганда, у терговчи, жиноят қидирув ходими ёки бошқа тегишли мутахассислигидан келиб чиқиб, касбий педагогика фанини ўқитиш керак.

Иккинчидан, ички ишлар органларининг ходимларини ишга қабул қилишда психологик-физиологик мезонларни ишлаб чиқиш керак бўлади. Чунки бу мезонлар ўз-ўзидан орган ходимининг амалиётдаги фаолиятига ўз таъсирини кўрсатади.

Жиноятчиликнинг олдини олишда бир қанча вазифалар ҳал қилинади, бу вазифалар бир-бири билан узвий

боғлиқдир. Шулардан биринчиси, жиноятнинг йўналиши, тузилиши, даражаси, сабаблари ва шароитларига тўлиқ таъсир қилишдан иборатдир. И. Исмоиловнинг ёзишича, бу криминологик адабиётларда умумий тартибда жиноятчиликнинг олдини олиш деб номланади¹.

Жиноятчиликнинг олдини олиш бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган вазифалардан ташкил топган, шулардан биринчиси, жиноятчиликнинг йўналишига, тузилишига, даражасига, сабаб ва шароитларига таъсир қилишдан иборатдир². Якка тартибдаги жиноятларнинг олдини олиш – бу жиноятларнинг олдини олиш субъектларининг жамиятга зид йўналишлари, ғайриижтимоий ҳаёт тарзи, салбий хусусиятлари, хулқи ва одатлари оқибатида жиноят содир қилишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ва улар томонидан жиноий хатти-ҳаракатлар содир қилинишига йўл қўймаслик мақсадида уларга нисбатан тарбиявий ва бошқа турдаги таъсир кўрсатувчи чора-тадбирларни амалга оширишдир³.

Жазони ўтаб қайтган шахслар содир этадиган жиноятларнинг олдини олишда, аввало, улар бўш вақтларини қандай, қаерда ўтказишлари ва қандай машғулотлар билан шуғулланишлари ўрганилади. Шулар асосидагина якка тартибдаги тарбиявий ишларни олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бундай шахсларнинг бўш вақти самарали ташкил этилишига ички ишлар органлари ходимларининг етарли, керакли даражада эътибор бермаслиги тарбияда камчиликларга, энг асосийси, жазони ўтаб қайтган шахслар устидан ўрнатиладиган назоратнинг пасайишига олиб келади. Бундай ҳол эса жазони ўтаб қайтган шахсларнинг жамиятга зид

¹ Қаранг: *Зарипов З., Исмоилов И.* Криминология. Т., 1996. 181-бет.

² Уша жойда.

³ Уша жойда. 182-бет.

психологияга эга кишилар билан умумий тил топишишларига ёрдам беради, тезлаштиради.

Жинойатнинг олдини олиш педагогика, психология фанлари, айниқса, касбий педагогика билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам И. Исмоиловнинг «Жинойатларнинг олдини олишда дастлабки фаолият – бу шахсда ҳали эндигина жамиятга зид бўлган салбий йўналиш куртаклари шакланаётган даврда, шахснинг умуминсоний, ахлоқий меъёрлардан четга чиқишининг бошланиш вақтида амалга оширилади»¹ деган фикрига тўла қўшиламыз ва меъёрлардан четга чиқишнинг олдини олиш педагогика фанининг вазифасига киришини яна бир марта эслатиб ўтамыз. Шунингдек, касбий педагогика бошқа фанлар сингари криминология билан ҳам чамбарчас боғлиқ эканлигини олдинроқ айтиб ўтган эдик.

Турли тоифадаги қонунбузар шахслар билан ишлашнинг педагогик жиҳатлари

Касбий педагогика фани ўзининг тарбиявий моҳиятидан келиб чиқиб, турли тоифадаги қонунбузар шахслар билан ишлашнинг педагогик жиҳатлари, методикасини ўрганади. Шахслар қонунбузар бўлиб туғилмайдилар, балки қонунбузар бўлиб шаклланиб, жиноятчи шахсга айланиб қолишлари мумкин. Шахснинг қонунбузар бўлиб шаклланишга кўп ҳолларда уни ўраб турган муҳит, шароит мажбур қилиши мумкин. Унда нега жуда кўпчилик шахслар қонунбузар бўлиб қолмаяптлар, деган савол туғилади. Бунга ҳам жавоб битта, яъни иродаси бўш, бошқа шахсларнинг таъсирига тез бериладиган шахсларгина қонунбузарлик, жиноят кўчасига кириб қоладилар.

Турли тоифадаги қонунбузар шахслар деганда кимларни тушунамыз? Жамиятда ўрнатилган қонунларга зид хатти-

¹ Ўша жойда.

ҳаракат қилувчи, барча тоифадаги қонунларни бузувчи шахсларни қонунбузар шахслар деб биламиз. Қонун бузилишининг катта-кичиги бўлмайди, балки унинг оқибати ҳар хил бўлиши, давлатга, шахсларга ҳар хил даражада моддий ва маънавий зарар етказилиши мумкин.

Қонунбузар содир этган қилмишнинг моҳиятидан келиб чиқиб, турли жазолар белгиланади, энг аввало, маъмурий ҳуқуқбузарликни олиб кўрайлик.

Маъмурий ҳуқуқ касбий педагогика билан бевосита боғлиқ бўлгани учун ҳам дастлаб «маъмурий ҳуқуқбузарлик» тушунчасига тўхталамиз. Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриқонуний, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Назарда тутилган ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик, башарти бу ҳуқуқбузарлик ўз хусусиятига кўра, жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўлмаган тақдирда, амалга оширилади¹.

Маъмурий жавобгарлик ҳам жазолаш ва тарбиянинг энг таъсирчан турларидан биридир. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳлар»ни олиб қарайдиган бўлсак, унинг умумий қисмидаги боблар «Маъмурий ҳуқуқбузарлик», «Маъмурий жазо», «Маъмурий жазонинг қўлланилиши» деб номланди, Махсус қисмининг 11-боби эса ҳуқуқбузарлар учун маъмурий жавобгарлик турларига бағишланган.

Қуйидагилар учун маъмурий жавобгарлик белгиланган:

- аҳоли соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун;
- мулкка тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун;

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳлар. Т., 2000. 23-бет.

- табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун;
- саноат, қурилиш ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги;
- қишлоқ хўжалигидаги ҳуқуқбузарлик, ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик;
- транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун;
- фуқароларнинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун;
- савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар учун;
- одил судловга тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун;
- жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун;
- бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун.

Ҳуқуқбузарликлар ва унга нисбатан кўриладиган жазо турларини давом эттириш мумкин, лекин бунинг барчасини биз ёритиб беришни олдимизга мақсад қилиб қўймаганмиз, бу маъмурий ҳуқуқ фанининг ўрганиш объекти ва предметидир. Шу ўринда биз қуйидаги фикрни айтиб ўтмоқчимиз, яъни турли тоифадаги қонунбузар шахслар қонунбузарлик ишларини турли вақтда, турли об-ҳаво шароитларида, турли усуллар орқали амалга оширадилар. Масалан, балоғат ёшига етмаган ўсмирларнинг ҳуқуқбузарлигини олиб кўрайлик, улар ўртасида асосан нарсаларни ўғирлаш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиб жанжал чиқариш, спорт анжомлари, магнитофонлар, гиламлар, пул ўғирлаш жиноятлари анча кенг тарқалган, безорилик ва номусга тегиш жиноятлари жиноятларнинг бошқа турларига нисбатан анча камроқ содир этилади.

Одам ўлдириш, шахсларга тан жароҳати етказиш камроқ учрайдиган жиноят турлари ҳисобланади, баъзида эса автоуловларни олиб қочиш ҳолатлари ҳам учрайди.

Балоғат ёшига етмаган шахслар турли ҳуқуқбузарликларни аҳолининг яшаш, ишлаш жойларида кўпинча, кечки соат 22⁰⁰ дан кейин содир этадилар. Ўсмирлар орасидаги ҳуқуқбузарликларнинг асосий қисми бу спиртли ичимликлар ичиш натижасида келиб чиқади. Ўсмирлар содир этадиган майда безорилик, уйдан қочиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиб жанжал қилиш, мактабдан қочиш кетиш, ишдан эртароқ кетиш каби ҳуқуқбузарликларнинг баъзида жазоланмай қолиши катта-катта жиноятларнинг содир этилишига олиб келади. Биламизки, ҳар қандай катта жиноятнинг бошида майда, арзимайдигандек туюлган жиноятлар туради. Бир эслаб кўрайлик, кўпчилик шахслар ёшлигида қандайдир майда ўғрилик қилиб кўрган (қўшнисининг товуғи ёки тухумини ўғирлаган), ота-онаси, қўни-қўшнилар буни билиб қолиб, жазолаганларидан кейингина катта ўғриликлар ёки жиноятларнинг олди олинган.

Ҳуқуқбузар шахслар ҳам барча шахслар каби аслида оддий шахслардир, фақат улар салбий хусусиятлари устун бўлган бошқа шахсларнинг таъсирига берилиб қолган ёки нотинч оилада тарбияланган бўлишлари мумкин. Дейлик, оиласида доимо жанжал, ахлоқсизлик авж олган, ота-оналарининг оғзи ёмон ёки ичкиликка берилган муҳитда тарбияланган, отаси йўқ ёки онаси ўғай бўлиши ҳам мумкин. Криминология, педагогика ва психология фанлари тадқиқотларининг натижалари шуни кўрсатадики, ўсмирлардаги ялқовлик, қўполлик, ёлғончилик, масъулиятни ҳис қилмаслик, худбинлик, қизғанчиқлик, меҳнатдан атайлаб бўйин товлаш, ўзининг меҳнатининг натижасидан қувонмаслик, ҳайвонларга нисбатан бераҳмлиқ, бешафқатлик, яхши кийинишга ҳаддан ташқари берилиб кетиш, инсонга чўнтагидаги пулига қараб муомала ва

мансабига қараб ҳушомадгўйлик қилиш – буларнинг барчаси шахс тарбиясидаги салбийликни шакллантиради.

Жуда кўпчилик ота-оналар фарзандларидаги салбий хислатни сезмайдилар, сезсалар ҳам эътиборсизлик қиладилар, бунинг оқибатида фарзандлар ёмон йўлларга кириб кетмоқдалар. Баъзи ота-оналар эса вақти келса, биз ундан (ўғлидан ёки қизидан) бу нарсани кутмовдик, англашилмовчилик содир бўлибди деб, ўзларини, фарзандларини оқламоқчи бўладилар. Тарбия жараёни шундай бир оғир жараёнки, унинг натижаси бир неча йиллардан кейин юзага келади, билинади, кўринади ёки ўз таъсирини кўрсатади.

Шахсни тарбиялаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди, ҳатто тарбияси аъло даражадаги ота-оналарнинг ҳам фарзандлари нобоп чиқиб қолишлари мумкин, чунки фарзанд ота-она тарбиясидан кўра, бошқа салбий хислатларга эга шахсларнинг таъсирига тез берилиб қолган бўлиши ҳам мумкин. Вақти келса, ҳаётда шундай ҳолатлар бўладики, баъзи бир педагоглар «бир умр ўзгаларнинг болаларини тарбияладим, аммо ўзимникига келганда кучим етмай қолди», деган фикрларни ҳам айтадилар. Аслида эса ўша педагогнинг ўз фарзандлари тарбияси билан шуғулланишга вақти бўлмаган. Лекин, барибир, фарзанд тарбияси энг улуғ вазифа ҳисобланади ва агар ўша ўқитувчининг фарзанди нобоп чиқса, жиноят содир этса, у ҳеч нарса билан жамият олдида ўзини оқлай олмайди.

Фарзандлар тарбиясида, отадан ташқари она тарбиясининг ҳам ўрни катта. Чунки она доимо оилада, фарзандлари олдида ва улар учун энг яқин шахс ҳисобланади. Она доимо фарзандини ҳаммадан, ҳамма нарсадан устун қўйиб яшайди, лекин ҳамма оналарни ҳам шундай деб айта олмаймиз. Шундай оналар борки, ўз фарзандининг тақдирига бефарқ, ўзи бош бўлиб фарзанди билан бирга спиртли ичимлик истеъмол қилади, уларни

Ўғрилиққа ўргатади, ўғирланган буюмларни бозорда сотади, шундай оналар борки, ўз қизини бегона эркаларга қўшиб қўйиб, эвазига олган пулига ичади ёки кийинади. Ички ишлар органларининг ходимлари томонидан ҳатто шундай шахслар аниқланганки, улар фарзандларининг ўғирлаб олиб келган буюмларини ўзимники, деб исботламоқчи ҳам бўлганлар.

Шаҳардаги баъзи оилаларда ота-оналар фарзандларидан кичкинагина челақдаги ахлатни ахлатхонага ташлаб келишларини сўраганларида, фарзандлари шунга ҳам эринадилар, керак бўлса, баъзида ишдан бош тортиб, жанжал чиқарадилар. Натижада, бундай оилада фарзандлар меҳнат тарбиясидан бутунлай бўйин товлайдиган бўлиб ўсганлиги кўринади.

Касбий педагогика фани шундай ҳолатларни ҳам ўрганганки, уларда баъзи ота-оналар фарзандининг айтганини қилиб, ҳатто ўзларига ҳам керак бўладиган нарсаларни сотиб олмасдан, қисиниб-қимтиниб, пулини унинг талабидаги буюмларга сарфлаб, фарзандини жуда ҳам эрка қилиб қўядилар. Кейинчалик эса бу эркаликнинг азобини тортишларига тўғри келади. Криминология, педагогика, психология фанларида шундай далиллар мавжудки, бу далилларга суяниб, амалиётдаги ички ишлар органлари ходимларининг фикрларини чуқур ўрганиб, шундай хулосага келдик: ҳар қандай жиноят ўз-ўзидан содир этилмайди, жиноятлар содир этилишининг баъзи бир объектив сабаблари ҳам мавжуд. Масалан, ўғрилиқ жиноятини олайлик. Ўғрилиқ қилган шахс ўғирлаб олган буюмларини сотади, пулига спиртли ичимлик олиши, карта ўйнаши, яхши кўрган қизига ёки жазманига турли совғалар сотиб олиши мумкин, бундай хатти-ҳаракатларнинг барчасининг асосида фақат нафс балоси ётади.

Вояга етмаганларнинг тарбиясида оила ўзига хос ўрин тутишини айтиб ўтдик. Лекин баъзида ота-оналар томонидан оилавий-ҳуқуқий тарбия, оилавий-ҳуқуқий

тарғибот ишлари қай даражада олиб борилаяпти, деган савол туғилади. Биринчидан, оилавий тарбиянинг жамиятимиз келажаги учун нечоғли зарур эканлигини биз кундалик турмуш тарзимизда кўриб турибмиз, чунки соғлом оилада тарбияланган фарзанд соғлом жамиятни барпо этишда бевосита ўз ҳиссасини кўшади. Оилада бериладиган тарбиянинг аҳамиятини, хаттоки, энг яхши муассасалардаги тарбия билан ҳам тенглаштириб бўлмайди, чунки оила ўзига хос кичкина ватан ҳисобланади. Оиладаги ҳуқуқий тарғибот ишларининг кейинги вақтда анча сусайгани, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий тарғиботнинг кучайгани сезилмоқда. Энг асосийси, ички ишлар органларининг ходимлари эса бу борада кўнгилдагидек ҳуқуқий тарғибот билан шуғулланыптилар, деб бемалол айта оламиз.

Шундай оилалар борки, фарзандларининг тарбияси борасида ҳаммага ўртак бўлмоқдалар. Айниқса, бундай оилалар тиббиёт соҳасида хизмат кўрсатувчилар ораси кўплаб учрайди. Яна шундайларга ўқитувчилар, олимлар сулоласига мансуб оилалар киради. Шундай оилаларнинг турмуш тарзи барчага ўртак бўлиши керак.

Оиладаги маънавий педагогик заифликнинг яна бир кўриниши носоғлом маънавий-руҳий муҳит бўлиб, ундаги ғайритабиий муносабатлар, низолар, жанжаллар, келишмовчиликлар, қўполлик ўзаро бирликнинг, бир-бирига ғамхўрликнинг йўқлиги кабилар ҳисобланади¹. Бу муаммолар ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Статистик маълумотларга қараганда, қонунбузарлик содир қилган вояга етмаганларнинг 42–45% ота-оналари ичкиликбозликка берилган, жанжал ва мунтазам низолар келиб чиқадиган носоғлом оилада яшар экан².

¹ Қаранг: *Зарипов З., Исмоилов И.* Криминология. 145-бет.

² Уша жойда.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ота-онанинг ўрни ҳақида юқорида тўхталиб ўтдик, лекин айтиш мумкинки, баъзи ота-оналар ҳатто ўзларининг конституциявий бурчларини ҳам бажармаяптилар ёки бажаришдан бўйин товляяптилар, натижада балоғат ёшига етмаган шахслар тарбияси ўз ҳолига ташлаб қўйилмоқда.

Афсусланарли томони шундаки, назоратсиз қолган ўсмирлар ўқишни ташлаб кетиб, мактаб тарбиясидан маҳрум бўлиб, ёмон шароитлар ва кўча-кўйдаги салбий ҳолатлар таъсирида жиноят қилишга мойил бўлиб қоладилар¹.

Криминологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар томонидан содир қилинган бешта жиноятдан тўрттаси назоратсизлик, салбий ҳислатларга эга шахслар таъсири остида юз берган².

Турли тоифадаги қонунбузар шахсларни педагогик нуқтаи назардан шартли равишда икки гуруҳга бўламиз: биринчи гуруҳдагилар – жиноят содир этадилар ва унинг ривожига ўз ҳиссаларини қўшадилар, натижада ўта хавфли жиноятлар содир этилади. Иккинчи тоифадагилар – қонунбузарликни содир этадилар, бошқа шахслар учун ўта хавфли даражада бўлмайди.

Ҳуқуқбузарлик фаолиятида криминоген элементлари мавжуд бўлган шахслар ва уларнинг фаолиятини олиб кўрайлик. «Ҳар қандай криминоген вазият ўз ҳолича, мустақил ҳолда шахсни жиноят содир этишга олиб келмайди»³, деган тўғри фикрни айтган эди криминолог олим И. Исмоилов. Кўп ҳолларда, айтиб ўтганимиздек, турмушдаги вазиятлар шахсларни ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбур этади, масалан, атайлаб низо чиқариш;

¹ Қаранг: *Маҳмудов Р. М.* Ҳуқуқ ва маданият. Т., 1994. 43-бет.

² Қаранг: *Зарипов З., Исмоилов И.* Криминология. 145-бет.

³ Уша жойда. 155-бет.

фавқулдда вазият; бошқаларнинг оиласи ҳақида ҳар хил ифволар тарқатиш; атайлаб жаҳлини чиқариш ва ҳоказо.

Ҳар қандай шахснинг муайян хатти-ҳаракати бир қанча босқичлардан иборат бўлади ва ўзига хос мураккаб ижтимоий-руҳий жараёни қамраб олади. Ҳар қандай ҳуқуқбузарлик асосида, шахсий манфаатдан ташқари, маънавий-руҳий вазиятларнинг таъсирига берилиш ҳолатлари ҳам ётади. Бу хусусият ичида шахснинг эҳтиёжи, манфаатлари, мотивлари, мақсадлари у содир этган жиноий хатти-ҳаракат билан бевосита боғлиқдир. Шахснинг ҳуқуқбузарликни содир этишида унга ижтимоий муҳит, ҳаёт ва тарбияланган шароит ҳамда ундан ташқари муайян аниқ шароитлар таъсир қилади.

Ҳуқуқбузарликни содир этишда шахснинг ўзига хослигини билиш нафақат назарий, балки амалий ва педагогик нуқтаи назардан ҳам муҳим. Назарий педагогик жиҳатдан ҳуқуқбузар шахсда мавжуд салбий руҳий хусусиятлар ва жиноятга сабаб бўлган ташқи муҳитдаги салбий ҳодиса ва жараёнлар очиб берилса, амалий жиҳатдан эса уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини аниқлашга ёрдам беради.

Шахс манфаати бошқа манфаатлардан устун турар экан, албатта, бу ҳуқуқбузарликнинг келиб чиқишига олиб келиши, табиий. Шунинг учун ҳам шахсий манфаат жамият манфаатига тўғри келиши ҳуқуқбузарликнинг камайишига олиб келади.

Маънавий педагогик заифликнинг оғир кўринишлари, айниқса, энг хавфлилари оилада катталарнинг кичикларни жиноий фаолият, ичкиликбозлик, талончилик, фоҳишабозлик ва бошқа ғайриижтимоий машғулотлар билан шуғулланишга тўғридан-тўғри жалб қилишларидир. Бундай ҳолатлар ҳаётда етарли даражада учраса-да, улар жуда ҳам хавфли ҳисобланади.

Кейинги вақтларда айрим ота-оналарнинг оиладаги моддий қийинчиликларни енгиш мақсадида фарзандларини савдо-сотик билан боғлиқ бўлган ва қонунга хилоф хатти-

ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ҳоллари кўпайиб бормоқда. Ташқаридан қараганда унча хавфли кўринмаган бундай ҳоллар, шахснинг салбий шаклланишига таъсир қилувчи криминоген омиллардан бири ҳисобланади, яъни инсонда, айниқса, вояга етмаганларда қонунни менсимаслик, уни четлаб ўтиш мумкин ёки унда қонунни бузганини ҳеч ким билмаса бўлди, деган руҳият шаклланади.

Криминоген йўналишга эга бўлган шахс оиласининг аъзоларига тўғридан-тўғри, бевосита салбий таъсир қилмаса-да, уларни жиноят содир қилишга ундамаса-да, ўзининг салбий хатти-ҳаракатлари, жаргон сўзлари билан оиладаги умумий руҳиятга катта таъсир қилади.

Шахсларда ҳуқуқбузарликни шакллантиришда жиноий жазони ўтаб қайтган, криминоген хислатга эга бўлган шахсларнинг ўрни ҳам ўзгача. Масалан, узоқ вақт жамиятдан ажралган ҳолда ва кўп вақт салбий хислатга эга бўлган шахслар орасида бўлиб қайтган шахсларнинг хатти-ҳаракатлари бошқа шахсларга тезроқ таъсир қилади. Криминоген йўналишга эга бўлган шахслар ўзларининг хатти-ҳаракатлари билан, бошидан кечирган ҳар хил салбий воқеаларни ҳикоя қилиш билан вояга етмаган шахсларнинг педагогик-руҳий ҳолатларига тез таъсир қиладилар. Бундай салбийликларга шахсларнинг тез берилишининг асосий сабабларидан бири – ҳозирги даврда умумий таълим тизимида шахснинг салбийликка томон шаклланишини озиклантирувчи манбалар, турли кўринишларда намоён бўлувчи педагогик йўналишнинг кучсизлиги ҳисобланади.

Педагогик йўналишнинг кучсизлиги, авваламбор, мактабда ёш авлод билан олиб бориладиган меҳнат тарбиясидаги хато ва камчиликларда кўринади¹. Ушбу муаммони чуқурроқ ўрганган олим Ҳ. Қ. Йўлдошев ҳам таълим вазирлиги қошида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш

¹ Ўша жойда. 131-бет.

ташкилий-методик марказини очиш ташаббуси билан чиқди. Бу марказ таркибига педагоглар, методистлар, психологлар, ҳуқуқшуносларнинг жалб қилинишини таклиф этади¹.

Бу таклифни биз ҳам қўллаб-қувватлаймиз, чунки ҳуқуқшунослар, психологлар, педагогларнинг ўзаро ҳамкорлиги, уларнинг режа асосида ишлашлари ҳуқуқбузарликка қарши курашнинг яна бир энг қулай усулидир.

Ҳуқуқбузар шахслар ўзларининг назоратсиз қолганликларидан фойдаланиб, уйларидан нарсаларни яширинча олиб чиқиб сотишлари, пулига сигарета, сақич, шоколад кабиларни олиб, болаларга тарқатиши ёки қарзга бериб, ўша қарз олган шахсни ўзига тобе қилиб олишлари ҳам мумкин. Бундай пайтда тобе шахс тобе қилган шахс нима деса, унинг айтганини қилишга мажбур бўлади. Бундай ҳолатлар янгилик эмас, ҳаётда бунга мисоллар етарли, агарда тобе шахслар уларнинг айтганларини қилмасалар, куч ишлатадилар ва жисмоний жазолайдилар. Назоратсизликнинг оқибатида ёш қизлар ахлоқсизлик йўлига кириб қоляптилар, гиёҳвандликка берилиб кетяптилар, энг даҳшатлиси – оқ ўлимнинг қурбони бўлмоқдалар. Ушбу дарсликнинг муаллифи ўз вақтида бир воқеанинг гувоҳи бўлган. Воқеа мана бундай бўлган эди.

Мирзо Улуғбек тумани халқ судига маслаҳатчи қилиб мени Ички ишлар вазирлигининг Академиясидан юборишган эди, педагогик маълумотга эга эканлигим менга ва судьяга асқатди. Мирзо Улуғбек тумани халқ судига профилактика нозири бир ўспиринни олиб келди. У жуда қайсар, бунинг устига кўпол, энг асосийси, ҳаётнинг аччиқ-чучугини анча кўрган, отаси йўқ, битта синглиси ва онаси бор экан.

¹ Қаранг: *Юлдашев Х. К.* Управление профилактикой правонарушений несовершеннолетних в системе народного образования. Т., 1999. С. 146.

Ўспиринни профилактика нозири суд залига олиб кирди, у билан суд раиси савол-жавобни бошлади, у ҳар қандай саволга жавоб беришдан бош тортди, фақат «Онамни ҳечам кўргим келмайди», деди. Шундан кейин «Майли, мени махсус мактабга (Самарқандга) юбора қолинглар», деб туриб олди ва 7–8 синфларни ўша жойда ўқиб тугатишини айтди. Шунда суд раиси ўспириннинг онасини суд залига чақиртирди. Онасини кўриб, ўспириннинг янада жаҳли чиқиб, асаби бузилди. Онанинг розилигини сўрадилар. Фарзандини Самарқанддаги махсус мактабга жўнатиш учун онанинг ўзи рози бўлганини айтдилар. Судья бу мактаб фаолиятининг мазмунини онага тушунтирди, она «Мактабнинг моҳиятини мен билмаган эдим, энди уни юбормайман, ўғлимнинг Самарқандга юборилишига қаршиман», деб туриб олди. Фарзанд эса «Онамни кўргим келмайди, мени ўша махсус мактабга юборинглар», деб талаб қилди. Шунда педагог сифатида мен ўспириндан нима учун онасини кўргиси келмаслигини сўраган эдим, аввал айтмади, кейин: «Якка ўзингизга айтаман», – деди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ, болани алоҳида чақириб сўрадим, унинг айтишича, онаси фоҳишабозлик билан шуғулланар экан. Ўғлининг катта бўлиб қолганига қарамасдан, она ўғли ётадиган уйда бегона эркаклар билан ахлоқсиз ишларни амалга оширар, ўғил эса уларнинг нималар тўғрисида гаплашаётганларини эшитиб ётар ва доимо ўша эркакларга нисбатан унда нафрат уйғонар, айниқса, улардан ҳам онасига нисбатан нафрати кўпроқ ва кучли экан.

Кунлардан бир куни онаси қизини ҳам шу йўлга бошлаб, эркакларга қўшмоқчи бўлганида, бола синглисини алдаб олиб чиқиб, ўзлари яшайдиган уйнинг томига яшириб қўяди ва ўзи ҳам шу томда яшаб юради. Бола пул ишлаб топиш, ўзи ва синглисини боқиш учун «Тошкент» меҳмонхонаси олдида меҳмонларнинг автомашиналарини кўриқлаш ва ювиш ишига ёлланади, ҳар куни синглиси билан ўзининг

қорнини тўйғазиш учун пул топиб кела бошлайди. Она эса уларни излаб топа олмайди, бола сингисини қариндошиникига олиб бориб қўяди. Кунлардан бир куни бу ўспириннинг ўзини ҳам шундай фоҳишабозлик йўлига атрофидаги болалар бошлайдилар, охир-оқибатда боланинг ўзи ҳам фоҳиша аёлларга борадиган бўлиб қолади. Бола фоҳиша аёлларга қўшилганидан кейин биологик жиҳатдан тез ўзгаради, жисмонан бақувват кўринадиган бўлиб қолади.

Кунлардан бир куни она мактаб маъмуриятига фарзандининг йўқолгани ҳақида хабар беради, профилактика нозирига эса ўғлининг хатти-ҳаракатлари ва кизининг йўқолгани ҳақида ариза билан мурожаат қилади. Натижада профилактика нозирини топиб келиб, мактаб маъмурияти, унинг синф раҳбари билан гаплашиб кўрса, улар бу ўспирин учун одатий ҳол дейишади, чунки ўспирин тез-тез йўқолиб қолар экан. Онаси эса профилактика нозирига «Менга бундай ўғил керак эмас», деб ёзиб берибди, шундан кейингина ўспиринни ёпиқ махсус мактабга жўнатиш учун суднинг қарорини чиқариш керак бўлган экан.

Мана шундай салбий хислатга эга бўлган оналарнинг ахлоқи, хатти-ҳаракатлари, аблаҳлиги десам ҳам адашмайман, бутун бир оиланинг маънавий-руҳий, ахлоқий-педагогик жиҳатдан бузилиб кетишига олиб келган эди. Бундай мисолларни ўнлаб келтиришимиз мумкин. Оилалардаги нотинчликни жамиятимиздаги нотинчлик, деб тушунамиз керак, чунки оила жамиятнинг бир бўлагидир.

Турли тоифадаги қонунбузар шахслар ўзларининг салбий хатти-ҳаракатлари билан аста-секин рецидивист шахсларга қўшилиб фаолият олиб боришлари мумкин, чунки рецидивист шахслар ҳам ўзларининг салбий фаолиятларини ҳуқуқбузарликдан бошлашлари ҳеч кимга, айниқса, ички ишлар органларининг ходимларига сир эмас.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 34-моддасида «рецидив жиноят» тушунчасига биринчи марта

батафсил таъриф беришга ҳаракат қилинган, яъни шахснинг илгари қасддан содир этган жинояти учун судланганидан кейин қасддан янги жиноят содир этиши рецидив жиноят деб топилади.

Рецидивист жиноятчининг тарбияси билан ким шуғулланади ёки уларни тарбиялаб бўладими, деган савол туғилиши мумкин. Рецидивист шахсларни қайта тарбиялаб бўладими, деган саволни қўйсақ тўғрироқ бўлади. Ундан ташқари, қандай жиноятчи шахслар рецидивист деб белгиланади ёки топилади?

Биринчи саволга жавоб битта, яъни рецидивист шахсларни қайта тарбиялаш жуда қийин, шу билан бирга, жуда оғир педагогик жараён бўлиб, уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини камайтириш мумкин, бу ҳам қайта тарбиялашнинг ўзига хос тури ҳисобланади. Рецидивист шахсни бутунлай тарбиялаш мумкин, қайси маънодаки, рецидивистлар ўзларида қайта жиноят содир этмаслик ҳаракатларини кўрсата билсалар.

Иккинчи саволга жавоб қуйидагича: яъни фақат суднинг ҳукми билангина шахс ўта хавфли рецидивист, деб топилиши мумкин. Шахсни ўта хавфли рецидивист деб топиш тўғрисидаги масала ҳал қилинаётган вақтда унинг ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар содир этган жинояти учун судланганлиги, шунингдек, қонунда белгиланган тартибда судланганлик муҳлатининг ўтиб кетганлиги ёки олиб ташланган судланганлиги инобатга олинмайди.

Рецидивист жиноятчи ёки рецидивист жиноятчиликнинг хусусиятлари бир-бирига ўхшаса-да, лекин улар айнан бир нарса эмас, чунки рецидив жиноятчилик ижтимоий хавфлилик даражаси юқори жиноятчилик тури ҳисобланиб, ушбу жиноят ижтимоий хавфлилигининг юқорилиги, биринчидан, аввал жиноий жавобгарликка тортилишига қарамасдан, муқаддам жиноят содир этган шахс икки ва ундан кўп марта жиноят содир этиб, жиноий фаолиятини давом эттиришга бўлган қатъий ҳаракати билан,

иккинчидан, бундай тоифадаги шахсларнинг доимо қонун билан кўриқланадиган объектларга нисбатан тажовуз қилиш хавфининг ва бошқа шахсларга, айниқса, ёшларга салбий таъсирининг мавжудлиги билан фарқ қилади. Рецидив жиноятларни содир этувчи шахсларнинг ўзлари жиноий тажрибаларига асосланиб, биринчи марта жиноят содир қилаётган шахслар билан тил бириктириб, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этадилар¹. Рецидивист жиноятчи ёки рецидив жиноятчилиқнинг моҳиятини ўрганиш криминология фанининг объекти ҳисобланади, бизни эса рецидивист жиноятчиларни қайта тарбиялаш муаммоси қизиқтиради.

Барча жиноят турлари каби рецидив жиноят, рецидивист жиноятчилиқ ҳам касбий педагогика ва ахлоқ тузатиш педагогикасининг ўрганиш объекти ҳисобланади. Рецидив жиноятчилиқнинг сифат ва миқдор жиҳатидан ўзгариб бориши республикамиздаги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига тўсқинлик қилувчи ижтимоий-педагогик ҳодиса ҳисобланади.

Шахсларнинг рецидивист бўлиб тарбияланишига қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

- шахс тарбияланган оилада юзага келган салбий педагогик-психологик муносабатлар;
- рецидивист шахс тарбияланган оиланинг тўлиқ эмаслиги ва оилада педагогик муҳитнинг йўқлиги;
- рецидивист шахс тарбияланган оилада ота ёки онанинг тарбиявий ўрнининг йўқлиги, бор бўлса ҳам уларнинг ўзлари спиртли ичимликлар ёки гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга берилиб кетганликлари;
- рецидивист шахслар билан оилавий муносабатнинг мавжудлиги ва оила бошлиқларининг, айниқса, ота ёки онанинг рецидивист шахсларга тобе бўлиб қолиши оқибатида фарзандларнинг ҳам шундай тарбияланганлиги;

¹ Ўша жойда.

– рецидивист шахсларни қайта тарбиялашда жазони ижро этиш жойларидаги муҳит ҳам муҳим ҳисобланади ва бу шахс ахлоқига салбий таъсир қилади, масалан, озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумлар орасида олиб бориладиган тарбиявий профилактик тадбирларнинг бугунги кун талабига жавоб бермаслиги;

– озодликдан маҳрум этиш жойларида жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан баъзи ҳолларда инсонпарварлик актларининг адолат мезони бузилган ҳолда қўлланиши;

– озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ жойларида жиноятчилар муҳитига хос одат ва анъаналарнинг ҳукмронлиги ҳамда жазони ўтаётганларнинг уларга рия қилишга мажбур этилиши.

Рецидивист шахсларнинг қайта тарбияланишига салбий педагогик таъсир этадиган яна бир қанча омиллар бор, улар, масалан, шахс жиноят содир этганлиги учун жазони ўтаб қайтганида илгари ишлаган ишхонасидаги жамоанинг унга судланмасдан аввал қандай муносабатда бўлса, шундай муносабатда бўлмаслиги ҳам шахс психологияси ва тарбиясига қаттиқ таъсир қилади. Ундан ташқари, озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшаб келган шахсларнинг ўз вақтида мутасадди ташкилотлар, жумладан жойлардаги ҳокимиятлар ҳузурида тузилган ижтимоий мослашув марказлари томонидан маиший турмуш муаммоларининг ҳал этилмаслиги ва иш билан таъминланмасликлари, шунингдек, ижтимоий мослашув марказлари фаолиятидаги хато ва камчиликлар.

Жиноий жазони ижро этиш жойларидаги рецидивист шахсларни қайта тарбиялаш бошқа педагог олимлар томонидан ўрганиладиган алоҳида муаммо ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни айтамикки, касбий педагогика ўзининг моҳиятига кўра, шахсни тарбиялаш, қайта тарбиялаш муаммоларини ўрганади. Қайта тарбиялаш муаммосини

жинойй жазони ижро этиш педагогикаси фани батафсил ўрганади.

Такрорлаш учун савол ва топшириқлар

1. Ҳуқуқбузарликка қарши курашда якка тартибдаги психологик-педагогик таъсир этиш усуллари нималардан иборат?

2. Якка профилактик фаолият олиб боришда психологик-педагогик таъсир этиш тушунчасига тавсиф беринг.

3. Якка профилактик таъсир этиш ишларида тарбиянинг қандай усулларидадан фойдаланилади?

4. Якка тартибда таъсир этиш усулларини танлашга таъсир қилувчи қандай омиллар мавжуд?

5. Вояга етмаган шахслар билан тарбиявий профилактик ишларни олиб бориш хусусиятларига тавсиф беринг.

6. Рецидив жиноятларнинг олдини олишдаги педагогик жиҳатларни очиб беринг.

7. Муқаддам судланганлар билан профилактик ишлар олиб боришнинг педагогик ўзига хослигини ёритиб беринг.

8. Балоғат ёшига етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларни педагогик нуқтаи назардан таҳлил қилиб беринг.

9. Рецидивист жиноятчи шахсини қайта тарбиялашнинг ўзига хослигига тавсиф беринг.

ХУЛОСА

Давлатимиз Президенти И. А. Каримов ўзининг деярли барча дастуриамал моҳиятга эга нутқларида тарбия жараёнига алоҳида эътибор бериб, бу узоқ давом этадиган жараён эканлигини, ҳеч бир вақт тарбияда танаффус бўлмаслигини, энг асосийси, тарбия, айниқса, ҳуқуқий тарбия вақт танламаслигини қайта-қайта таъкидлаган. У келажакнинг «пойдевори»ни юксак маданиятли, тарбияланган шахслар белгилаши ҳақида: «Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади»¹, – деганида минг бор ҳақ эди.

Миллий истиқлол мафқурасини ёшлар қалби ҳамда онгига сингдириш таълим-тарбиянинг турли шакллари ва воситалари орқали амалга оширилади. Миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантиришда касбий педагогика фанининг ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор, чунки бугунги кунда ички ишлар органларининг барча тизимларида фуқароларни, шунингдек, бу соҳа ходимларининг ўзларини ҳам тарбиялаш масаласи долзарб бўлиб турибди. Фуқароларни тарбиялашда касбий педагогика ўта зарур фан ҳисобланади, чунки уларни тарбиялаш ва қайта тарбиялашда тарбиянинг тизимидан ва методларидан тўла фойдаланиш керак бўлади. Бошқача айтганда, педагогик

¹ Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3. Т., 1996. 39-бет.

таъсир этиш усулларининг мажмуидан фойдаланган ҳолда, жиноятчиликнинг олдини олиш мумкин.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш – нафақат ички ишлар органлари ходимларининг, балки бутун жамиятнинг иши. Жамиятда жиноятларнинг камайиши аста-секин ички ишлар органлари ходимларининг умумпрофилактик ва яқка профилактик тадбирлар фаолиятининг мазмунини ҳам ўзгартиради, умумий профилактик йўналишдаги тадбирлар орасидан энг қулай ва зарурларини танлаб олишга ёрдам беради.

Тарбия доимо шахс ва унинг фаолияти билан боғлиқ, шу боис шахсларни ҳуқуқий тарбиялаш, ҳуқуқий тарғибот масалалари ушбу дарслиқда баҳоли қудрат ёритилди. Бу дарсликнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, унда жиноятнинг олдини олишда ва унга қарши курашишда ички ишлар органларининг ходимлари билан жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигига алоҳида тўхталинди ва уларнинг иш мазмуни ёритилди.

АДАБИЁТ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 1992.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига шарҳлар. – Т., 2000.

Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури (1997 йил 29 август) // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. № 9. 23–33-бетлар.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги 1997 йил 29 август қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. № 9. 226-м.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 1997. № 4–5. 126-м; 1999. № 5. 110-м.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида»ги 1997 йил 25 июнь фармони // Халқ сўзи. 1997. 22 июль.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳуқуқий маърифат, тарғибот марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида»ги 1997 йил 22 июль қарори // Халқ сўзи. 1997. 23 июль.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги 2000 йил 27 сентябрь қарори // Халқ сўзи. 2000. 28 сентябрь.

Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997.

Авенесов Г. А. Введение в курс профилактики правонарушений. М., 1998.

Акромов И. Ички ишлар ходимларининг ҳуқуқий маълумоти ва маданияти // Ҳуқуқ–Право–Law. 1999. № 3.

Алексеев А. И. Педагогические основы предупреждения преступлений органами внутренних дел. М., 1984.

Восиқова М. Болалар тарбиясига алоҳида эътибор // Ҳаёт ва қонун. 1995. № 7.

Зарипов З., Исмоилов И. Криминология. Умумий қисм. Т., 1996.

Исмоилов И., Сатторов Ч. Рецидив жиноятчилик ва унинг олдини олиш муаммолари. Т., 2000.

Исправительно-трудовая педагогика. М., 1978.

Маҳмудов Р. М. Ҳуқуқ ва маданият. Т., 1994.

Маҳмудов Р. М. Шахсининг ҳуқуқий ижтимоийлашуви: назария ва методика. Т., 1997.

Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар ва тамойиллар. Т., 2000.

Мунавваров М. К. Оила педагогикаси. Т., 1994.

Муҳаммадиев Н. Э. Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданият. Т., 1998.

Педагогика / Под ред. Ю. К. Бабанского. М., 1983.

Прогрессивные педагогические технологии. Т., 1999.

Юлдашев Х. К. Управление профилактической правонарушений несовершеннолетних в системе народного образования. Т., 1999.

Йўлдошев Ҳ., Таджиханов У., Зарипов З., Мирзажонов К. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда ҳуқуқий тарбия воситаларининг аҳамияти. Т., 1997.

Таджиханов У. Ички ишлар идоралари фаолиятида ҳуқуқий маданият ва қонунга итоатгўйлик. Т., 1995.

Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2 томлик. Т., 1998.

Татаринцева Е. В. Правовое воспитание: методология и методика. М., 1990.

Тоҳиров Ф. Тарбияда танаффус бўлмади // Ҳаёт ва қонун. 2000. № 4.

Уразаев Ш. З. Перестройка и правовая культура. Т., 1988.

Ўзбек педагогикаси анталогияси / К. Ҳошимжонов таҳрири остида. Т., 1995.

Экканингни ўрасан // Халқ сўзи. 2000. 11 окт.

Фарбернин Б. Л. Передовые педагогические технологии. Т., 2000.

Қулахметов А. Б. Вояга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга материалларни бериб, жиноят ишини тугатиш. Т., 2000.

МАҲМУДОВ РОЗМЕТ,
педагогика фанлари номзоди, доцент

КАСБИЙ ПЕДАГОГИКА

Дарслик

Муҳаррир **М. С. Раҳмонова**
Техник муҳаррир **М. М. Сафаров**

Босишга рухсат этилди 6.03. 2003. Нашриёт-ҳисоб табоғи
6,0.

Адади 400. Буюртма № 21. Нархи шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
700197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68